



# Саодат Асри Шамиати



Усмон Нурий Тўпбаш

 **ERKAM**  
YAYINLARI





Истанбул 1431 / 2010

Саодат асри жамияти. («Люди эпохи благоденствия» на узбекском языке). Перевод с турецкого языка.

Ушбу китоб Саодат Асри Жамиятининг исломий яшаш тарзи, иймон мустаҳкамлиги, ибодатга бўлган эътибори, бизларга ибрат бўлган гўзал ахлоқи ҳақида маълумот беради.

Китоб ислом тарихи билан қизиқувчи ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китобда Куръони-Каримдан сура ва оятлар бўлгани учун унга муносиб хурмат кўрсатишингизни илтимос қиламиз.

**Таржимон:** Баходир Джурабаев

**Мухаррир:** Қудратилло Саидрахимов

**Таржима нухасининг асли:** Asr-ı Saadet Toplumı

**Саҳифалаш ва Муқова:** Закир Шадманов

Osman Nuri Topbaş – İstanbul – 2011

**ISBN:**

© Издательство Эркам

İkitelli Organize Sanayi Bölgesi

Turgut Özal Caddesi No: 117 Kat: 2/C

Vaşakşehir / Стамбул / Турция

**Tel** : +90 (212) 671 07 00

**Fax** : +90 (212) 671 07 48

**E-Mail** : [info@worldpublishings.com](mailto:info@worldpublishings.com)

**Website** : [www.islamicpublishing.net](http://www.islamicpublishing.net)



**Биринчи нашр**

**Саодат Асри  
Жамияти**

**Усмон Нурий Тўпбош**

 **ERKAM  
YAYINLARI**



## КИРИШ

*Бизларни Пайғамбаримиз Расулulloҳ саллолоҳу алайҳи вассаламга уммат қилган ва Унинг энг гўзал ахлоқ намунаси қилиб инсониятга лутф қилган, эҳсони тўла Парвардигоримизга чексиз ҳамду санолар бўлсин.*

*Саҳобаларни самодаги юлдузлар мисоли улғайтириб юксалтирган ва инсониятга мисли йўқ Саодат Асри ҳадя қилган Пайғамбаримиз Расулulloҳ саллолоҳу алайҳи вассаламга, Унинг оиласи ва саҳобаларига тенгсиз саловоту саломлар бўлсин!..*

**Саодат Асри**, “ҳузур ва саодат даври, инсонлар энг бахтиёр бўлган аср” маъносини билдиради.

Саодат Асри; инсониятга ҳидоят раҳбари бўлган Қуръони Карим нозил бўлган, оламларга раҳмат қилиб юборилган Ҳазрати Пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи вассалам ҳаёт кечириб шарафлантирган бир даврдир. Яна у давр, пайғамбарлик нурини даврларга ва диёрларга етказган; дунё тарихида ахлоқ, инсоний фазилат, марҳамат ва комилликда чўққига чиқиб, мислсиз фазилатлар маданиятини барпо қилган саҳоба наслининг камолга эришган бир замонидир.



Саодат Асри таъбирини баъзан, Хулофаи Рошидин даврини, ҳатто Тобиин ва Табаа Тобиин даврларини ҳам ўз ичига олган ҳолда ишлатилганлигини ҳам кўрамиз.

Жаноби Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай буюрганлар:

*“Умматимнинг энг яхшиси менинг асримда яшаганларидир. Кейин уларни таъқиб қилганлар, кейин эса уларни ҳам таъқиб қилганларидир...”*  
(Бухорий, Асхабун-Набий, 1)

Бу жиҳатдан Саодат Асри энг мукамал даврдир. Ислому тарихининг, доимо ҳасрат ва ҳайронлик билан ёдга олинадиган энг мустасно давридир.

Баъзи муфассирлар Жаноби Аллоҳнинг **Аср сурасида**, бошқа маънолар билан биргаликда “Саодат Асри”га ҳам қасам ичгани ифода қилмоқдалар. Зеро бу аср, ҳақ билан ботилнинг қатъий бир шаклда ажратилиб аниқ қилинган бир даврдир.

Саодат Асри дунёвий ва нафсоний томондан бир саодат, роҳатлик ва фаровонлик даври эмас эди. Аксинча жуда қийин ва машаққатли ҳаёт шартлари остида яшаган, мушкул курашлар билан тўла давр эди. Фақат Қуръони Карим, Ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ислому неъматлари билан, инсониятнинг ҳам дунё ҳамда



охиратда ҳузур ва саодатини таъминлаб ҳаёт дастурларининг ўрнига қўйилган давр эди. Зулм, зўравонлик ва қўпол қувватга таслим бўлган инсониятнинг, ҳақ, адолат ва гўзал ахлоқ билан юксалган инсоният тарихидаги энг буюк ислоҳот, ривожланиш ва инқилоб ҳукм сурган, тубан ва нафсоний қоронғуликлар ўрнига олий ва руҳоний ойдинликлар олган, руҳларнинг бадан асирлигидан қутулган, хуллас инсонларнинг охиратга оид тартибда бадбахтлик ва азоб-уқубатдан саодатга интилган давр эди.

Бу жиҳатдан, инсониятни зулматдан нурга чиқарган Ислоннинг тенгсиз гўзалликларини, айниқса назокат ва латофатини фақатгина Саодат Асрининг кўнгил иқлимига кира олишлик билан яқиндан ўргана олишлик мумкин бўлади.

Муҳтарам ўқувчимиз!

Турли мақолаларимиздан тўплаб ва баъзи янги мисолларнинг ҳам иловаси билан ёзилган ушбу китобда, у муборак аср моҳиятини яна ҳам яхши идрок қилинишини мақсад қилдик. Ушбу мақсад билан, иймон, ибодат, муомала ва ахлоқда қанчалар мухлислик уйғотувчи ривожланишнинг ҳукм сурганига доир, у асрнинг ҳисобсиз ибрат ва фазилат тасвирларидан баъзи мисоллар билан мавзумизни яна ҳам аниқ бир ҳолатга келтиришни орзу қилдик.

Бу китобнинг тайёрланишида ёрдам қилган Доктор Мурат Қая ўғлимизга бу сабабдан миннатдорчилик билдирамыз, бу хизматнинг ўзи учун садақайи жория бўлишини Жаноби Аллоҳдан сўраб қоламиз.

**Усмон Нурий Тўпбош**

Декабрь 2009

Ускудар



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

وَالسَّابِقُونَ الْأَوَّلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ  
اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ

“(Ислом динига кириш хусусида) муҳожир  
ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари  
ва уларга чиройли амаллар билан эргашган  
зоғлар – Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар  
ҳам Ундан рози бўлдилар...” (Тавба 100)



САОДАТ АСРИ

ЖАМИЯТИ





## САОДАТ АСРИ ЖАМИЯТИ

Жоҳилият даврида инсонлик қуюқ қоронғуликга кўмилганди. Жаҳолат зулматлашиб, бузуклик ва адашганликлар қутурган, фитна ва фасод авжига чиққан, қон даъволари сабаби билан чўллар гўё қон кўлига айланганди.

Ҳақ ва ҳуқуқ доимо кучлига оид эди. Кучни кўлга олган золимлашар, жамиятдаги заиф ва ким-сасизларни эзар эди. Марҳум Акифнинг;

*“Кучсиз бир инсонми уни биродарлари еди...”* шаклида ифода қилган ваҳшийлик ҳукм сурарди, зўравонлик оёқлари остида тепаланган мазлумлар, дард- фарёдлар ичида, ҳаётда қолиш учун курашар эдилар.

### ***Жоҳилият Эътиқодлари Инсонни Тубанлаштирар Эди***

Соф ишонч ва ақида бузилганди. Бир қисм инсонлар, ўзларидан жуда узоқда деб қабул қилган Аллоҳдан, илоҳий кучнинг ер юзида бўлган тош, қоя, олов, дарахт, тепалик каби бир қанча табиат мавжудотларига тушганлигига, уларда намоён



бўлганлигига ва уларга муқаддаслик берганлигига ишонардилар. Қуёшга, юлдузларга сиғинганлар ҳам бор эди. Уларни муқаддас қабул қилиб таъзим қилиш билан Аллоҳга ета олиш имконларини ўйлашар эди.

Бир қисм инсонлар эса, фаришта, жин ва шайтон каби жисмоний бўлмаган мавжудотларга ибодат қилар эдилар. Агар уларга ибодат қилиб, хурматда камчилик кўрсатмасалар, уларнинг Аллоҳ наздида ўзларига шафоат қилажагини ўйлашар эдилар.

Бир томондан Аллоҳга ишонганини даъво қилган, бир томондан эса турли мавжудотларни ёки қўллари билан ясаб келган нарсаларни Аллоҳга ширк келтирган мушриклар ҳам бор эди. “Ҳазрати Иброҳим ва Исмоилнинг авлодимиз”, деб даъво қилишларига қарамасдан, улар олиб келган “тавхид” ақидасини ташлаб, Ханифликдан узоқлашган эдилар. Булар дарҳол ақлларига келган ҳамма нарсани Аллоҳга ширк келтирардилар.

Аллоҳ ва охират кунини бутунлай инкор қилар, барча нарсанинг бу кўринган оламдан иборат эканлигига ишонган инкорчилар ҳам бор эди.

Пайғамбаримизнинг сўти онасининг куёви Харис, пайғамбарликдан кейин Маккага Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни зиёрат қилгани келганди. Қурайш мушриклари унга:



“– Эшитмадингми эй Харис, сенинг шу ўғлинг нима деябди?” дедилар.

Харис: “– Нима деябди?” деб сўраганда:

“– Аллоҳнинг, ўлимдан кейин қайта тирилтиришини даъво қилябди. Яна Аллоҳнинг Жаннат ва Жаҳаннам деган икки юрти бўлганини, ўзига осий бўлганларга Жаҳаннамда азоб берилишини, итоат қилганларга эса сийлашини айтмоқда. Бундай даъволар бизнинг тартибимизни бузди, жамоатимизни паришон қилди” дедилар.

Харис, Жаноби Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнига келиб:

“– Болам, қавминг ўртасидаги масала нимада? Сендан шикоят қилишмоқда. Сенинг: «Инсонлар ўлгандан кейин қайта тириладилар, кейин Жаннат ёки Жаҳаннамга кирадилар», деганингни айтмоқдалар.” деди.

Жаноби Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам сут отасига:

*“– Ҳа, мен шундай иймон келтирмоқдаман ва буни айтмоқдаман отажоним! Кошки бугун сенинг қўлингдан ушласам ва бу сўзнинг ҳақиқатини тушунтирсам!”* деб буюрди.

Харис розияллоҳу анҳу кейинчалик мусулмон бўлди ва замон ўтиши билан Исломнинг кўнгили



тўқималаридан насибасини олишни бошлади. Харис розияллоху анху Исломга киргандан кейин шундай дерди:

“– Кошки ўғлим ўша куни кўлимдан ушлаб сўзларнинг ҳақиқатини менга тушинтирганда эди! Ва Аллоҳнинг изни билан мени Жаннатга киргунимгача ҳеч бир жойга қўйиб юбормаса эди!” дерди. (Ибни Исҳоқ, Сийрат, 218-бет; Сухайлий, Равдул-Унуф, I, 284-285)

Қисқаси, жоҳилият давридаги инсонлар жуда кўп нотўғри эътиқод ботиб қолишган; ақл, идрок, тушунча ва тафаккур каби энг қийматли инсоний фазилатларни тубанлаштирган, охирги даражада кулгули аҳволларга тушишган ва шундай оғир инсоният фожеасини бошдан кечиришарди.

Тўғри бир тушунча, тоза бир фикр топиш жуда қийин эди. Нотўғри фикрлар жуда кўпайиб кетган эди. Натижада жамиятда аёл кишилар эзилар; оналар хўрланар; қизлар эса уят сабабчиси катори қабул қилинарди.

“– Ё Расулуллоҳ! Биз жоҳилият аҳли эдик. Бутларга сиғинар, қизларимизни тириклайин тупрокка кўмар эдик. Менинг кичик қизим бор эди ва мени жуда севар эди. Шундай севар эди-ки, чақирганимда гўёки учиб, югуриб келарди. Бир кун саҳобалардан бири, Жаноби Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам ёнига келиб шундай деди:



- Бир куни яна уни чакирдим, югуриб ёнимга келди ва менга эргашишни бошлади. Пиёда юриб, оиламизга оид бўлган қудуқнинг ёнига келдик. Қизимни қўлидан ушлаб қудуққа ташладим. Қулоқларимга чалинган сўнгги сўзлари: «Отажоним, отажоним!», деган хайқириқлар бўлди.»

Буларни эшитгач марҳамат уммони Пайғамбаримизнинг нурли кўзларидан ёшлар тўкилди. У ерда ўтирганлар бу ҳодисани айтиб берган зотга танбех беришиб:

“– Эй, фалончи! Сен Расулуллоҳни хафа қилдинг!” дедилар.

Жаноби Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам:

“– Унга моне бўлманглар! У, ўзини қайғуга гарқ қилган ва муҳим деб ҳисоблаган бир нарса-ни сўрашни хоҳлаябди.” деб буюрди ва у шахсга қараб:

“– Айтиб берганларингни такрор қил!” деб буюрди. Саҳоба сўзларини такрорлагач, Расулуллоҳ яна йиғлади. Кўз ёшлари муборак соқолини намлади. Кейинчалик унга:

“– Аллоҳ, (мусулмон бўлганларнинг) Жоҳилият даврида қилган гуноҳларни кечирди. Энди сен ҳаётингни янгидан бошла!” деб буюрди. (Даримий, Мукаддима, 1)



Кўрилганидек инсоният, олов чуқурининг ёқасига келганди. Ижтимоий ҳаёт, маънавий томондан катта чўкишга учраган, инсонлар ҳалоқат эшиклари остига келишганди. Ислом келиши билан уларни бу катта хатардан қутқарди ва улардан пок Саодат Асри Жамиятини барпо қилдирди.

Жаноби Аллоҳ шундай буюради: **“Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Исломга) боғланингиз ва бўлинмангиз! Ҳамда Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъматига сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан ҳалос қилди. Ҳақ йўлни топишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай баён қилди.”** (Ол-и Имрон 103)

### **Ибодатлар ва Муомалалар, Дунёвий Манфаатларга Қурбон Қилинганди**

Ибодатларнинг кўпи унутилган, қолгани эса бузуқликга учраганди. Ҳаж, умра, қурбон каби бир қатор ибодатлар, нотўғри эътиқодлар ва манфаатларига кўра эгиб-букилган, танилмайдиган ҳолатга келганди. Хаттоки, ибодатга аҳамият беряпмиз деб ахлоқсизликга муносабати кучаярди. Ҳожиларни яланғоч тавоф қилдиришардилар.



Кейинчалик эса уларга кийим беришиб ғурур ва кибрларини бойитишардилар.

Муомалаларнинг ягона қоидаси куч-қувват эди. Ҳақ, олдинлик ва устунлик, куч-қувват эга-сида эди, заифнинг ҳеч бир ҳаққи йўқ эди. Жамиятда хавфсизлик, хузур ва осойишталикдан асар қолмаганди.

### **Тарк Қилинмаган Ахлоқий Хусусиятлар Ҳам, Асл Ҳолатидан Узоқлаштирилганди**

Ахлоқий хусусиятлардан ҳаётда қола олган бир қанча қоидалар эса, нафсоний манфаатларга таянган бир ҳолатда эди. Ё хаддан ошириш даражасига борган ёки охириги даражада заифлаштирилганди. Фазилатлар, куч намоиши ҳолига келганди. Саҳийлик номига исроф қилинар, иффат ва номус номига дунёнинг энг фожиали жиноятлари бажарилиб қиз фарзандлар тириклайин тупроқга кўмилар эди.

Ҳа, Жоҳилият инсони **жасур эди**; куролини ёнида олиб юрарди. Шижоат ва жасорат унинг феъл-атвори эди. Фақат, унинг жасурлиги, ўз қабиласи фойдасига ўлдирган инсонларнинг ҳисоби билан ўлчалар эди. Унинг шижоати, худбинлик ва ғуруридан келиб чиқарди. Шижоат ва жасорат намоишининг остида шахсий ва



кабилавий устунлигини исбот қилиш орзуси ётар эди. Бу сабабли қабилалар орасидаги тўхтовсиз урушлар, уларни ҳам моддий ҳамда маънавий паришон қиларди.

Ислом, Жоҳилият жамиятининг нотўғри одатларини олиб ташлаб ўрнига энг гўзал ва энг мукамал хаёт дастурларини олиб келди. Жоҳилият инсонни назоратдан чиққан, жўшқин ғазабини, халим, сабр, ҳақ ва адолат каби юксак хусусиятлар билан жиловлади. Идроксиз жасоратини хиссийликдан ва нафсониятдан тозалаб ақлийлаштирди. Нафсоний шижоатини ижобий ғоялар билан йўналтирди. Уни, ҳақ ва адолатнинг ўрнини топгани каби юксак ғоялар йўлида қўлланишни ўргатди.

Жоҳилият инсони **сахий ва меҳмондўст** эди. Фақат ундаги бу фазилатларнинг ғояси, ўзини ва қабиласини мақталишига замин яратмоқ эди. Энг юксак ғояси, хурмат кўрмоқ; зодагонлиги, саховати ва жасорати билан инсонлар орасида шон-шухрат ва ном қозонмоқ, инсонлар устидан кўркув ва ҳайронлик уйғотиш эди. Бу сабабдан бир онда олти-етти кўй сўйилар, фақатгина жигари олиниб кабоб қилинар, қолган қисмлари эса ташланиб юбориларди.

Ислом, сахийлик ва меҳмондўстликни давом эттириш билан биргаликда, буларга ахлоқий мазмун қозонтирди. Мусулмонлар сахийлик қилар





экан, риёдан узоқ туришар, фақатгина Аллоҳ ризосини талаб қилишарди. Зеро, инсонларнинг қалбига, Аллоҳнинг **Маликул-Мулк** эканлиги жойлаштирилганди.

Бунга кўра ҳақиқатда бутун мулк, Аллоҳга оиддир; инсонлар фақатгина бир омонатчидирлар.  
<sup>1</sup> Мол ва мулк устида чегарали ва масъулиятли тежамкорлик ҳуқуқлари бордир. Шунинг учун инсонга омонат берилган молдан, Аллоҳ рози бўлажак шаклда ва У кўрсатган йўналишда фойдаланмоқ зарурийдир. Аллоҳнинг мулкани кулларига хизмат қилиш учун фойдаланмоқ кераклидир, бандага ҳиммат йўли билан Яратганга хизмат қилмоқ кераклидир.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Берган қўл, олган қўлдан устундир.”* буюрган.<sup>2</sup> Фақат бераётганда холис Аллоҳ ризоси учун инфоқ бермоқ, ғурурдан узоқ қолмоқ ва қандайдир бир дунёвий манфаат кўзламаслик талаб қилинади. Шунингдек Қуръони Карим бутун инсонларга:

**“Бизлар сизларни ёлғиз Аллоҳнинг розилиги учун таомлантирурмиз. Сизлардан (бу ишимиз учун) бирон мукофот ва миннатдор-**

1 Оли Имрон , 26; Нур, 33

2 Бухорий, Васая, 9; Муслим, Закот, 97



**чилик истамасмиз-кутмасмиз!”**<sup>3</sup> дейишларини ўргатар ва насиҳат қиларди.

Ислом, исрофни ҳам тақиқлаганди . Ниҳоят Саодат Асри Жамиятида сахийлик туйғулари билан сўйилган кўйнинг бир парчаси ҳам исроф қилинмас эди. Яна сахийлик ва ўзгаларни ўйлашлик туйғуси сабабли бир кўйнинг бошини етти оилани айлантириб яна ўша жойга қайтган бўларди.

Чўл хаёти, Жоҳилият инсонини ибтидоий бир **хуррият** фикрига йўналтирганди. Улар ҳеч бир обрў ва салоҳият танимас, салоҳиятнинг ҳар турли-сига исён қилишарди. Бунинг натижасида марказий бир идора йўқ эди. Ижтимоий бирлик, камдан-кам ҳолатларда қабилани ошарди. На тартибли на муассасали тасдиқланган бир ҳуқуқ интизоми бор эди. Тушунмовчиликлар ё шошилич равишда тайинланган ҳакамларга ҳавола қилинар ёки кўпинча зўравонлик ва қурол билан ҳал қилинарди.

Ислом, инсонларнинг фақатгина бир қисми учун жорий ва чегарасиз бўлган хуррият фикрига қарши чиқди. Қуръони Каримнинг, иймонли бир кулнинг ҳур бир мушрикдан кўра қийматли эканлигини эълон қилиниши<sup>4</sup> мушрикларни ҳаддан

3 Инсон, 9

4 Бақара, 221



ташқари асабийлаштирди. Бу сабабли Исломга энг буюк акс таъсир, хурлар дейилган зўравонлар синфидан келди. Улар, Жаноби Пайғамбаримизга, атрофидаги куллар ва заифларни ҳайдаган тақдирда ўзи билан музокарага ўтира олишларини билдирдиларки, Жаноби Аллоҳ буни қатъий рад этди. <sup>5</sup>

Ислом ахлоқи, масалага аввало руҳий томондан йўналтирди; хуррият фикрини ахлоқий бир заминга жойлаштирди. Инсоннинг, ўз хурриятини ўзи виждони билан шахсан ўзининг чегаралантирилишини таъминловчи тадбирлар келтирди.

Ояти карималарда шундай буюрилади:

**“– Аллоҳ инсонга жон томиридан ҳам яқинроқдир.”** (Қоф, 16)

**“ Аллоҳ, шубҳасиз, инсоннинг яширган нарсаларини ҳам, ошкор қилган нарсаларни ҳам билгувчи эканини билмайдиларми?”** (Бақара, 77: Анъом, 3)

Бундай ҳолатда мусулмон, ўз ҳаракатларини ҳаттоки мойилликларини назорат қилмоғи керакдир. Бу асосий тушунча, жоҳилият инсонининг руҳида, ҳаёт нуқтаи назарида ва кадр-қимматлар дунёсида жуда чуқур ва у нисбатда жадал суръатли инқилоб ҳосил қилди. Эндиликда инсон ҳам ўзидан устун обрўнинг, ҳам ўз виждонинг, ҳамда зохирий иқтидорнинг

---

5 Кахф, 28



буйруғи остига кирганди. Бир хусусда ихтилоф чиққанида, ечим топиш учун зўравонликга мурожаат қилинмасди, Аллоҳ ва Расулининг хукмларига мурожаат қилинарди. Барча муслумонлар, “Аллоҳга, Расулига ва ўзларидан бўлган амр сохибларига итоат” қилмоқ кераклигини қабул қилгандилар.<sup>6</sup>

Жоҳилият давридаги **ёрдамлашиш ва бирдамлик** мойиллиги эса қариндошлик уруғчилик ғайратидан нарига ўтмас; кишининг тобе бўлган қавмдан ташқарига чиқмасди. Жоҳилият инсони бошқаларга, қон боғига кўра узоклиги нисбатида шавқатсиз эди. Унинг наздида, бошқа инсон ва мавжудотлар, ўзига фойда берадиган нисбатда кадрли эди. Бу сабабли Жоҳилият даврида, бошқаларнинг молини ўзлаштирмоқ хусусида инсонларни тўхтата оладиган қандайдир бир чегара йўқ эди. Қўлларидан келса, қўли остида ишлатаётган инсонларнинг маошларини ўзлаштиришдан ҳам уялишмасди.

Ислом, ёрдамлашиш ва бирдамлик мойиллигини, қабила мутаасиблигидан қутқариб, ахлоқий асосларга юксалган инсон севгиси ва меҳр-шавқат туйғуси пойдевори устига қурилди. Ислом ишончи атрофида тўпланган барча инсонларга биродарлик назари билан қарашни ва уларни бир баданнинг турли аъзолари каби кўришни ўргатди.<sup>7</sup>

6 Нисо, 59

7 Бухорий, Адаб, 27

Бир куни Расулуллох саллолоху алайҳи вас-  
саллам:

*“Биродаринг золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам унга ёрдам қил!”* деб буюрганди. Буни эшитган мусулмонлар, бир вақтлар қабила ирқчилигининг асосий қоидаси бўлган бу сўзнинг Аллоҳ Расули-нинг оғзидан чиқишига ҳайрон қолишиб, ораларидан бири чиқиб:

“– Ё, Расулуллох! Биродарим мазлум бўлса унга ёрдам берайин. Фақат золим бўлса унга қандай қилиб ёрдам бера оламан?” деб сўради

Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам Исломиёй тушунчанинг нозиклигидан бирини кўрсатган ушбу мухташам жавобни берди:

*“– Уни зулмдан ушлаб қолиб, зулмига мене бўласан. Шак–шубҳасиз бу унга ёрдам қилмоқдир.”*  
(Бухорий, Мазолим 4, Икром 6. Тирмизий, Фитен, 68 қаранг)

Шундай қилиб Ислом, Жоҳилият ахлоқидаги нотўғри “ёрдам” тушунчасини ҳам ўнглаб ўзига айлантриб олганди. Энди фақатгина “яхшилик ва такво” хусусида ёрдамлашиш мавжуд эди; “ёмонлик ва душманлик” хусусида ёрдамлашиш эса қатъий бир шаклда тақиқланган эди.<sup>8</sup>

---

8 Моида, 2



## Пайғамбаримизнинг Буюк Мўъжизаси: Саодат Асри Инсони

Ислом ҳукуки усулчиларининг энг буюк сий-  
моларидан **Қарафий** (684 ўлими) ушбу исботни  
келтирганди:

“Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи  
вассаламнинг ҳеч бир мўъжизаси бўлмаганди  
ҳам, тарбиялаган саҳобаи киромлари, Унинг  
пайғамбарлигини исботга кифоя бўларди.”

Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вас-  
саламнинг инсониятга олиб келган илоҳий ахлоқ  
ва Унинг зохирий тарбияси билан ботил таъсири  
шундай бўлдики, аввалари ярим ваҳший, инсони-  
ятдан кўп хабарсиз Жоҳилият Жамияти, қисқа бир  
муддатда инсоният тарихининг ханузгача хавас  
қилган **“Саҳоба”** шахсияти билан, хаёл усти фа-  
зилатлар маданиятини барпо этди. Жоҳил ва қотил  
инсонлар, маданиятли; ваҳший инсонлар, мада-  
ний; гунохкор ва хароб феъл-атворлик инсонлар,  
такводор, яъни Аллоҳ севгиси ва кўрқуви билан  
яшаган ажойиб солиҳ ва меҳр-шавқат соҳиби ин-  
сонлар ҳолига келганди.

Бир инсон фараз қилинганки, қиз фарзандини  
онасининг юрагидан минг бир азоб билан юлиб  
олиб тупроқга кўма оладиган даражада қалби тош  
ҳолига келган ва ваҳший табиатли ... Соҳиб бўлган



кулни, қандайдир бир моддий ашё каби оддий бир мол қатори ҳисоблаб унга инсонликдан ташқари муомалаларини раво кўра оладиган даражада зolim!..

Мана шундай кўпол ва жоҳил инсонлар, Исломга кириб хидоят топгач, илмда, ахлоқда, одобда ва виждонда маълумотлари ошиб инсониятда фазилатлар маданиятини барпо этдилар.

Жоҳилият даврида экан инсоният ва маданият савиясидан чуқурга тушган бу инсонлар, Ислом ахкомлари ва ахлоқлари билан яшашни бошлагач, гўё Эверест чўққисининг энг тепаси каби юксак бир савияга эришдилар.

### **Обид Инсонлар Камолга Эришди**

Асрлар мобайнида диққатга сазовор хурматли бўлган инсон ҳам улғайтирмаган Жоҳилият жамияти, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маънавий тарбияси ва йўл кўрсатиши соясида, юксак хусусиятлар билан безалган, инсониятга ўрнак бўла оладиган кўламда жуда кўплаб обид шахсиятлар чиқарди ва улар, Қуръон ва Суннатдан олган файзни, битта иймон, илм ва зийраклик машъали ҳолатида дунёнинг тўрт томонига ташидилар. Чарчамадилар, зерикмадилар, безимадилар. Кўнгиллар бир даргоҳ ҳолига келди.



Қалбларни “Ҳолиқнинг назари билан махлуқотга боқиш” тарзи эгаллади. Чўлга Тушган Нур, абадийликни раҳмат қанотлари остига олиб барча инсониятга ҳақ ва адолатни ёйди.

Инсоният олами учун энг мукаммал бир ўр-нак бўлган Аллоҳ Расулининг тарбиясида улғайган Саодат Асрининг мўминлари, Аллоҳ ва Расулини фақатгина зохиран эмас, қалбан ҳам таниган, илм, зийраклик, меҳр-шафқат, назокат ва олийжаноб жамияти эди. У давр, чуқур бир **тафаккур** билан Жаноби Аллоҳни ва Расулини яқиндан таниш даври эди.

Саҳобаи Киром, тушунчанинг ва ғоянинг марказига **тавҳид**ни жойлаштирди. Дунёвий манфатларни, нафсоний эҳтиросларни, қалбларда жой олган хавои хавас илоҳларини бартараф қилишга муваффақ бўлди. Мол ва жон, ғоя бўлишдан чиқиб восита ҳукмига кирди. Иймоннинг лаззати тотилди. **Марҳамат** чексизлашди. **Хизмат**, ҳаёт тарзига айланди. Буюк бир ғайрат ва фидокорлик билан **Ислому шахсияти** барчага намоён қилинди. Шундай эдики, саҳоба билган бир ҳадиси-шарифни қувватлантириш учун бир ойлик йўл юриб жуда кўплаб машаққатларга учрашига қарамай, отини бўш ем халтаси билан алдаб ўзига чақирган ровийни, ҳулқ заифлиги билан иллатли қабул қилгани учун, уни ҳадис олишга моҳир ҳисобламади.





Тобеиннинг буюк олимларидан **Абул Алиё** ҳам, бу Исломий сезгирликнинг бир мисолини шундай тушунтиради:

“Биз, ўзидан (ҳадис) олиш учун бир кишининг ёнига борганимизда, унинг намоз ўқишига қарардик; агар намозини яхши ўқиса, “У, бошқа ишларни ҳам чиройли бажаради.” деб ёнига ўтирардик. Намозини ёмон ўқиса, “У, бошқа ишларни ҳам ёмон бажаради.” деб ёнидан туриб кетардик.” (Даримий, Муқаддима, 38/429)

### **Саҳоба, Жаноб Расулуллоҳ Саллаллоҳу Алайҳи Васалламдан Нима Олганди?**

1. Инъикос (Акс этиш, Аллоҳ Расулининг ҳолати билан ҳолат ўзгартириш, қалин бир ҳолат кўчиши ва файз оқиши, Жаноби Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳолининг инсонларга ўтиши, акс этиши)

2. Ақрабиятнинг таҳсили, яъни Аллоҳга яқинлашишнинг, Уни қалбда таний олишнинг таълим ва тарбияси.

Саҳобаи киромда Аллоҳ, коинот ва нафсга доир янги бир тушунча пайдо бўлди. Қуёш, кичкина бир кўзгуга акс этганидай, кучлари етганича Аллоҳ Расули билан ҳол ўзгартириш, уларнинг энг олий ғоялари бўлганди. Бу сабабли уларнинг ҳаётида ях-



шилиқ ва ҳақ бутун гўзаллиги билан, ёмонлик ва ботил эса бутун хунуқлиги билан аниқлашди. Ҳар бир ҳаракат ва бир нафасда Аллоҳ ризосини изламоқ бир ҳаёт дастури холига келганди.

Улар сахий, марҳаматли, хизмат аҳли, фидокор, ғамхўр, кўли очиқ эдилар, ибодат иштиёқи билан тўла эдилар...

Саҳобаи киром, Маккада бир **иймон имтиҳонини** бошдан кечирди. Иймонигатўсқинлик қиладиган бутун монелиқларни бартараф этди. Ислому гувоҳномасини тарқата олиш бахти учун вақти келганда молини, жойи келганда жонини фидо қилдилар. Маккада кўринган иймоннинг кучи ва хаяжони, Мадинадаги тенгсиз маданият ривожининг кўнгил хужайрасини ва маънавий негизини тайёрлади.

Шундай қилиб Аллоҳнинг бутун махлуқотига ҳузур берган бир Ислому жамияти қурилди. Фитна оловида ёнган чўллар таскин топди, хаттоки дарахтлар ҳам ҳузурга эришди, яшилликлар кўпайди. Ноўрин ёш бир дарахт шоҳини узиш тақиқланди. Ислому олиб келган ҳақ ва ҳуқуқ тушунчаси билан инсоният каби ўсимликлар ва хайвонлар ҳам зулмдан қутулишди, ҳузур халоватга эришди.



## Ислом Тонгдаги Куёш Чиқиши Каби Тезда Ёйилди

Мадинада қурилган ва тахминан тўрт юз оиладан ташкил топган кичкина Исломий шаҳар давлатининг худудлари, ўн йилда Ироқ ва Фаластинга чўзилди. Аллоҳ Расулининг вафоти арафасида Ислом қўшинлари Византия ва Эрон билан урушаётган эди. Лекин саҳобаларнинг ўн йил аввалги холи, вазияти, яшаш тарзи, фаровонлик савияси ва уйларнинг хандасаси ўзгармаган эди. Қаноат қилиб яшаш ҳолатида эдилар. Ошиқча истеъмол, очофатлик, люкс ва хужакўрсинга яшаш, саҳоба жамиятининг танимаган бир хаёт тарзи эди. Улар доимо **“Эртага бу нафснинг меҳмони қабр бўлади.”** идроки ичида эдилар. Шу сабабли дунё неъматларини ўз нафсларига ажратишдан ва хаддан ташқари фойдаланишдан доимо сақландилар. Иймоннинг лаззат ва ҳаяжони билан бу неъматларни инсониятнинг хидояти ва саодати учун восита деб фойдаландилар. Хаётларини Аллоҳ ризосини қозониш йўналишида шакллантирдилар.

Шунингдек Исломнинг мазлум, эзилган, четлатилган ва эксплуатация қилинган инсон гуруҳлари орасида тонг куёши чиқиши каби тезлик билан ва порлоқ шаклда ёйилишининг асосий сабабларидан бири ҳам, саҳобалар етган хар жойда мукамал бир Ислом гувоҳномаси тарқатиш эди.



Зеро Аллоҳ Расулининг махсус талабалари бўлган саҳобаи киром, Аллоҳнинг бандаларига Ҳақнинг шафқат ва марҳамат назари билан боққан, ғамхўр, ростгўй, одил, саҳий, билдириш ҳаяжони билан тўла танланган мўминлар эди.

Улар дўстликнинг марказига Аллоҳ ва Расулини жойлаштиришганди. Шундай қилиб хаттоки ўқиш, ёзишни билмаган жамият, маданиятда чўққига чиққан эди. Зеро кўнгиллар доимо; **“Аллоҳ биздан нима хоҳлайди, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бизни қандай кўришни хоҳлайди?”** тушунчасининг олий ҳаяжони билан яшарди.

### Туйғулар Кучайди

Улар ақл, рух ва нафс ета олиши мумкин бўлган энг сўнгги нуқтага етдилар. Нафс-и амморанинг ёмонлигидан қутулиб нафс-и комила ғоясига эришдилар. Нафсларини сўроққа тутган инсонлар шаклига келдилар. Нафсоний орзуларининг қимматини йўқотдилар, яратилишдан келган олий истеъдодларини такомиллаштириб “Ҳақга эришиш” йўлида илгариларидилар. Ваҳший, бадавий инсонлар, фаришталар мисоли латиф бир кўринишга айландилар.

Жаҳолат ва зулм нуқтаи назаридан – табири жоиз эса – Хинд Океанининг тубидаги инсонлар,



Аллоҳ Расулининг самимий хужайрасидан хисса олишиб меҳр-шафқатда, Ҳолиқнинг назари билан махлуқотга боқишда чўққига эришдилар.

Онасининг юрагидан суғуриб қизини тириклайин кўмгани олиб борган ваҳший ва меҳр-шафқатсиз инсон, Исломдан кейин кўзи ёш билан тўла шафқат фариштаси холига айланди. Кўнгиллар, чарчаган гавдаларининг ҳузур ва тасалли топган даргоҳи бўлди. Қалблар тул, етим ва кимсасизлар учун яширинадиган ва беркинадиган жой бўлди.

Исломдан аввал қалби тош бўлган Умар, Исломдан кейин юмшоқ қалбли **Ҳазрати Умар** бўлди. *“Фиротнинг чеккасида бир қўзичоқ йўқолса, Аллоҳнинг мени ҳисобга тортишидан қўрқаман.”* дея оладиганчалик олий бир тафаккур ва туйғуланиш кучайишига эришди. (Ибни Аби Шайба, Мусаннаф, VIII, 153)

Кечалари елкасида ун қопи билан азадорларнинг атрофида кезадиган бўлди. Умматнинг ҳузур ва саодати учун хис қилган масъулият туйғуси, ўзининг энг катта муаммосига айланди.

Бошқа бир ўртак эса **Абдуллоҳ ибн Масъуд** Ҳазратларидир. Бадр жангида ерга йиқилган Абу Жохилнинг устига чиқиб кўкрагига ўтирганида жон бераётган бу адашган, сурбетлашган мушрик:



“Жуда юксак ва мушкул тепаликга чикдинг, эй оддий ва бечора кўй чўпони!” деб уни ҳақорат қилганди. (Ибни Хишом, II, 277)

Яъни Ибни Масъуд розияллоху анху ўтмишда инсонлар тарафидан ҳақир кўрилган “оддий бир кўй чўпони” эди. Хидоятга эришиб Расуллуллохнинг таълим-тарбиясидан ўтгандан кейин кўнгли уммонга айланди, нозиклашди, билими ошди, қалби илохий намойишлардан акс садо олди. Шундай буюк ҳуқуқ мактаби бўлган Куфа Мактаби, бу шонли саҳобанинг асаридир. Фикх илмининг биринчи марта ижод қилган деб тан олинган <sup>9</sup> Имом Аъзам Абу Ханифа ва бирқанча олимлар, бу мактабнинг талабалари эди.

Бу мактабда ана шундай муаззам даҳолар улғайди. Шундай ҳолатда эди-ки, дунёга машхур ҳуқуқчилар деб танилган Солон ва Ҳамураби, Абу Ханифага шогирд ҳам бўла олмасди. Шу онда қайси Исломий илм соҳасига қарасак, энг бошда у муборак саҳобанинг, яъни Абдуллох Ибни Масъудни кўрамиз.

Улар Қуръон мўъжизасининг яшаган намуналари эдилар. Улар фаросат, қобилият ва инсоний кадр-қимматларни вакилликда инсониятнинг фазилат чўққиси бўлгандилар.

9 Али Хайдар, Дурерул-Хуккам Шерху Мужаллати-л Ахкам, Истанбул 1330, 11-бет



## Ақл ва Қалб Фаолияти Ҳамоҳанг Эди

У даврда мўминни камолга эриштирган ақл ва қалб фаолияти, буюк ҳамоҳанг ва муштарак бир тарзда ишлатилар эди. Мўминда хаяжон ва севги-мухаббат унсури жонли ҳисобланиб тафаккур кучайди. Инсонлар бу дунёнинг бир имтиҳон синфи эканлиги идрокида яшадилар. Қалблари, илоҳий буюклик ва қудрат жараёнларига ошно бўлди. Амри бил маъруф ва наҳий анил мункар яъни яхшиликга чақириш ва ёмонликдан қайтариш учун Хитойга, Самарқандга қилган саёхатларидан чарчамадилар, зерикмадилар. **“Ўз қўлларингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламанглар.”** <sup>10</sup> ояти каримасининг таъсири билан яхшиликка чақиришдан узоқ қолмаслик учун Абу Айюб

ал-Ансорий розияллоху анҳу саксонга яқин ёшларида Истанбулга сафар қилди. Фоний бада-ни, Истанбулга олий бир хотира ва баракот бўлди. Орқасидан келган намуналари эса **Испаниягача** ҳидоят тарқатдилар.

Тобеиндан **Укба ибн Нафий** Амавийлар за-монида Африкага жўнатилди. Укба раҳматуллоҳи алайҳ Қайраван худудини забт этди. Зухайр ибн Қайсни у ерга идорачи қилиб тайинлади. Унга:

---

10 Бакара 195

**“– Мен нафсимни Аллоҳ Таолога сотдим. Аллоҳни инкор қилганлар билан жиҳод қилишни охиригача давом эттираман!”** деб ўзидан кейин бажарилишини хоҳлаган нарсаларни тавсия қилди.

Укба Ҳазратлари буюк бир иштиёқ ва фидо-корлик билан зафарлар давом этаётганида рўбарў-сидан уммон чиқди. Отини уммонга ҳайдаб:

**“– Ё Парвардигорим! Шу уммон бўлмаганда эди Сенинг йўлингда жиҳод қилиб олдимдаги шаҳарларда илгарилашга давом этардим!”** деди.<sup>11</sup> (Ибнул-Асир, ал-Камил фит-Тарих, Байрут 1385, IV, 105-106)

11 Укба ибн Нафий, дуоши мустажаб бир зот эди. Африкани фатҳ қилганида бугунги Қайраван шаҳри бўлган жойга келиб тўхтади. Бу ер дарахтлик бир ўрмон эди, ҳар тараф тошлар, илон, чаён ва йиртқич хайвонлар билан тўла эди. Укба, Аллоҳга дуо қилди ва юксак товуш билан уч марта: “– Эй водий аҳли! ИншоАллоҳ биз бу ерга жойлашамиз. Бу ердан узоклашиб кетинг!” деди. Барча дарахтларнинг ва тошларнинг остидан, илонлар ва бошқа йиртқич хайвонларнинг болаларини устларига ва кучоқларига олиб чиқиб кетгани кўрилди. Укба ёнидагилар билан биргаликда водийга тушди ва уларга: “– Аллоҳнинг номи билан бу ерга жойлашинг!” деди. Бу ходисани кўрган маҳаллий халқдан (Барбарийлардан) жуда кўпи мусулмон бўлди. (Заҳабий, *Тариху-л Исломи*, I, 601; Ибн-и Абдилбар, *Истиаб*, I, 331; Ибн-и Касир, *Ал-Бидайе*, VIII, 45) Яна Укба – раҳматуллоҳу алайҳ – фатҳларида давом этаркан бир жойга келиб тунаган эди. У ерда ҳеч сув йўқ эди. Инсонлар шунчалар чанқаган эдилар-ки сал қолса халок бўлишлари мумкин эди. Укба икки ракаат намоз ўқиди ва дуо қилди Укбанинг оти олд оёқлари билан ерни қовлаётган эди. Бирдан оёқлари остидан сув отилиб чиқа бошлади. Укба инсонларни чақирди. У ерни ховучлари билан қовлаб





Улардан асрлар сўнгра келган ва 400 та оти билан асосини бошлаган Усманий Давлатининг дастлабки уч асри эса гўё саҳоба даврининг вақти билан такрорлаб турган бир мисоли эди.

### **Тафаккур Чексизлашди**

Аввалари қоп - қоронғуликлар ичида яшаган Жоҳилият жамияти, Пайғамбаримизнинг йўл кўрсатиши билан **“ҳақиқат билганлар”** ҳолига айланди. Кечалар кундузга айланди. Қишлар баҳор бўлди. Тафаккур ривожланди. Инсон вужудининг бир томчи сувдан, кушнинг кичик бир тухумдан, дарахтнинг ва меваларнинг йўқ деса бўладиган даражада кичкина уруғдан пайдо бўлишлари ва намуналари устидан чуқур тафаккурлар бошланди... Ҳаёт, Аллоҳ ризосига мундарижаланди. Марҳамат, шафқат ва ҳақни тарқатишдаги чуқурлик олийлашди.

### **Таблиғ Хаётларининг Энг Завқли Амали Бўлди**

Саҳобаи киром, гўзал бир муслмон хулқини ва шахсиятини барчага кўрсатди. Турли хил

---

кенгайтирдилар ва сув манбаига айлантирдилар. Кейин эса у сувдан ичишиб, эҳтиёжларини қондиришди. У сувга “Маул-фарас: от суви” номи берилди. (Ибнул- Асир, *алКамил фит-Тарих*, IV, 106)



фидокорликга дуч келишиб ҳаётнинг ҳар оннда ва ҳар саҳифасида Аллоҳ ризосини изладилар. Бундай кўнгил комиллиги ичида, яхшини, гўзални, хайрни ва тўғрини тавсия қилиб, ёмонликдан, хунук ҳаракатлардан, ахлоқсизликлардан сақлантирдилар. Улар учун ҳаётнинг энг завқли ва маъноли онлари, инсонларга тавҳид мактуби юборган вақтлари бўлди.

Жаноби Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васалламнинг Исломни таблиғ хусусида аёллар билан учрашувлари эркаклар билан учрашганчалик кўп эмасди. Бу сабабли Макка даврида мусулмон бўлган **Гузайя** исмли саҳоба хоним, Исломнинг ёйилиши учун жуда муҳим хизматлар кўрсатди. Қурайш аёлларининг орасига махфий равишда аралашиб уларни Исломга чақирар эди. Гузайя розияллоху анҳа бу таблиғ фаолиятини маккаликлар билиб қолгунларича давом эттирди. Аҳволни билиб қолган Қурайшликлар, уни тутиб олдилар. У пайтда эрининг қабиласи бўлган Давсга мансуб баъзи кимсалар, Маккадан чиқиб кетишгаётган эди. Қурайшликлар Ҳазрати Гузайяни уларга топширишиб сургунга жўнатдилар. Давсликлар Гузайя розияллоху анҳани яланғоч бир туяга миндиришиб сувсиз қолдириб уни турли қийноқларга солдилар. Тушуниш, кўриш ва эшитиш қобилиятини йўқотгунча унга қийноқ солишда давом этдилар. Гузайя розияллоху



анханинг сабрини, самимиятини, иймон севгиси ва динга боғлиқлигини кўрган Давсликлар унинг ҳолатидан таъсирланиб Ислом билан шарафландилар. (Ибни Саад, VII, 155-157; Ибни Хабиб, ал Мухаббар, 81-82, 92-бетлар; Абу Нуайм, Хилйа, II, 66-67; Ибни Ҳажар, ал Исаба, IV, 447)

Расулulloҳ саллолоху алайҳи васаллам Мадинага хижрат қилганида Гузайя разияллоху анха ҳам хижрат қилганди. Баъзи ривоятларда унинг Абдуқайс Ўғилларининг элчиси бўлиб Пайғамбаримиз ёнига келгани ифода қилинади.<sup>12</sup>

Бу сафар пайтида, қабиласига сув олиб борган бир аёл, Аллоҳ Расули саллоллоху алайҳи васаллам билан учрашган ва унинг бир мўъжизасига шохид бўлганди. Қавмига қайтгач, бўлиб ўтганларни айтиб берган аёл, уларнинг оммавий Исломга киришига сабабчи бўлганди.<sup>13</sup>

Исломга кирган жориялар ҳам ҳур аёллардан орқада қолмасдан, таблиғ фаолиятларига қатнашар эдилар. Шунингдек Салмони Форсидан аввал мусулмон бўлган исфахонлик бир жория, Жаноби Пайғамбаримизнинг ёнига кела олиши учун унга йўл бошловчилик қилганди.<sup>14</sup>

12 Абу Хатиб, *Асмауе Саҳоба*, 142а, Стамбул Университети Кутубхонаси А-1101.

13 Бухорий, Таяммум, 6.

14 Абу Нуайм ал Исфахоний, *Тариху Исфахан*, I, 43; Ибнул Асир, *Усдул-Ғоба*, VII, 25; Ибни Ҳажар, ал-Исаба, IV, 233



Мушриклар тарафидан қатл қилиниш арафасида бўлган саҳоба ўзи учун уч дақиқа берилганида, у насибсиз бадбахтларга раҳмат айтди ва:

“– Демак, сизга таблиғ қилишим учун уч дақиқа вақтим бор.” деди.

**Абу Хурайра** розиаллоҳу анҳу таблиғ қилишнинг аҳамиятини изоҳ қилиш мақсадида шундай дерди:

“(Саҳобаи киром ўртасида шу ҳақиқатни) эшитар эдик: Қиёмат кунида бир кишининг ёқасига ҳеч танимаган бириси келиб ёпишади. Одам ҳайратланиб:

“– Мендан нима истайсан? Мен сени мутлақо танимайман ку!” дейди. Ёқасига ёпишган киши эса:

“– Ҳаётда экан мени хато ва хунук ишлар қилаётганимда кўриб туриб, огоҳлантирмас эдинг, у ёмонликлардан тўхтатиб қола олмас эдинг!” деб ундан даъво қиларди.”<sup>15</sup>

## Қуръони Каримга Маҳкам Боғландилар

Жаноби Пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи ва саллам саҳобаи киромга хаттоки энг қийин шарт-

15 Мунзирий, *ат-Тарғиб ват-Тарҳиб*, Байрут 1417, III, 164/3506; Рудоний, *Жамул-Фаваид*, тар. Наим Ердоган, Истанбул тсз., V, 384.



шароитларда ҳам Қуръонни ўргатар эди. **Абу Талха** розияллоху анҳу бир кун Жаноби Пайғамбаримиз саллолоху алайҳи васалламнинг тик туриб Асхоби Суффага Қуръон ўргатаётганини кўрди. **У Расулларнинг Султони, очликдан икки буклам бўлган белини тўғрилаш учун қорнига тош боғлаганди.** (Абу Нуайм, *Хилъе*, I, 342)

Мана саҳобанинг энг муҳим машғулоти, Аллоҳнинг китобини тушунмоқ, ўрганмоқ, хикмат намойишлари ғоясига эриша олмоқ ва керакли бўлганича амал қилмоқ эди. Хаётнинг лаззатини Қуръонни такрор - такрор ўқимоқ, эшитмоқ ва амалда татбиқ қилиб топишар эди.

Хуллас, саҳобаи киром, Қуръон билан бирга, Қуръон мазмунида яшадилар ва Қуръонга бағишладилар. Улар тарихда кўрилмаган бир гайрат ва хизмат кўрсатдилар.

Қийноқларга, тазйиққа, зулмга учрадилар, лекин ишонган қадриятлардан асло воз кечмадилар. Аллоҳнинг юборган оятларини амалда татбиқ қилиб учун молларини, мулкларини, юртларини ташлашиб хижрат қилдилар, бу йўлда барча нарсаларини фидо қилдилар.

Ҳар бир оятни кераклигича ўрганиш ва яшаш гайратида эдилар. Улар энг хатарли онларда ҳам Қуръондан ажралмадилар.



Шунингдек Жаноби Пайғамбаримиз бир сафар пайтида навбатчи қилиб тайинлаган **Аббад** розиаллоху анху намозга турганди. Душман ўқ отишни бошлади. Аббад розиаллоху анху ўзига икки-уч ўқ теккандан кейингина руку ва саждага бориб намозини тугатди. Сўнгра эса навбатчи дўсти Ҳазрати Аммарга хабар берди. Аммар розиаллоху анху:

“– Биринчи ўқ текканида нега хабар бермадинг?” деганида:

“– Бир сура ўқиётган эдим, уни тугатмасдан намозимни бузишни хохламадим. Фақат ўқлар бирин-кетин келиши билан, ўқишни тўхтатиб рукуга бордим. Аллоҳга қасам ичаманки, Аллоҳ Расулининг қўриқланишини буюргани бу эҳтиёжни йўқотиш андишаси бўлмаганда эди, сурани ярмидан ташлаб намозни тўхтатишдан кўра ўлишни афзал кўрган бўлардим.” жавобини берди. (Абу Давуд, Тахорат, 78/198; Ахмад, III, 344; Байҳакий, *Делаил*, III, 459; Ибни-Хишам, III, 219; Вакидий, I, 397)

Саҳобаи киром, Қуръон мазмунида бир хаёт кечирарди. Диннинг ҳар бир рукни улар учун тўйимсиз бир лаззат эди. Нозил бўлган ҳар оят, улар учун гўё осмондан тушган бир зиёфат дастурхони эди. Бутун ғайратлар; Қуръонни кераклигича идрок эта олмоқ, яшамоқ ва бу хусусда гўзал бир ўрнак бўла олишлик учун эди. Никоҳ пайтида бир саҳобий аёлнинг, **махр** ўрнига куёвини ўзига Қуръондан



билган қисмларни ўргатишини етарли деб ҳисоблаши, уларнинг иймон ҳаяжонини кўрсатган қанчалар мухташам бир фазилат манзараси эди.<sup>16</sup>

Саҳобаи киром, Аллоҳ Расулининг Қуръонни таълим ғайрат ва ҳаяжонини ҳам ўрناق олди; охир-оқибат Мадинаи Мунаввара қори ва олимлар билан тўлди.

### **Саҳобаи Киромларни Қуръони Каримга Йўналтирган Омиллар Нималар Эди?**

А) Улар уммий бўлишиб ҳеч бир чет эл маданияти таъсири остида қолмаганлар. Кейинчалик бутун зехний ва қалбий кучларини Қуръони Карим устида тўпладилар. Шундай қилиб, олий бир маданият ҳосил бўлди. Бу маданият, зулм ва ҳақсизликнинг ўсишига тўсқинлик қилди, бутун маҳлуқотга ҳузур ҳаловатлик бир ҳаёт таъминлади.

Инсон учун Исломиё сезгирликнинг ортиши ва руҳоний бир ҳаёт зарурий эди. Зеро фақат юксак бир руҳий даража билан гўзал бир санъат ва маданият барпо этила олади, тафаккур кучаяди, натижада мукамал инсон вояга етказа олади ва қайтадан Мавлонолар, Сиёнонлар, Фузулийлар пайдо бўлади.

<sup>16</sup> Бухорий, Никоҳ, 6, 32, 35; Федаилул-Қуръон, 21, 22; Муслим, Никоҳ, 76.



Б) Қуръон оятларининг кетма-кет нозил бўлиши ёдга олинишини, татбиқ этилишини ва руҳан хазм қилинишини осонлаштирди. Бу саҳоба насли учун оз оздан ўрганиш имкони бўлди.

В) Намозда Қуръон ўқилишининг зарурий қилиниши, ўзларига доимий Қуръон талқини бўлди ва шундай қилиб Қуръон билан дўстлиги ортди. Айниқса хар ракаатда такрорланадиган Фотиҳа Сурасининг доимий талқини билан яшадилар...

Г) Берган ҳукмларининг уйғун; қилган амалларининг эса мақбул бўлиши учун Қуръон қиссаларидан ибрат олдилар.

### **Бутун Инсоният Уларга Ҳайрон Бўлди**

Мана Қуръони Каримнинг қисқа вақтда ўртага чиқарган Саодат Асри шундай давр эди. Бутун дунё, у асрнинг мумтоз жамиятини ҳайронлик билан томоша қилди, бугун ҳам ханузгача ҳайронлигини изхор этмоқдалар.

Ажабо **21-асрда** дунёдаги бутун психологлар, социологлар, педагоглар, социал-антропологлар, жамият муҳандислари, файласуфлар ва уларга ўхшаганлар бир жойга тўпланишсалар, Саодат Асрининг савиясига етиша олажак заруриятда олий хасратлар билан безалган бир нечта инсон тарбия қила оладиларми?





Саодат Асрини хосил қилган Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз Суннати, бугун ҳам хануз ўша тозалигини, таъсирлигини ва жорийлигини давом эттирмоқдадир. Исломга боғланган жамиятлар, ҳар вақт учун обод бўлмоқда, унга аҳамият бермаган ва уни тарк этганлар эса паришон бўлиб кетмоқдадир. Шунингдек Исломнинг адолат ва ҳуррият асосларини тадқиқ этган **Ла Файетте** (1834 ўлган) Жаноби Пайғамбаримизни назарда тутиб:

**“Эй шонли Араб! Сен қанчалар қадрлансанг ҳам оздир! Зеро Сен адолатнинг то ўзини топибсан!”** деб ҳайронлигини тилга олганди. (Комил Мирос, *Тежрид Сарих Таржимаси*, IX, 289)

### **Ислом Ахлоқи, Назарий Эмас Амалийдир**

Ислом ғояси, ахлоқий масалаларга оид оддий бир назария ўртага қўймоқ, қизикган зехнларни қониқтириш учун қуруқ тортишмаларга кирмоқ ва чин ҳаётдан узулган бир ахлоқ фалсафасига киришмоқ эмас эди. Ислом ғояси; инсонларнинг ахлоқий эҳтиёжларига татбиқ қилина оладиган чоралар билан жавоб бермоқ, вақт ичида уларни бу соҳадаги шахсий камчиликларини тушунтирмоқ ва бу камчиликларини бартараф этишларига имкон тайёрламоқдир. Ислом, олиб келган ахлоқий асосларининг энг яхши ва энг ишончли шаклда ҳаётга ўтишини таъминлашни



хохлайди. Фақатгина “билинган” эмас, шунингдек “хаётда татбиқ қилинган” бир ахлоқни вужудга келтиришни мақсад қилади. Жаноби Пайғамбаримизга “ўқиш”ни буюрган дастлабки оятларнинг орқасидан, инсонларни ёмонликлардан қайтаришни буюрган оятларни нозил бўлиши <sup>17</sup> бу жиҳатдан жуда ҳам маънолидир.

Бунга қарши, ақллари вахий билан тарбияланмаган файласуфларнинг, ижтимоий хузур ва роҳат билан ахлоқ номига ўртага қўйган фикрлари эса, умуман кутубхоналарнинг чангли тоқчаларидаги китобларда қолган, хаётга ўтганларининг ҳам умрлари жуда қисқа бўлган. Зотан бу файласуфлар, айтганларини на ўз хаётларида на фикрларини таъқиб қилган инсонлар устида ўрнаклантира олишган. Уларнинг фиклари, фақат бир назария бўлиб қолгандир.

Масалан **Аристотель**, ахлоқ фалсафасининг бир қанча қонун ва қоидаларига асос солган бўлишига қарамай, илоҳий вахийдан узоқ бўлгани учун, унинг фалсафасига ишониб хаётида татбиқ этиб бахтга эришган хаттоки бир кишини ҳам кўра олмаймиз.

Яна **Фаробий**нинг хаёлида жонлантирган “гўзаллик шахри ва мукамал жамият”га оид

17 Алақ, 1-5; Мудассир, 1-7



фикрларини ўз ичига олган энг мухим асари “ал-Мадина тул-Фадилла: Фазилатлар Шахри” хаттоки, ҳеч қандай татбиқ қилиш имкони бўлмагандир. Ўз ичига олган фикрлар, китоб сатрларидан ташқарига чиқмаган, фақат қоғоз кемирган куйларнинг ошқозонларида ем бўлиб қолгандир. Чунки булар ҳаётда татбиқ қилиниб айтилган ва муроди илоҳияга мувофиқ бўлган илоҳий манбалик нарсалар эмасди. Зеро файласуфлар; “Менга кўра шундайдир.” дейдилар. Пайғамбарлар эса; “Аллоҳ Таолонинг буйруғи шундайдир.” буюрадилар.

Қисқаси, Жаноби Аллоҳ, қудратини яна бир марта кўрсатиб уммий, яъни ўқиш-ёзишни билмаган бир Пайғамбарга, бутун инсониятга ҳақни ва ҳайрни ўргатадиган энг устун ахлоқни лутф қилгандир. Бу устун ахлоқи Жаноби Пайғамбаримизнинг тенгсиз шахсияти ҳақида кўрсатмоқ сурати билан ҳам, мурод қилган комил инсон намунасининг нима эканлигини, амалий бир шаклда инсониятга баён қилгандир.





بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَشْرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ  
مَرْضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَؤُوفٌ بِالْعِبَادِ

*“Одамлар орасида Аллоҳ ризолигини истаб ўз жонини  
сотадиган (яъни, Аллоҳ учун жонини фидо қиладиган)  
зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига  
Ғамхўр-Меҳрибондир.” (Бақара 207)*



Саодат Асри Жамиятида

**Иймон Ҳаяжони**



## АСР САОДАТ ЖАМИЯТИДА ИЙМОН ҲАЯЖОНИ

Саҳобаи киром, ҳаётларини буюк бир иймон ишқи ва ҳаяжони билан шакллантириш ғайратида эдилар. Бу иймон ҳаяжони асосида Аллоҳ Расулидан таҳсил олганлари қалин бир “рухоният ва инъикос(товланиш, Пайғамбаримизнинг ҳоли билан холланиш)” бор эди.

Ҳақиқатан, мозийси Жоҳилият жамияти бўлган саҳоба наслининг иймондан, ҳақиқатдан ва ахлоқий қадриятлардан махрум бўлган кўнгил оламлари, Аллоҳ Расули саллолоху алайҳи васалламнинг суҳбат мажлисларидаги маънавий иқлимнинг раҳмат ва баракат ёмғирлари билан тўлдирилди. Аллоҳ Расулининг кўнгилдан умматининг кўнгилларига акс этган файз, муҳаббат ва рухоният, қиёматгача инсониятга йўл кўрсатадиган порлоқ шахсиятларни ўртага чиқарди. Жоҳилият қоронғуликларида улғайган марҳаматсиз, виждонсиз, қиз болаларни тириклайин тупроққа кўмадиган даражада тош қалбли, ҳақ-хуқукни билмайдиган оддий бир киши;



кўзи ёшли, кўнгли ҳис-туйғули, ғамхўр, фидокор, жафокор, юмшоқ, нозик, сезгир ва ҳикмат аҳли бир мўмин ҳолатига айланди.

### **Ислом Доирасига Кира Олишлик Учун Шошилдилар**

Саодат Асри Жамияти, каттаю кичик дема-сдан иймонга шошардилар. **Абдуллоҳ ибн Зубайр** розияллоху анху хижратдан кейин туғилган биринчи бола эди. Уни дархол Жаноб Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам ёнига олиб келдилар. Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам бир парча хурмо чайнаб боланинг оғзига солди, бошини силаб дуо қилди ва унга Абдуллоҳ деб исм қуйди.

Абдуллоҳ розияллоху анху етти ёки саккиз ёшга тўлганида отаси уни Расулуллоҳга байъат қилгани олиб келди. Жаноб Пайғамбар Абдуллоҳни кўриши билан табассум қилиб у томонга йўналди ва ундан байъат олди. (Муслим, Адаб, 25)

**Абдуллоҳ ибн Хишом** хали олти ёшли бир бола эди. Онаси Зайнаб бинти Хумайд, уни Макка фатҳида Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам ёнига олиб келиб:

“– Ё Расулуллоҳ! Ўғлимдан мусулмон бўлганлигига байъат олинг!” деди. Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам:





“– У хали ёш!” буюрди ва бошини силаб Абдуллоҳга дуо қилди.

Абдуллоҳ ибн Хишом розиаллоху анху кейинги ёшларида бозорга чиқар ва озиқ овқат сотиб олар эди. Ибни Умар ва Ибни Зубайр розиаллоху анхума уни бозорда кўришгач дархол ёнига боришиб:

“– Бизни ҳам бу молга шерик қил! Зеро Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам сенинг учун баракат дуосини қилганди” дейишарди. Абдуллоҳ ҳам уларни шерик қилар эди. Шундай вақтлар ҳам бўлардики, бир туя юк фойда қилар ва уни уйига жўнатарди. (Бухорий, Ширкат, 13)

**Абу Қурсафе** розиаллоху анху ҳам кичик ёшида иймонга шошилганди. Бу вақтларда бўлган хотирасини шундай тушунтиради:

“Мен, онам ва холам, Жаноби Пайғамбар саллолоху алайҳи васалламга байъат қилиб ёнидан кетаётганимизда, онам ва холам менга:

“– Болажоним, бу зотга ўхшаганини ҳеч кўрмадик! Юзи ундан гўзалроқ, кийимлари тозароқ ва сўзи юмшоқроқ бошқа бировни танимаймиз. Гўёки муборак оғзидан нур сочилар эди.” дедилар. (Хайсамий, VIII, 279-280)



## Иймонлари Учун Жонларини Беришдан Торгинмадилар

Иймонини сақлаш учун жонини фидо қилган Ҳазрати Сумаййа Аёл ва эри Ҳазрати Ясирнинг розиаллоху анҳума қахрамонликлари машхурдир. Яна чидай олмайдиган азобларга қарамасдан иймонларини сақлаган Аммар ибн Ясир, Билоли Хабаший, Хаббаб ибн Арат, Сухайб ибн Синан, Зиннура Хоним, Амр ибн Фуҳайра, Абу Фуқайха, Миқдад ибн Амр, Умми Убайс, Лубайна Хоним, Наҳдийа Хоним ва қизи каби танланган саҳобаларнинг розиаллоху анҳум фазилат ва қахрамонликлари тилларга дoston бўлгандир. Саҳобаи киром, чидай олмайдиган даражадаги азоб ва зулмлар остида қолганларида ҳам иймонларини сақлаганлар, бу илоҳий неъматнинг бизгача етиб келиши учун моллари ва жонлари қийматига ғайрат сарф қилганлар.

Ҳазрати Умар розиаллоху анху, халифалик даврида, илк мусулмонлардан бўлган **Хаббаб ибн Арат** розиаллоху анҳуга:

“– Аллоҳ йўлида чеккан азобларингни бизга айтиб бера оласанми?” деганди. Шунда Ҳазрати Хаббаб:

“– Эй мўминлар амири, белимга қара!” деди. Унинг белини кўрган Ҳазрати Умар:



“– Умримда бундай хароб қилинган белни ҳеч кўрмагандим” деб хайратланиб қолди. Хаббаб шундай деб давом этди:

“– Кофирлар олов ёқардилар ва мени олов устига кийимсиз ётқизардилар. Олов, фақат белимдан эриган ёғлар билан сўнар эди.”

Мушриклар оловда қиздирилган тошларни Ҳазрати Хаббабнинг белига ёпиштирардилар ва азобнинг шиддатидан муборак саҳобанинг этлари тўкилар эди. Шунга қарамасдан барибир кофирларнинг хоҳлаган сўзларини айтмас эди. (Ибни Асир, *Усдул-Ғоба*, II, 114-115)

Мушрикларга асир тушган Зайд ибн Дасине билан Хубайб розиаллоху анҳума, азоб-уқубатлар билан шаҳид қилинар эдилар. Рухларини таслим этишларидан аввал хар бирига:

“– Қутилиб қолинишинг эвазига сенинг ўрнингда Пайғамбаринг бўлишини хоҳлар мидинг?” деб сўралар эди. Иккаласи ҳам бу рўёбга чиқишининг имкони бўлмаган саволни берган мушрикга ачинишиб қарадилар ва:

**“– Мен бола-чақамнинг орасида бўлиб, Пайғамбаримнинг бу ерда бўлишини хоҳлашим у ёқда турсин, ҳаттоки шу он турган жойингда оёғига тикан ботишига ҳам асло кўнглим рози бўлмайди!”** жавобини бердилар.



Бу тенгсиз мухаббат манзараси қаршисида хайратдан қотиб қолган Абу Суфён:

“– Тўғриси қойил қолдим! Мен, дунёда Муҳаммаднинг саҳобаларининг Уни севганичалик бошчиларини севган бошқа бир қабила асло кўрмадим!” деди. (Вақидий, I, 360-362, Ибни-Саъд, II, 56)

Ухуд Жанги сўнгида **Ҳазрати Сафийе** розиаллоху анҳа, вужуди парча парча қилинган укаси Ҳазрати Ҳамза розиаллоху анҳуни кўришни Хоҳлади. Бу ният билан шаҳидлар бўлган тарафга йўналди. Уни кутиб оладиган дахшат берувчи манзарага чидай олиши қийин кўринар эди. Ўғли Зубайр уни кутиб олиб:

“– Онажоним Расуллуллох саллоллоху алайҳи васаллам орқага қайтишингизни буюрябдилар!” деди. У эса:

“– Нега? Укамни кўрмайин деб ми? Мен уни фожиали бир шаклда кесилиб тўғралганини биламан. У, Аллоҳ учун бу мусибатга дучор бўлди. Зотан бизни ҳам бундан бошқаси овутолмас эди. Иншаоллох сабр қилиб ажрини Аллоҳдан кутаман.” деди.

Зубайр, бориб онасининг сўзларини Жаноби Расули Акрам саллоллохуалайҳи васалламга билдирди. Пайғамбаримиз:



“– Ундай бўлса тегма кўрсин!” буюрди. Сафийе розиаллоху анха шаҳидларнинг жаноби бўлиш шарафини олган укасининг жасади ёнига келиб самимий дуо қилди. (Ибни Хишом, III, 48; Ибн Ҳажер, ал-Исабе, IV, 349)

Жоҳилият даврида экан энг кичик мусибатларга ҳам сочини бошини юлиб ва устуни бошини йиртиб кунлар давомида қайғурган аёллар, Аллоҳга бўлган қувватли иймонлари соясида, шунчалар мухташам бир сабр обидасига айлангандилар.

Бунинг энг гўзал ўрнакларидан бир бошқаси **Саъд ибн Муаз** Хазратларининг оналари эди:

Ухудда оғир ярадор бўлган Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам Мадинаи Мунавварага қайтар экан от устида эди, отнинг жиловини Саъд ибн Муаз розиаллоху анху ушлаган эди. Саъднинг онаси Кабша бинти Убайд розиаллоху анха, Пайғамбаримиз ёнига келди. Саъд:

“– Ё, Расулуллоҳ! Бу онамдир!” деди.

Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам:

“– салом унга!” буюрди.

Аёл, Аллоҳ Расулининг ёнига яқинлашиб муборақ юзига қарагандан кейин:



**“– Ота-онам сизга фидо бўлсин ё Расулуллоҳ! Сизни соғ-саломат кўрдимку, энди барча мусибатлар ҳеч нарса эмас!”** деди.

Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам, унга шаҳид бўлган ўғли Амр ибн Муаз сабабли таъзия билдиргандан кейин:

“– Эй Саъднинг онаси! Сенга хушxabар келтираман! Бутун оила аъзоларингга ҳам хушxabар бўлсин! Қабилангиздан шаҳид бўлганларнинг ҳаммаси жаннатда бир жойда бўладилар. – Оиласидан ўн иккитаси шаҳид бўлгандилар. – Оила аъзоларингга шафоат қилишларингга ҳам рухсат берилди.” буюрди.

Аёл:

**“– Розимиз эй Аллоҳнинг Расули! Бундан кейин энди улар учун ким йиғлар!”** дегандан кейин:

“– Ё Расулуллоҳ! Шаҳидларнинг орқасида қолдирганларга ҳам дуо қилингиз!” деди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

*“ Аллоҳим! Қалблардаги гамгинликни кетказиб, мусибатларнинг ажрини эҳсон айла! Орқада қолганларга энг гўзал шаклда ҳимоя қил!”* деб дуо қилгандан кейин йўлида давом этди. Саҳобаи киром ҳам орқасидан юрар эди. Пайғамбаримизга



бўлган мухаббатлари туфайли Унинг орқасидан борар, уйларига қайтмас эдилар. Шунда Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам Ҳазрати Саъдга:

*“– Сенинг қабиладан ярадорлар кўп ва жароҳатлари ҳам оғир. Қиёмат куни уларнинг ҳаммаси ҳам яраларидан қон оқаётган вазиятда келадилар. Қонларнинг ранги қон рангида, аммо ҳиди мушканбар ҳиди каби бўлади. Уларга айт, уйларига бориб яраларини тузатсинлар! Шу онда ҳеч ким биз билан бирга келмасин! Буни қатъий бир амр билан билдир!”* буюрди. Саъд розиаллоху анху:

“– Расулуллоҳнинг қатъий буйруғидир, Бани Ашҳал қабиласидан ҳеч ким бизни таъқиб этмайди!” деб нидо қилди. Бутун ярадорлар хоҳласа ҳам хоҳламаса ҳам орқасига қайтдилар. Кечаси билан яраларини тузатиш билан машғул бўлдилар. Бу қабиладан ўттиз ярадор бор эди. (Вақидий, I, 315-316; Диярбакрий, I, 444)

Аллоҳга бўлган қувватли иймони натижасида ўзларидан кутилмаган даражада буюк бир матонат кўрсатган саҳобалардан бири ҳам Ҳазрати Сумайра розиаллоху анхадир.

Ухуд куни Мадина бир хабар билан тўлқинланди. “Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам ўлдирилди” дейилиши билан шаҳарда хайқириклар кўтарилди, фарёдлар самога етди. Ҳамма йўлга чиқиб келганлардан бир хабар олиш-



га интиларди. Ансордан Сумайра аёл икки ўғли, отаси, эри ва акасининг шаҳид бўлгани ҳақида хабар берилганига қарамай у муборак хоним буларга парво қилмасдан , буюк бир андиша билан ўзининг асл қайғулантирган хусусни суриштирар эди:

“– Аллоҳ Расулига бирон нарса бўлди ми?” деб турарди.

Саҳобаи киром жавобан:

“– Аллоҳга ҳамд бўлсинки ахволи яхшидир. У сен орзу қилганингдай ҳаётдадир!” дедилар.

Сумайра Аёл:

“– Уни кўрмасдан кўнглим ҳузур топмайди, менга Аллоҳнинг Расулини кўрсатинглар!” деди.

Кўрсатганларида дарров кийимининг учидан ушлади ва:

**“Ота-онам сизга фидо бўлсин эй Аллоҳнинг Расули! Сиз соғ бўлгандан кейин, бошқа ҳеч нарсага парво қилмасман!”** деди. (Ибни Хишом, III, 51; Вақидий, I, 292; Хайсамий, IV, 115 )

### **Иймонларини Мухофаза Қилиш Учун Ҳижрат Ва Жиход Қилдилар**

Саҳобаи киром динларини мухофаза қила олишлик ва Макка мушрикларининг зулмидан





кутулиш учун ватанларини, авлодларини ва молларини тарк этишиб узоқ диёрларга ҳижрат этдилар. Жаноби Аллоҳ Куръони Каримда уларнинг иймон қувватини тасдиқлаб шундай буюради:

**“Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида курашган зотлар ва (мухожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар – ана ўшалар ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун мағфират ва улуғ ризқ бордир.”** (Анфол, 74)

Жаноби Пайғамбаримиз, илк ҳижрат гуруҳининг бошчиси этиб вазифалантирилган **Жаъфари Таййар Хазратларининг**, Нежашийнинг хузурида айтган шу нутқи, Жоҳилият инсонининг қандай қилиб Саодат Асри Жамияти ҳолига айланганига ва бундан кейин қандай бир иймон ҳаяжонига соҳиб эканлигини кўрсатган гўзал бир мисолдир:

“– Эй ҳукмдор! Биз жоҳилият ахли эдик. Тошдан ва дарахтдан ясалган бутларни илоҳ деб уларга сиғинар эдик. Ўлик ҳайвонларнинг гўштларини ердик, хар турли бузукликлар бажарардик. Қариндошлик ҳуқуқини ҳимоя қилмасдик, орамиздаги ришталарни узардик. Қўшниларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини танимас эдик, уларга турли хил ёмонликлар қилардик. Кучли бўлганларимиз заифларимизни эзар эдик.



Биз шундай ҳолатда экан Аллоҳ Таоло бизларга ичимиздан, насл-насабини билганимиз, жуда ҳам содиқ, ишонarli ва иффатли бир кишини пайғамбар қилиб юборди.

У бизни Аллоҳнинг ёлғиз, ягона эканлигига иймон келтиришга чақирди. Фақатгина, Унга ибодат қилишга, бизнинг ва оталаримизнинг аввалари сиғинган тошларни ва бутларни тарк этишга даъват қилди. Бизни ростгўй бўлишимизни, омонатга риоя қилишимизни, қариндошларимиз билан муносабатларимизни мустахкамлаб ҳуқуқларини жойига қўйишимизни, кўшниларимиз билан яхши кун кечиришимизни, харомлардан ва қон тўкишдан бош тортишимизни буюрди. Бизни бузуқликлардан, ёмон ва ёлғон сўздан, етим ҳақини ейишдан ва маъсум аёлларга тухмат қилишдан қайтарди.

Бизни фақатгина Аллоҳга ибодат қилиб, Унга ҳеч бир нарсани ширк келтирмасликга буюрди. Биз ҳам уни тасдиқладик, Унга ишондик, бизга олиб келган хусусларда унга эргашдик. Фақат Аллоҳга ибодат қилдик, Унга ҳеч бир нарсани ширк келтирмадик, бизга харом қилинган ҳамма нарсани харом қатори қабул қилдик, ҳалол қилганларини эса ҳалол деб билдик.

Шунда қавмимиз бизга душманлик қилди. Аллоҳга ибодат қилишдан бутларга ибодат



килишга қайтишимиз ва аввалари қилиб юрганзимиз инсоният сабрини топтаган ёмон амалларга такрор шўнғишимиз учун бизни азобга солардилар, динимиз хусусида бизни фитнага солишга интилдилар. Устимиздан ғолиб келиб зулмларини орттирганларида, қилганларига чидай олмайдиган ҳолга келганимизда ва энг муҳими эса динимизни тўлалигича яшай олмайдиган бўлганимизда сизнинг шахрингизга келдик. Хукмдорлар ичида сизни танладик. Сизнинг ёнингизда бўлишни уйғун кўрдик. Сизнинг ёнингизда зулмга учрамаслигимизга умд қилдик эй Хукмдор!..” (Ахмад, I, 202-203, V, 290-291; Хайсамий, VI, 25-27; Ибни Хишом, I, 358-359 )

Хабашистонга хижрат қилган бу мухожирларнинг энг охирги гуруҳи, Хайбарнинг Фатҳи арафасида денгиз йўли билан Жаноби Пайғамбаримиз ёнига қайтгандилар. Ораларида **Асма бинти Умайс** розиаллоху анха ҳам бор эди. У бир куни Жаноби Пайғамбаримизнинг аёли Ҳазрати Хафсани зиёрат қилиш учун ёнига келганди. Бироздан кейин Ҳазрати Умар ҳам қизи Хафсанинг ёнига келди. Умар розиаллоху анху, Асмани кўриши билан:

“– Бу ким?” деб сўради. У эса:

“– Асма бинти Умайс!” деди. Ҳазрати Умар ҳазил билан:



“– Шу Хабашистонликми? Шу денгиз сафарига қатнашган аёл ми?” деб сўради. Асма:

“–Ҳа!” деб жавоб берди. Шунда Умар розиаллоху анху:

“– Ҳижратда биз сизлардан ўтиб кетдик. Шу сабабли Жаноби Расуллуллох саллоллоху алайҳи васалламга яқин бўлишга сиздан кўра кўпроқ ҳақлимиз.” деди.

Ҳазрати Асма розиаллоху анху бу сўздан таъсирланди ва:

“– Йўк, Аллоҳга қасамки сен нотўғри ўйлаябсан эй Умар! Сизлар Аллоҳ Расули саллоллоху алайҳи васаллам билан бирга эдинглар. У сизлардан очларни тўйғазар; жохил бўлганингизни ўргатар эди. Биз эса Хабашистонда узоқларда, бегона ва кофир инсонлар орасида, хайдалган бир вазиятда яшардик. Бу эса Аллоҳ ва Расули йўлида эди.

Аллоҳга қасам бўлсинки, сенинг айтганларингни Жаноби Пайғамбаримизга хабар бермагунгача на овқат ейман, на сув ичаман. Биз у ерларда азоб уқубатларга учрардик ва қўрқитилар эдик. Буни Жаноби Пайғамбаримизга айтаман ва бу ишнинг ҳақиқатини сўрайман. Аллоҳга қасам ичаманки, на ёлғон гапираман на хато йўлга йўналаман, ва на сенинг айтган гапларингга бир



нарса илова қиламан, ҳодиса қандай рўй берган бўлса айнан айтиб бераман.” деди.

Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам келиши билан Асма розиаллоҳу анха:

“– Ё Расулуллоҳ! Умар шундай шундай деб айтди.” деди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“– Сен унга нима дединг?” буюрди. У эса:

“– Шуларни шуларни айтдим.” деб айтганларини тушунтириб берди.

Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“– У менинг ёнимда сиздан ошиқча ҳақ сохиби эмасдир. Унинг ва дўстларининг бир ҳижрати, сизнинг эса эй кема йўлчилари икки хижратингиз бордир!” буюрди.

Ҳазрати Есма розиаллоҳу анха деди ки:

“Ҳабашистондан кемада биргаликда келганимиз Абу Мусо ал Ашъарий ва бошқа саҳобаи киром розиаллоҳу анҳум гавжум гавжум келар ва менга шу ҳодисани тушунтириб беришарди. Дунёда уларни Жаноби Пайғамбаримизнинг сўзидан кўра кўпроқ севинтира оладиган бир нарса ва кўнгилларида бундан ҳам буюк умид сабаби йўқ эди.. айниқса Абу Мусо розиаллоҳу анҳу



бу ҳодисани менга такрор такрор айтиб берар ва  
Пайғамбаримизнинг ўзлари ҳақидаги бу хушха-  
барли сўзини кўп мартаба тинглашдан тўймайди-  
ган бир лаззат оларди.” (Бухорий, Мегазий, 36; Муслим,  
Фадаилус-Сахаба, 169)



*"То Сизга аниқ-нарсa (яъни, ўлим соати)  
келгунича Парвардигорингизга  
ибодат қилинг!" (Ҳижр 99)*

**САОДАТ АСРИ ЖАМИЯТИДА**

**ИБОДАТ  
ЖЎШҚИНЛИГИ**





## САОДАТ АСРИ ЖАМИЯТИДА ИБОДАТ ЖЎШҚИНЛИГИ

Саҳобаи киром учун ибодатлар, Жаноби Аллоҳ билан мулоқот ва яқинлашиш онлари эди. Шу сабабли жуда муҳим ва топилмайдиган бир фурсат ва хузур ҳоллари эди. Улар бутун ибодатларини, Жаноби Аллоҳнинг амрига ҳитоб қилиш бахтига сазовор бўлиш хаяжони билан бажарар эдилар, қайсидир бир ибодатни адо қилишни буюк шараф ва неъмат қатори кўришар эдилар.

### Ҳамиша Таҳоратли Бўлишга Дикқат Этардилар

Саодат асри мўминлари, ҳамиша таҳоратли бўлишга ва ҳар намоз учун янгидан таҳорат олишга эътибор беришардилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир куни эрталаб Ҳазрати Билол-ни ёнига чақириб:

*“– Билол! Қайси амални бажариб мендан аввал жаннатга кирдинг? Қачон (тушимда) жаннатга кирсам, оёқ кийимингнинг таққиллаганини*



*олдимда эшитаман. Кеча кечқурун ҳам жаннатга киргандим, оёқ кийимингнинг тақиллаганини яна олдимда кўрдим...*” буюрди.

Билол розиаллоҳу анху:

“– Ё Расулulloҳ, ҳар азон ўқиганимда муҳакқак икки ракаат намоз ўқийман. Таҳоратим бузулганида ҳам дархол таҳорат олиб ва менга Аллоҳнинг икки ракаат намоз ҳақи бўлганини ўйлайман.” деди

Шунда Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“ – *Мана шу иккаласи соясида!*” буюрди. (Тирмизий, Манакиб, 17/3689; Ахмад, V, 354)

Абу Гутайф ал-Хузайлий шундай тушунтиради:

**Абдуллоҳ ибн Умайр**ни масжидда жойида ўтирар экан эшитдим. Пешин намозининг вақти кириши биланоқ ўрнидан турди, таҳорат олиб намоз ўқиди. Кейин жойига қайтди. Аср намозининг вақти кирганида (таҳоратли бўлишига қарамай) жойидан туриб, таҳорат олиб намоз ўқиди. Кейин яна жойига қайтди. Шом намози бўлгунча ўрнидан туриб такрор таҳорат олди ва намоз ўқиди. Кейин яна жойига қайтди. Унга:

“– Аллоҳ сени солиҳ инсонлардан қилсин, ҳар намоз учун таҳорат олиш фарз ми, ёки суннат ми?” деб сўрадим.



У эса менга:

“– Сен мени ва менинг шу қилганимни кузатдинг ми?” деб сўради.

“– Ҳа.” дедим. Шундай жавоб берди:

“– Йўқ, фарз эмас. Мен, бомдод намози учун таҳорат олганимда таҳоратим бузилмагунча бутун намозларимни ўқий олардим. Лекин Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай буюрганини эшиттим:

*“Ким таҳорат устига таҳорат олса ўзига ўнта савоб берилади.”*

Мана мен шу савобларга рағбат қилдим.” деди. (Ибни Мажже, Таҳорат, 73)

Саҳобаи киром, таҳоратларини шошилмасдан сиқилмасдан энг гўзал шаклда олишардилар. Тобеиндан Абу Хазим, **Абу Хурайра Хазратларининг** таҳорат олар экан қўлларини қўлтиғининг тагигача ювганини кўрганди.

“– Эй Абу Хурайра, бу қандай таҳорат?” деб сўради. У эса:

“– Эй Бани Фаррух! Сиз бу ердამидингиз? Бу ерда эканлигингизни билганимда эди бундай таҳорат олмаган бўлардим. Мен, дўстим Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни шундай буюрганини эшитдим:



*“Қиёмат кунда мўминнинг нури, таҳорат сувининг етган жойигача боради.”* (Муслим, Таҳорат, 40)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир кун қабристонга учраган ва:

*“Салом сизга эй мўминлар диёрининг сокинлари (жсим ётганлари) Иншаоллоҳ бир кун биз ҳам сизнинг ёнингизга борамиз. Укаларимизни кўришини қанчалар кўп хохлардим!”* буюрганди.

Саҳобаи киром розиаллоҳу анҳум дарҳол:

“ – Биз сизнинг укаларингиз эмасми, Ё Расулуллоҳ?” деб сўрадилар.

Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам:

*“– Сизлар менинг саҳобаларимсизлар; укаларимиз эса хануз дунёга келмаганлардир.”* буюрди.

Шунда саҳобаи киром:

“– Умматингиздан хануз дунёга келмаганларни қандай танийсиз, эй Аллоҳ Расули?” деб сўрадилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам уларга:

“ – Бир кишининг пешонаси ва оёқлари оқ бўлган бир оти бўлганини тасаввур қилинг. У зот, бу отини, ҳаммаси қопқора бўлган бир от тўдаси ичида таний ололмайдимми?” деб сўради.



Саҳобаи киром разиоллоху анхум:

“– Ҳа, танийди эй Аллоҳ Расули!” деб жавоб бердилар.

Шунда Расулulloх шундай буюрди:

*“– Демак ки укаларимиз таҳоратлари сабабли юзлари нурли, қўл ва оёқлари порлоқ бўлиб келадилар. Мен ховузимнинг ёнига эртароқ бориб, икром қилиши учун уларни кутаман. Диққат қилинг! Баъзи кимсалар, бегона туянинг тўдадан хайдалиб хайдалганидай менинг ховузимдан (фаришталар томонидан) хайдаладилар. Мен уларга “Бу ерга келинглар!” деб чақираман. (Вазифали фаришталар) менга:*

*“– Улар Сендан кейин ҳолатларини алмаштирдилар. (Сенинг суннатингга эргашимасдан бошқа йўлларга кириб адашдилар.)”* деб айтишадилар. Шунда мен ҳам:

*“– Узоқ бўлсинлар, узоқ бўлсинлар!” дейман.*” (Муслим, Таҳорат, 39; Федаил, 26; Насай, Таҳорат, 110/150; Ибни Мажжа, Зухд, 36; Муватто, Таҳорат, 28; Аҳмад, II, 300, 408)

## **Намоз Кўзларининг Нури Эди**

Саодат асри мўминлари, намозларини адо қилар экан **“Жаноби Аллоҳ билан қовушиш”** ха-



яжонини яшар эдилар. Намозларини, гўёки дунё билан видолашаётган кишининг охирги намоз каби буюк бир ҳасрат ва хушуу билан ўқирдилар.<sup>18</sup>

**Саъд ибн Аби Ваққас** розиаллоху анху тушунтиради:

“Икки ака-ука бор эди. Булардан бири иккинчисидан қирқ кун аввал вафот этди. Жаноби Пайғамбаримизнинг ёнида, аввалроқ вафот этган укасининг фазилатидан гапирилди. Шунда Расулуллоҳ саллоллохуалайҳи васаллам:

“– *Наригиси мусулмон эмасмиди?*” деб сўради.

“– Ҳа, эй Аллоҳ Расули, у ҳам мусулмон эди” дедилар. Шу пайт Расулуллоҳ кейин вафот этган биродари учун:

“– *Ўқиган намозини унга қандай даражалар қозондирганини сиз қаердан биласиз? Намоз, сизлардан бирингизнинг эшигининг олдидан оққан ва ҳар куни ичида беш марта чўмилган, суви кўп ва ширин бир анхорга ўхшайди. Нима дейсиз, бундай ҳолат унда бирор кир қолдира оладими? Сиз, намознинг уни қандай даражага етказганини билолмайсизлар!*” буюрди”. (Муватто, Касрус-салот, 91)

Абу Толҳа боғчасида дарахтларнинг тагида намоз ўқиётган эди. Бир қуш, боғчадан ташқарига

<sup>18</sup> Ибни Мажжа, Зухд, 15; Ахмад, V, 412



чиқмоқчи бўлиб учди, чикгани жой топиш учун чапга-ўнгга бориб келди. Бу ҳолат, Абу Толҳага ёқди ва бир он кўзлари билан уни кўришга толди. Кейин намоз ўқишга давом этди, фақат неча ракаат намоз ўқиганини билолмай адашиб қолди. Шунда; “Шу моли фитнага сабаб бўлди, хушуу ҳолимни бузди!” деб Аллоҳ Расулининг ёнига кетди. Боғчада бўлиб ўтган воқеани айтиб берди ва:

“– Эй, Аллоҳ Расули! Бу молим Аллоҳ учун садақадир, хоҳлаганингизча ишлатиб, хоҳлаган жойингизга беришингиз мумкун.” деди. (Муватто, Солат, 69)

**Ҳазрати Умар** розиаллоҳу анҳу, волийларига шундай ёзгандир:

“– Менинг наздимда энг муҳим ишингиз намоздир. Ким уни ҳукмларига риоя қилиб чиройли бир шаклда ўқиса ва вақтларига диққат қилса, динини сақлаган бўлади. Кимки намозга аҳамият бермаса, диннинг бошқа амирларига ҳам кўп аҳамият бермаган бўлади. (Муватто, Вукутус- Солат, 6)

Мисвар ибн Махрама розиаллоҳу анҳу шундай айтиб беради:

“(Ханжарланган вақтда) Умар ибн Хаттобнинг ёнига бордим. Устига бир нарса ёпиб қўйилган, хушсиз вазиятда ётарди.

Ёнида бўлган кишиларга:



“– Ахволи қандай?” деб сўрадим.

“– Кўриб турганингиздай...” дейишди.

“– Намозга чақиринг! Уни намоздан бошқа ҳеч нарса билан қўрқитиб, уйғота олмайсизлар!” дедим.

Шунда:

“– Эй Мўминларнинг Амири, намоз!” дедилар.

Ҳазрати Умар розиаллоҳу анҳу дарҳол:

“– Ҳа, Аллоҳга қасамки намозни тарк этганинг Исломдан насиби йўқдир!” деб оёққа турди ва намозга турди.” (Хайсамий, I, 295. Муватто, Таҳорат, 51; Ибни Саъд, III, 35 )

**Ҳазрати Али** розиаллоҳу анҳу ҳам маъмурларидан бирига:

**“Ҳар нарса, сенинг намозингга боғлиқдир!”** буюргандир.<sup>19</sup>

Аъла ибн Абдурахмон шу ҳадисни нақл қилади.

Бир куни тушдан кейин **Анас ибн Маликнинг** ёнига боргандик. Анас розиаллоҳу анҳу, биз борганимизда дарҳол ўрнидан туриб, аср намозини ўқиди. Унга намозни вақтидан эртароқ ўқиганини

<sup>19</sup> Абдулазиз Чавиш, Англикан Черковига Жавоб, 96 б



айтдик. У нима учун бундай қилганини шундай тушунтириб берди:

“Жаноби Пайғамбаримиз шундай буюрганини эшитдим:

*“У мунофиқларнинг (қалбларида нифоқ аломати бўлган кишиларнинг) намозидир! У мунофиқларнинг намозидир! Улардан бири ўтиради, ўтиради, қуёш қизариб бота бошлаганда ва шайтоннинг икки шохи орасига киргунгача туради, қушининг ем тўплагани каби тез- тез тўрт марта ётиб туради, намозда ҳам Аллоҳни жуда оз зикр қилади.”* (Муватто, Қуроъни Карим, 46; Муслим, Масажид, 195)

Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам огоҳлантиришлари сабабли саҳобаи киром намозда таъдили арконга жуда аҳамият берардилар. Бир куни Хузайфа розиаллоҳу анҳу масжидга кирганида, бир кишининг намоз ўқиганини, фақат руку ва саждаларни тўлиқ адо этмаганини кўрган-ди. Намоздан кейин унга:

“– Неча йилдан бери шундай намоз ўқийсан?” деб сўради.

“– Қирқ йилдир!” деди.

Хузайфа розиаллоҳу анҳу:



“–Сен қирқ йилдан бери намоз ўқимабсан. Бу шаклда намоз ўқишга давом этиб ўладиган бўлсанг, Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам яратилган фитратдан бошқа бир фитратда ўласан деди ва унга намозни қандай тўғри ўқилишини ўргатди. Кейин эса:

“– Инсон намозини руку ва саждаларини тўлиқ адо этиш (яъни тадили арконга риоя қилиш) шарти билан енгиллаштириши мумкин!” деди. (Ахмад, V, 384; Бухорий, Азон, 119,132, Салот 26)

### **Жамоатдан Орқада Қолишмас Эди**

Саодат Асри Жамиятининг энг муҳим хусусияти, қариндошлик ва қабила яқинлиги олиб ташланиб ўрнига дин биродарлиги тушунчасининг қўйилиши ва жамиятда муаззам бирлик ва баробарлик ҳолининг кўринишидир. Бу бирлик ҳолининг кундалик ҳаётидаги энг очик кўриниши эса жамоат билан ўқилган намозларидир.

Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир имом бўлиб жамоатини жуда яхши танир, намозга келолмаган саҳобанининг камчилигини дарҳол сезарди. “Фалон киши намозга келдими?”, “Фалон дўстимиз қаерда?”, “Жаноб хизматчинг қаерда?” ,деб сўрар эди. Агар касал бўлса, саҳобаларини ёнига олиб зиёрат қилгани



борарди, бир муаммоси бўлса шуғулланар ёки ёнига чақиртириб муаммосини ҳал қиларди.

Яна Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам, умматини жамоатга ташвиқ қилиб шундай буюради:

“Бир кишининг жомеъларга боришни одатга айлантирганини кўрасиз, унинг иймонли бўлганига шохидлик қилинг. Чунки Аллоҳ Таоло шундай буюргандир:

“Аллоҳнинг жомеъларини фақат Аллоҳга иймон келтирганлар обод қилурлар...” (Тавба, 18) (Ибни Мажжа, Масажид, 19)

Шу сабабли жамоатга давом этмоқ ҳам масжидларни обод қилмоқ бўлганидан, иймон аломатидир.

Саҳобаи киромдан **Абдуллох ибн Масъуд** розиаллоху анху шундай буюради:

“Аллоҳга қасамки мен, икки юзламачилиги билинган бир мунофиқдан бошқа (жамоат билан) намоздан орқада қолганлигимизни эсламайман. Аллоҳга қасам ичаманки касал бир инсон икки киши ўртасида оёқда тура олмайдиган ҳолатда бўлса ҳам намозга олиб келинади ва уларнинг икки томонлама ёрдами билан сафга турғизилади.” (Муслим, Масажид, 256-257)



Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврларида икки мусулмон бор эди. Булардан биттаси тижоратчи, иккинчиси эса қилич ясовчи темирчи эди. Тижоратчи бўлган саҳоба, азонни эшитганда тарози қўлида эса дарҳол бир четга қўйиб, ерда эса жойида қолдириб тўғри Масжиди Набавийага борарди.

Қилич устаси эса, болға уриш пайтида эса у вазиятда ташлар, қиличга уриш арафасида қолдирган бўлса орқасига отиб дарров Масжиди Набавийага кетарди. Мана бу кишиларни ва уларга ўхшаганларни мақтамоқ учун Аллоҳ Таоло шу ояти каримани нозил қилди:

**“У (масжидларда) эрта-ю кеч У Зотни поклайдиган кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни (ҳақдорларга) адо этишдан машғул қила олмас. Улар диллар ва кўзлар (нажот топишга умидворлик ва ҳалокатдан қўрқув ўртасида) Парвардигорга тушиб қоладиган (Қиёмат) Кунидан қўрқарлар.”** (Нур 37) (Қуртубий, XII, 184)

Ибни Масъуд розиаллоҳу анҳу бир куни бозорда, азонни эшитар-эшитмас молларини ташлаб намозга чопган инсонларни кўрганди. Шунда шундай деди:



“– Мана булар, Аллоҳ Таолонинг (аввалроқ) Нур сурасининг 37-оятда мақталган кимсалардир.” (Хайсамий, VII, 83)

## **Закотни Кўнгил Шодлиги Билан Берардилар**

Саодат асри жамияти закотга жуда аҳамият берарди. Зеро Жаноби Аллоҳ Қуръони Каримнинг жуда кўп оятларида намоз билан биргаликда закотни ҳам қатъий буюрар эди. Улар закот ва садақаларни гўё Аллоҳнинг қўлига бераётганликлари шууру билан бу ибодатни бажо келтираркан буюк жўшқинлик ва ҳаяжонга тўлардилар.

Жаноби Пайғамбарнинг амакиси Аббос розиаллоҳу анҳу хайрли ишга шошилиш мақсади билан, йили кирмасдан закот беришлик ёки бермаслик хусусини сўраганди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам эса унга бу хусусда рухсат берди. (Абу Довуд, Закот, 22/1624; Термизий, Закот, 37/678; Ибни Мажжа, Закот, 7; Ахмад, I, 104; Даримий, Закот, 12)

Аллоҳ Расулунинг яқинларидан бир аёл, ва киз фарзандини олдига олиб Пайғамбаримизни зиёратга келганди. Қизнинг қўлида, икки дона қалин билак узук бор эди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам аёлга:

“– Бунинг закотини берябсизми?” деб сўради.



“– Йўқ.” деди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

*“– Аллоҳ қиёмат куни, бу билак узуклар ўрнига сизга оловдан иккита билак узук тақиб қўйса ёқадими?”* буюрди.<sup>20</sup>

Аёл дархол уларни кулидан ечиб инфоқ қилиниши учун Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга узатди ва:

“– Булар Аллоҳ Расулига оиддир (хоҳлаганингиздай инфоқ қилинг)!” деди. (Абу Довуд, Закот, 4/1563)

**Бани Тужиб** қабиласидан ўн уч кишилик бир хайъат, Пайғамбаримиз ёнига келганди, Закот молларини ҳам ўзлари билан олиб келишганди. Уларнинг закот хусусидаги талабчанлиги, Жаноби Пайғамбаримизга жуда ёқди. Хайъатга:

*“–Хуш келибсиз!”* буюрди. Билол Хабашига уларни энг яхши шаклда меҳмон қилинишини амр қилди.

Бани Тужиб хайъати:

“– Ё Расулуллоҳ! Молларимиз ичидаги Аллоҳнинг ҳаққини Сенга олиб келдик.” дедилар.

Аллоҳ Расули Саллоллоҳу алайҳи васаллам:

20 Зийнат ашёсининг закоти хусусида олимлар ихтилоф қилганлар. Эҳтиётга уйғун бўлгани, унинг ҳам закотини беришдир.

“– Уларни орқага қайтариб фақирларингизга тарқатингиз!” буюрди.

Хайъатдагилар:

“– Ё Расулulloҳ! Биз, ўзи фақирларимиздан ошганини олиб келдик.” дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр розиаллоҳу анҳу:

“ – Ё, Расулulloҳ! Араб хайъатлари ичида, тўғриси шу Тужиб хайъати кабиси йўқдир.” деди.

Жаноби Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“ – *Ҳидоят, Жаноби Аллоҳнинг қўлидадир. Аллоҳ, яхшиликни хоҳлаган кишининг қалбини иймонга очади!*” буюрди.

Тужиб хайъати, Пайғамбаримизга Қуръони Карим ва Суннатда бир нечта хусуслар сўради. Сўраган нарсаларининг жавоблари ёзма равишда уларга берилди. Бу ғайратлари сабабли Пайғамбаримизнинг уларга эътибори ва алоқаси ортди. Бани Тужиб хайъати, бир неча кун меҳмон бўлгач кетиш учун рухсат сўради. Улардан:

“ – Нега шошябсизлар?” деб сўралди.

“– Ортда қолган қавмимизнинг ёнига қайтиб Жаноби Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам-



ни кўрганимизни, Пайғамбаримиздан сўраб ўрганганларимизни уларга айтиб берамиз” дедилар.

Жаноби Пайғамбаримизнинг ёнига бориб видолашдилар. Пайғамбаримиз уларнинг ёнига Билоли Хабашийни юборди. Уларга ҳадялар берилишини буюрди, бошқа хайъатларга берилгандан кўра кўпроқ эҳсон қилинишини айтди. (Ибни Саъд, I, 323; Ибни Қаййим, III, 650-651)

**Ибни Аббос** розиаллоҳу анҳу шундай дейди:

Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам, бир хайит куни намозгоҳга чиқди ва фақат икки ракат намозга имомлик қилди. Бундан аввал ҳам кейин ҳам ҳеч қандай бошқа намоз ўқимади. Эркакларга хутба ўқиб бўлгач товуши эшитилмагани учун аёллар бўлган тарафга яқинлашди. Ёнида Билол розиаллоҳу анҳу ҳам бор эди. Уларга ҳам ваъз қилиб садақа беришга ташвиқ қилди. Шунда аёллар билак узукларини, олтин ва кумуш халқали зиракларини Ҳазрати Билолнинг этагига бера бошладилар. (Бухорий, Закоат, 21,33)

**Ибни Аббос** разиаллоҳу анҳу моддий ибодатларда бепарво ҳаракатнинг катта зарар ва пушаймонлик сабаби эканлигига эътибор қаратиб шундай огоҳлантирган:

“Кимнинг ҳажга борадиган ёки закот берадиган миқдорда мулки бўлса бу фарзларни





бажармаса, ўлим пайтида дунёга орқага қайтиш талаб қилинади”, деб айтган ва шу оятларни ўқиган:

**“Эй, мўминлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни, Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир! Сизларнинг ҳар бирингизга ўлим келиб, у: “Парвардигорим, мени озгина муддатга (хаётда) қолдирсанг, мен ҳайр-садақа қилиб, солиҳ (банда)лардан бўлсам”, деб қолишидан илгари – Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қилингиз! (Чунки) Аллоҳ бирон жонни ажали келган вақтда (вафот этдирмасдан) қолдирмас. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан Ҳабардордир.”** (Мунофиқун,9-11) (Термизий, Тафсир, 63/3316)

Саодат Асри инсонлари, муҳофаза ва эгасига тарқатиш билан масъул бўлган закот молларига нисбатан жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилардилар.

Бир куни Ахнаф ибн Қайс разиаллоху анху, Ироқ ҳайъати билан биргаликда **Ҳазрати Умар**-нинг ёнига келишганди. Жуда иссиқ кун эди. Ҳазрати Умар розиаллоху анху бир этак тақинган, закотга бериладиган туялардан бирига ёғ суртарди ва парвариш қиларди. Уларни кўриши билан:



“Ахнаф уст кийимингни еч ва менга ёрдам кил! Чунки бу закотга берилган туядир. Унда етимларнинг, тулларнинг ва камбағалларнинг ҳақи бордир.” деди.

Ичидагилардан бири:

“– Аллоҳ сенга мағфирати билан муомала буюрсин эй мўминлар амири! Куллардан бирига буюрсанг ва улардан бири бу ишни қилса бўлмай-дими?” деди.

Ҳазрати Умар разиаллоху анху шу гўзал жавобни берди:

“– Эй фалончи, ким ҳам Умардан ва Ахнафдан яхшироқ кул бўла олади? Модомики у мусулмонларнинг ишларини зиммасига олган экан, демак мусулмонларнинг кулидир. Кулнинг хужайинига нисбатан қандай самимий бўлиши ва омонатини тўлиқ бажариши керак бўлса унинг ҳам мусулмонларга нисбатан шундай ҳаракат қилиши керак бўлади.” (Али ал Муттакий, V, 761/14307)

Шунингдек, Ҳазрати Умарнинг Закотга берилган бир туя қочганда орқасидан югуриб уни ушлаш учун жуда чарчаган ва терлаган ҳолатда қолгани ва бу ишни хизматчиларига қилдиришини тавсия қилган инсонларга, шунга ўхшаш бир жавоб берганлигига доир ривоятлар ҳам бордир.



Закотга аҳамият берган Саодат Асри жамияти шундай ҳолатга келгандики, Халифа Умар ибн Абдулазиз, закот хизматчисини Африка давлатларига жўнатганида, хизматчи молларни тарқата олмасдан қайтиб келганди. Чунки закот оладиган кишини топа олмаганди. Шунда у бу пулларга жуда кўп кулларни сотиб олиб озод қилди.<sup>21</sup>

### **Инфоқ-Эҳсон Ва Садақа Ҳаётларининг Энг Муҳим Нуқтаси Эди**

Саодат асри жамияти, Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилиб садақа беришни инсонни жуда кўп хатар ва балолардан сақлашини, бундан бошқа соҳибини мухаббатуллоҳга муяссар қилишини жуда яхши идрок этишганди. Зеро Жаноби Аллоҳ шундай буюради:

**“ Аллоҳ йўлида инфоқ<sup>22</sup> қилинглар! Ўз қўлларингиз билан ўзингизни хатарга солманглар! Яхшилик қилинглар! Зеро Аллоҳ, муҳсинларни (яхшилик қилган, ишини тўғри бажарган ва эҳсон қилиш тушунчаси билан яшаганларни) севади.”** (Бақара, 195)

Саҳоба аёллардан Умму Бужайд розиаллоҳу анҳа Жаноби Пайғамбаримизнинг ёнига келиб:

21 Саид Рамазон ал-Бурий, *Фиқҳус-Сира*, Байрут 1980, 434-б

22 Инфоқ, фарз қилинган закотни ва чин кўнгилдан қилинган ҳар хил хайрли ишни билдиради. (Мустафо Чағрижи, “Инфоқ” бўлими, Диннат Ислом Энциклопедияси, XXII, 289)

“– Ё Расулulloҳ, Аллоҳнинг салоти саломлари сизга бўлсин! Баъзан бир фақир келиб эшигимни олдида туради, унга берадиган бирон нарса тополмайман...” деганди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам унга:

“– Унга бериш учун ҳаттоки бир қўйнинг ёнган тирноғидан бошқа нарса топа олмасанг ҳам, (яъни ёнингда қийматсиз нарса бўлса ҳамки) , уни фақирнинг қўлига бер! (Уни бўш қайтарма, жўнатма!)” деб буюрганди. (Абу Довуд, Закот, 33/1667; Тирмизий, Закот, 29/665; Несайй, Закот, 70/2566; Аҳмад, VI, 383)

Зеро бир мўминнинг ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам, ундан сўраб келган муҳтожга, ҳеч бўлмаса кўнглини оладиган бир қанча ширин сўз айтиш талаб қилинади. Ҳақиқатдан Жаноби Аллоҳ бундай вазиятда: “ Қовлан майсуран: кўнгилга севинч ва ҳузур берадиган гўзал, ширин ва юмшоқ сўз” айтишни буюради.

**Абу Масъуд Ал Ансорий** разиаллоҳу анҳу инфоқ-эҳсоннинг баракасини ҳам ифода қилган бир сўзида шундай буюради:

“Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга садақа қилишни буюрганида, биздан биттаси бозорга бориб, белида юк ташиб бир муд<sup>23</sup> бойлик

23 Муд, тахминан 687 г оғирликда бир ўлчов бирлигидир.



топади қозонади ва ундан инфоқ-эхсон қилади. Бугун улардан бир қисмининг юз минг динори бор” (Бухорий, Закоат, 10)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

*“Инсонлар орасида ҳукм берулгунгача, ҳамма қилган садақасининг соясида бўлади.”* буюргандир.

Бу ҳадиси шарифни бизга нақл этган ровийлардан **Абул Ҳайр**, ҳар куни мутлақо бир садақа беришни ғайрат қиларди. Ҳаттоки бир бурда нон, битта пиёз ва шунга ўхшаш нарсалар бўлса ҳам... (Ахмад, IV, 147-8; Хайсамий, III, 110)

Ҳазрати Умар розиаллоҳу анҳу ҳам шундай айтиб беради:

“Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга садақа қилишимизни буюрди. У кунларди мол-мулким ҳам бор эди. Ўз-ўзимга «Абу Бакрдан ўтиб кетсам фақатгина бугун ўта оламан.» дедим ва мол-мулкимнинг ярмини олиб келиб Жаноби Пайғамбаримизга бердим. Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам:

«– Оилангга нима қолдирдинг?» буюрди.

«– Шу олиб келганимчалик уларга ҳам қолдирдим.» дедим.



Ҳазрати Абу Бакр ҳам қўлида бўлган мол-мулкнинг ҳаммасини олиб келиб берди. Расулulloх саллоллоху алайҳи васаллам:

«– Абу Бакр, бола-чақангга нима қолдирдинг? » деб сўради.

«Аллоҳ ва Расулини қолдирдим!» деди.

Мана ўша он ўзимга ўзим; «Аллоҳга қасам ичаманки Абу Бакрдан ҳеч бир хусусда асло ўта олмайман» дедим.» (Тирмизий, Манакиб, 16/3675)

**Абдурахмон ибн Абу Амраинг** айтишига кўра, онаси бир қул озод қилишни хоҳлаган ва буни эрталабга қолдирган. Фақат эрталабгача вафот этди. Абдурахмон, Қосим ибн Муҳаммад ёнига бориб:

“– Мен онам номига бир қулни озод қилсам, онамга фойдаси бўладими?” деб сўради. Қосим шу жавобни берди:

“– Саъд ибн Убаде разиаллоху анху Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам ёнига келиб:

« – Онам вафот этди, мен онам номига бир қул озод қилсам, онамга фойдаси бўладими? » деб сўрагани. Расулulloх саллоллоху алайҳи васаллам:

«– Ҳа!» буюрди. (Муватто, Итк, 13)

**Ҳазрати Ойиша** онамизнинг билдиришига кўра, бир киши Жаноби Расули Акрам саллоллоху алайҳи васаллам ёнига келиб:

“– Онам тўсатдан вафот этди. Ўйлашимча гапир олганда эди, мутлақо садақа қиларди. Мен онам номига садақа қилсам бўладими?” деб сўради.

“– Ҳа, онанг номига садақа қил!” буюрди. (Бухорий, Васая, 19; Абу Довуд, Весая, 15/2881)

Саҳобаи киромдан **Хариса ибн Нумон** розиаллоху анҳу кўриш қобилиятини йўқотган эди. Намозгоҳидан уйининг эшигигача бир ип тортган, эшик ёнида хурмо ва бошқа нарсалар бўлган бир сават бор эди. Қайсидир бир фақир яқинидан ўтиб салом берганида, саватдан бир нарсалар олар, ипни ушлаб хонасининг эшигига келиб фақирга шахсан ўзи берар эди. Оиласи:

“– Биз сизнинг номингизга берамиз!” дейишганда уларга шуни айтди:

“– Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламнинг шундай буюрганини эшитдим:

«Фақирга ўз қўллари билан берилган садақа, инсонни ёмон ўлимдан сақлайди.»” (Ибни Саъд, III, 488; Табароний, Кабир, III, 229,231; Хайсамий, III, 112)

**Ҳазрати Ойиша** розиаллоху анҳа шундай айтиб беради:



Жаноби Аллох Расули Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам, аёлларига:

*“– Сиздан менга энг тез ва энг эрта етишадиганингиз, кўли энг узун бўлганингиздир.”* буюрганди.

Улар ҳам қайси бирисининг кўли узунроқ деб, кўлларини ўлчашар эдилар. Магар кўли энг узун, **Ҳазрати Зайнаб** розиаллоху анҳа экан. Чунки у кўллари билан иш қилар ва кўп садақа берарди. (Муслим, Фадаилус Саҳоба, 101)

Яъни, Саодат асри инсони бу инфоқ-эҳсон сафарбарлигига фақири ҳам, бойи ҳам, касали ҳам, соғломи ҳам ҳаммаси қатнашардилар.

Бир куни бир фақир **Ҳазрати Усмон** розиаллоху анҳу ёнига келиб:

*“– Эй мол-мулк соҳиби бойлар! Бутун яхшиликни олиб кетдингиз; молингиздан садақа бера-сиз, кул озод қиласиз, ҳажга борасиз ва инфоқ-эҳсон қиласиз!”* деди.

Ҳазрати Усмон розиаллоху анҳу:

*“– Сиз ҳақиқатдан бизга ҳавас қилибсизми?”* деб сўради.

У зот:





“– Ҳа, Аллоҳга қасам ичаманки сизларга ҳавас қиламиз!” деди. Шунда Ҳазрати Усмон розиаллоҳу анҳу тушинтирди:

“– Аллоҳга қасам ичаманки, бир кишининг қийналиб инфоқ қилган бир дирҳами, кўп мулкининг бир қисмидан берган ўн дирҳамдан кўра ҳайрлидир.” (Байҳакий, *Шуаб*, III, 251; Али ал Муттакий, IV, 612/17098)

### **Рўзанинг Тенгсиз Ибодат Эканлигини Идрок Қилгандилар**

**Абу Умома** разиаллоҳу анҳу Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга :

“–Менга шундай бир амал тавсия қилинг ки, Аллоҳ Таоло мени у билан мукофатлантисин.” деб бир илтимос қилганди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“– *Сенга рўзани тавсия қиламан, зеро унинг тенги йўқдир!*” буюрдилар. (Несаий, Сийам, 43)

**Умму Айман** розиаллоҳу анҳа Аллоҳ ва Расулига ҳижрат қилиш учун йўлга чиқган эди . Рўза тутиб олганди. Ёнида на озиқ-овқат, на улови ва на сув идиши бор эди. Тихома чўлларининг шиддатли иссиқлиги остида йўлга тушганди. Очликдан ва чанқаганидан ўлаёзганди. Ифтор вақти келга-



нида бошининг устида бир шитирлаш эшитди. Бошини кўтарганида оқ бир ипга осилган бир пақир кўрди.

Ўзи шундай айтиб беради:

“ – Пақирни олдим, тўйгунимча ичдим. Ундан кейин умуман чанқамадим.”

Умму Айман розиаллоху анха балким чанқоқлик хис қиламанми деб жазирама куёш остида рўза тутар, Каъбани тавоф этарди, фақат хали ҳам чанқоқлик ҳис этмасди. Бундай ҳолат ўлгунгача давом этди. (Абдураззоқ, *Мусаннаф*, IV, 309; Абу Нуайм, *Хилъе*, II, 67; Ибни Ҳажар, *Исаба*, VIII, 170; Ибни Саъд, VIII, 224)

**Ҳазрати Ҳамза** розиаллоху анху Ухуд Жангига чиқар экан рўза тутишни ният қилганди. Шаҳид кетсам Парвардигоримнинг хузурига рўзалик бўлиб чиқайин, деб ўйларди.

Анас ибн Молик розиаллоху анху шундай дейди:

Ўгай отам **Абу Толҳа** розиаллоху анху Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам замонида, душманлар билан янада осонроқ жанг қилиш учун ошиқча нафил рўзасини тутмас эди. Жаноби Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам вафотидан кейин эса мен Абу Толхани ҳеч рўзасиз кўр-



мадим. Фақатгина Ҳайит кунлари рўза тутмасди.  
(Бухорий, Жиход, 29)

Абу Толҳа розиаллоҳу анҳу уруш майдонларининг энг жасур қаҳрамонларидан бири эди. Душманга нисбатан қувватли бўлиш учун нафил рўза тутишга ошиқча йўналмас эди, жиҳодни рўзадан афзал кўрарди. Фақат кейинчалик жиҳодга чиқиши камайиши билан рўза тутишга йўналди ва кўп вақтини рўза тутиш билан ўтказди. Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин шу усулда 24 йил яшагани ривоят қилинади.

Ҳазрати Анасинг билдиришича Абу Толҳа разиаллоҳу анҳу умрининг охирига яқин:

**“ (Эй мўминлар), ҳоҳ енгил, ҳоҳ оғир ҳолингизда (яъни, ҳоҳ ёш, ҳоҳ кекса ҳолларингизда, истасангиз, истамасангиз жиҳодга) чиқингиз ва молу жонларингиз билан Аллоҳ Йўлида курашингиз! Агар билсангизлар, мана шу, ўзларингиз учун яхшироқдир.”**  
(Тавба, 41) ояти каримасини ўқиди.

Орқасидан:

“– Аллоҳ Таолобизга ҳоҳ кекса ҳоҳ ёш бўлиб ҳаммамиз биргаликда сафарбар бўлишимизни буюради. Менинг уруш анжомларимни тайёрланглар!” деди.



Фарзандлари:

“– Отажон, биз сизнинг ўрнингизга жиход қиламиз!” десалар ҳам у гапида қаттиқ туриб олди. Ашёларини тайёрладилар ва Абу Толҳа розиаллоху анху бир денгиз сафарига қатнашди. Бу сафар чоғида вафот этди. Жасадини фақатгина етти кундан кейингина тупрокқа қўйдилар. Аммо бу вақт ичида муборак вужудида ҳеч қандай ўзгариш ва бузилиш бўлмади. (Ибни Ҳажар, Фатхул Барий, Жиход, 29)

**Абу Бурда** розиаллоху анху билан Язид ибн Аби Кабша бир сафарда дўст бўлгандилар. (Рўза тутишга жуда аҳамият берган) Язид бу сафарда ҳам рўза тутиб олган эди. Абу Бурда розиаллоху анху унга шундай деди:

“Мен (отам) Абу Мусони шундай деганини жуда кўп эшитдим:

Расулуллоҳ саллоллоху алайхи васаллам буюрадики:

*«Қул касал бўлса ёким сафарга чиқса муқим ва саломат экан қилган (нафила) ибодатларининг савоби айнан ўзига ёзилади.»* (Бухорий, Жиход, 134)

Саодат асрида Рамазон Шариф ойлари буюк бир жўшқинлик ва ҳаяжон билан кечириларди ва мўминлар бу руҳоний ҳаво билан фарзандларини ҳам нафас олдирар эдилар. Ҳақиқатдан **Ҳазрати**



**Умар** розиаллоху анху халифалик даврида Рамазонда маст бўлган бир кишига:

“ – Ҳайф сенга! Ҳаттоки бизнинг фарзандларимиз ҳам рўза тутмоқдалар!” дегандир. (Бухорий, Савм, 47)

**Абуд-Дарда** розиаллоху анху рўзага қанчалар қиймат берганини ифода қилиб шундай дейди:

“Уч хислат бўлмаганида, дунёда қолишни хоҳламасдим: Пешонамни ерга қуйиб кечаю кундуз Яратганимга сажда қилмоқ ва бу шаклда абадий ҳаётимга тайёргарлик қилмоқ, **куннинг энг иссиқ онларида (рўза тутиб) чанқоқликга бардош бермоқ**, меванинг яхшиси танланганидай сўзларнинг яхшисини танлаган кишилар билан ўтирмоқ.” (Муновий, Файзул Қадир, II,11/1193)

### **Ҳаж Ва Умра Орзуси Эди**

Саҳобаи киром ҳаж ва умрага жуда аҳамият берар, Каъбани тафов этишни орзу қилар ва бу олий ибодатларини ҳеч тарк этмасдилар. У муборақ шаҳарларнинг руҳоний ҳавосидан тўйиб тўйиб нафас олишар, Харомайнга нозил қилинган маънавий озуқалар билан руҳларини тўйдирар эдилар. Ҳазрати Одамдан бери бутун пайғамбарларнинг ва ошиқ кўнгилларнинг қолдирган маънавий изларини кузатишиб уларнинг ибратли хотираларидан



файз олишардилар. Парвардигоримизнинг у мубо-  
рак маконлардаги аломатларига таъзим ва хурмат  
кўрсатар, у ердаги муқаддас мақомларда ҳар сабаб  
билан Ҳақ Таолони зикр қилардилар.

Илк Ақаба байъатига қатнашган ўн икки ва-  
киллардан бири бўлган **Бара ибн Маърур** ро-  
зиаллоху анху кейинги йили ҳаж мавсумида  
Пайғамбаримизни ва Каъбани зиёрат қилиш учун  
Маккага боришига доир ваъда қилганди. Фақат,  
сўз берган вақт келмасдан аввал ўлим тўшагига  
ётиб қолди. Бу ҳолатда оиласига:

“ – Аллоҳнинг Расулига ваъдам сабабли мени  
Каъбага тўғри йўналтиринг! Чунки мен унга бо-  
ришимни айтгандим.” деди ва шундай қилиб ҳам  
хаётда ҳам ўлгандан кейин Каъбага йўналган илк  
инсон бўлди.

Фаҳри Коинот Пайғамбаримиз саллоллоху  
алайҳи васаллам, Мадинага ташриф буюрганида  
саҳобалари билан биргаликда Бара Ҳазратлари-  
нинг қабри ёнига келди, сафланишиб жаноза на-  
мозини ўқиттирди ва:

*“Аллоҳим уни кечир (авфу эт)! Унга магфират  
қил ва ундан рози бўл!”* деб дуо қилди. (Ибни Абдил-  
бар, I, 153; Ибни Саъд, III, 619-620)

**Ҳазрати Оиша** розиаллоху анха онамиз шун-  
дай дейди:



“Жаноби Пайғамбар саллоллоху алайҳи васалламга:

«– Ё Расулulloх! Биз ҳам Сиз билан бирга ғазога чиқиб жиход қилсак бўлмайдимиз?» деб сўрадим.

Аллоҳ Расули саллоллоху алайҳи васаллам:

«– *Сизлар учун жиҳоднинг энг яхшиси ва энг гўзали ҳаждир, ҳажжи мабрурдир.* » буюрди. **Бу сўзни Расулulloх саллоллоху алайҳи васалламдан эшитгандан бери ҳажни ҳеч тарк қилмадим!**” (Бухорий, Жазаус Сайд, 26)

Ҳазрати Умар розиаллоху анху бир куни умра қилиш учун рухсат сўраганида Расулulloх саллоллоху алайҳи васаллам:

“– *Суюкли биродарим, бизни ҳам дуоларингда унутма!*” буюрганди.

Бу илтифотга сазовор бўлган **Ҳазрати Умар** розиаллоху анху:

“– Ҳазрати Пайғамбарнинг менга бу хитоби менинг учун дунёга бадалдир. Дунёни берсалар ҳам бунчалар севинмасдим!” деб Аллоҳ Расулининг илтифотига муяссар бўлишнинг саҳоба учун қанчалар буюк бир маъно ифода қилганини аңлатгандир. (Абу Довуд, Витр, 23/1498; Тирмизий, Даъват, 109/3562; Ибни Мажжа, Манасик, 5)



Улар, ҳаж ва умра учун фидокорликда бўлишдан ва бу йўлда машаққат чекмоқдан ҳам тортинмасдилар. Касаллиги сабабли умра бажара олмаган Ҳазрати Оиша розиаллоху анха:

“– Ё Расулulloҳ! Инсонлар ҳаж ва умра ибодатларини иккаласини ҳам бажариб қайтядилар; мен эса фақатгина ҳаж ибодати билан қайтябман.” деганди.

Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам унга:

*“– Кутиб тур, тузалганигда (уканг Абдурахмон билан биргаликда) Теънимгача боринг, у ерда умрага ният қилиб эҳромга кириб талбия айтинг! (Умрангиз тугаганидан кейин) фалон жойга бизнинг ёнимизга келинг! Лекин шуни билгинки, бажариладиган умранинг савоби, бу йўлда қилинган харажатлар ёки қўриладиган қийинчилик ва машаққатлар нисбатидадир.”* буюрди. (Бухорий, Умра, 8)

Саҳобаи Киром ҳаж пайтида жуда юмшоқ ва нозик ҳаракат қилардилар. Зеро Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам бир куни **Ҳазрати Умар** розиаллоху анхуга, тавоф пайтида назокатлик билан ҳаракат қилишини тавсия қилиб шундай буюрганди:

“– Эй Умар! Сен кучли ва қувватли одамсан. Ҳажарул Асвадга эришиш учун инсонларни





қисиб заифларга азият берма! На роҳатсиз бўл ва на роҳатсиз қил! Ёлғиз бўлсанг Ҳажарул Асвадга салом бер ва ўп, бўлмаса узоқдан “ қўл суртиб ўпиш” ишоратини қил, калимаи тавҳид ўқиб ва такбир айтиб ўт!” (Ахмад, I, 28; Хайсамий, III, 241)

Аёллар тавоф пайтида эркакларнинг орасига аралашмасдилар. Ҳазрати Ойша розиаллоҳу анҳа эркаклардан узоқ жойда тавоф қилар, уларнинг орасига кирмасди. Ўзи билан биргаликда тавоф қилган бир аёл:

“– Эй Мўминларнинг Онаси! Келинг, бориб Ҳажарул Асвадга қўл суртиб истилом қилайлик!” деганида, Ҳазрати Ойша розиаллоҳу анҳа буни қабул қилмаганди.

Ҳатто Ҳазрати Ойша ва дугоналари кечалари, яхши ўраниб таниб бўлмайдиган бир вазиятда чиқар, шундай тавоф қилишардилар. Байтуллоҳнинг ичига кириб ибодат қилмоқчи бўлганларида, улар чиққунча эркаклар у ердан чиқариларди. (Бухорий, Ҳаж, 64)

Бир сафар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Маккадан чиқиб кетмоқчи эди. Фақат аёли **Умму Салама** розиаллоҳу анҳа роҳатсиз бўлганлиги сабабли ҳануз тавоф қилмаганди. Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам унга:

“ – *Бомдод намози учун қомат келтирилганида инсонлар намоз ўқиётганида, сен туянинг*



*устида (орқа томондан) тавоф қил!”* буюрди. (Бухорий, Ҳаж, 71)

Умму Салама розиаллоху анха шундай дейди:

“– Мен (Ҳаж пайтида) Расулуллохга роҳатсиз эканлигимни айтдим. Менга:

*“– Туяга миниб инсонларнинг орқа томонидан тавоф қил!”* буюрди. Мен ҳам шундай тавоф қилдим. У вақтда Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам Байтнинг ёнида бомдод намозини ўқитаётган ва: «Ваг Тури. Вакитабин мастурин» деб бошланган су-рани ўқиётган эди. (Бухорий, Ҳаж, 64)

Бу ривоятлардан, аёлларнинг эркаклар билан биргаликда тавоф қила олишлиги фақат иложи бо-рича эркакларнинг орқа томонида тавоф этишлари-нинг яна ҳам яхши эканлиги тушунтирилмоқдадир. Зеро тавоф ҳам намоз каби бир ибодатдир. Намоз-да аёллар эркакларнинг орқасида қандай турсалар, тавофда ҳам шундай бўлишлари керакдир.

## **Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф Таҳсилига Аҳамият Берардилар**

Жаноби Аллох шундай буюради:

**“(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, ушбу Қуръон барча одамлар) оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат**



олишлари учун Биз Сизга нозил қилган бир муборак Китобдир.” (Сод, 29)

“Албатта Аллоҳнинг Китобини (Қуръонни) тиловат қиладиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эҳсон қиладиган зотлар ҳаргиз касод бўлмайдиган олди-сотдидан (яъни, улардан яхши амал ва инфоқ-эҳсон, Аллоҳдан ажру-мукофот бўлишидан) умидвордирлар, зеро, (Аллоҳ) уларнинг ажрларини комил қилиб берур ва Ўз фазлу-карамидан уларга яна зиёда (мукофотлар) ҳам берур.” (Фотир, 29)

Аллоҳ Расули саллоллоху алайҳи васаллам пок қалбига нозил бўлган ояти карималарни дархол, аввал эркак кейин аёл саҳобаларга ўқиб берарди.<sup>24</sup> Мусулмонлар ҳам келган ваҳийларни дарров ёдлаб олишар, бир қисми эса ёзиб олишиб ёнларида сақлардилар.

Қуръонни ёзмоқ саҳобаи киром орасида жуда ёйилган эди. Ҳамма бу ишга қаттиқ киришганди. Ёзишни билмаганлар ҳам кўпинча қўлларидаги ёзув ашёлари билан масжидга боришиб нозил бўлган оятларни кўнгилли котибларга ёздирардилар.<sup>25</sup>

24 Ибни Исҳақ, *Сийрат*, 128- б

25 Байҳакий, *ас-Сунанул-Кубра*, VI, 6

Шундай қилиб Қуръони Карим, Исломнинг илк даврларидан эътиборан, ҳатто мусулмонлар Қурайш зулми остида чидаб бўлмайдиган қийинчиликларга маъруз қолгандан ҳам қайдга ўтказиб ҳаётга татбиқ қилинди. Шунингдек илк йилларда **Ҳазрати Умар** розиаллоху анху бир саҳифага ёзилган Қуръон оятларини ўқиб иймон келтирганди.<sup>26</sup>

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам у кунгача ваҳий қилинган барча оят ва суралардан ташкил топган бир Қуръон матнини Ақаба Байъатида **Рафий ибн Малик** Ҳазратларига таслим қилганди. Рафий розиаллоху анху Мадинага қайтганида ўз маҳалласида курдирилган ва Ислом оламида илк жомеъ деб билинган масжидда тўпланган мусулмонларга бу оят ва сураларни тиловат қиларди.<sup>27</sup>

**Абдуллоҳ ибн Масуъд** розиаллоху анху шундай деганди:

“Саҳобадан бири уйига кирганида аёли унга дарҳол шу икки саволни берарди:

1) Бугун Қуръондан нечта оят нозил бўлди?

26 Ибни Хишом, I, 369-371

27 Ибни Ҳажар, *Исаба*, II, 189,190; Ибни Касир, *ал-Бидайе*, III, 152; Ибнул-Асир, *Усдул-Ғоба*, II, 157; Каттоний, Таротиб, Байрут, тарихсиз, I, 44; Проф. Док. **М.М. ал-Азамий**, *Қуръон Тарихи*, 106-бет; Проф. Док. **М.Ҳамидуллоҳ**, *Қуръони Карим Тарихи*, 44-бет.

2) Аллоҳ Расулининг ҳадисларидан қайсиларни ёдладингиз? (Абдулхамид Кешк, *Фи Рихабит Тафсир*, I, 26)

**Абдуллоҳ ибн Масуъд** Хазратларининг шу сўзи ҳам, саҳобаи киромнинг Қуръон билан қанчалар қувватли муносабатларда бўлганларини ифода қилмоқдадир:

“Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасам ичаман, Аллоҳнинг Китобидан ҳеч бир сура нозил бўлмаганки, мен унинг қаерда нозил бўлганини билмайин. Яна Аллоҳнинг Китобидан ҳеч бир оят нозил бўлмаганки, мен унинг ким ҳақида нозил бўлаганини билмайин. Мендан бошқа Аллоҳнинг Китобни яхшироқ билган бир кишини эшитсам, туя билан уни олдига бориш имкони бўлса, ҳеч ўйланмасдан йўлга чиқаман.” (Бухорий, Фадаилул-Қуръон, 8)

Яна **Абдуллоҳ ибн Масуъд** розиаллоҳу анҳу талабаларига бир оят ўқитиб ўргатар ва:

“– Бу оят, сенга Қуёшнинг чиқишидан ёки ер юзидан бўлган ҳамма нарсадан яхшироқдир!” дерди. Бу сўзини Қуръоннинг ҳар ояти учун айтди. (Хайсамий, VII, 166)

Унинг шу сўзи эса, саҳобаи киромнинг Қуръон илмлар билан қанчалар машғул бўлганини кўрсатиш борасида жудаям муҳимдир:



“Ким илм истаса Қуръоннинг маъноларини тафаккур қилсин, тафсири ва қироати устида чуқур ўйланишсин! Зеро унда, аввалгиларнинг ва кейингиларнинг илми мавжуддир.” (Хайсамий, VII, 165; Байҳакий, Шуаб, II, 331)

Саҳобаи киром бир жойга тўпланиб Қуръон ва ҳадис музокара қилардилар.<sup>28</sup> Хусусан **Асхаби Суффа**, доимо Масжиди Набавияда бўлишар, Қуръон ўқишар, кечалари Қуръонни ўз ораларида музокара қилиб ўрганишарди.<sup>29</sup>

**Ҳазрати Умар** разиаллоҳу анҳу Қуръонни тушиниш учун чуқур тафаккур қилганди, Аллоҳнинг оятлари устида чуқур чуқур ўйланар ва уларни ҳаётда татбиқ этиб ўқирди. Унинг:

**“Бақара Сурасини ўн икки йилда тугатдим (яъни ҳаётимга татбиқ этишга муваффақ бўлдим) ва шукрона қилиб бир туя қурбон қилдим!”** сўзи, бунинг исботларидан биридир. (Қуртубий, I, 40)

Имом Маликнинг билдиришича Абдуллоҳ ибн Умар розиаллоҳу анҳума ҳам, Бақара Сурасини таҳсил ва татбиқ этмоқ учун оятлари устида тўлиқ саккиз йил шуғулланган. Зеро у, Қуръони Каримни, фарзларини, ҳукмларини ва буларга

28 Хатиб ал Бағдодий, *ал-Факих вал-Мутафакких*, II, 126.

29 Бухорий, *Жиход*, 9; Муслим, *Имора*, 147.



таалуқли нарсаларни ўрганиб ва ҳаётига татбиқ этиб ўқир эди.<sup>30</sup>

Шунингдек **Ҳазрати Абу Бакр** розиаллоҳу анҳу шундай деганди:

“Қуръоннинг бир оятини изоҳ қилмоқ, менга, уни фақатгина ёдлашдан яхшироқ туюлмоқдадир.”  
(Ибнул-Анбарий, Китабу Изахил Вақф, I, 23)

Яна бир зот, **Зайд ибн Собит**нинг ёнига бориб, Қуръони Каримни бир ҳафтада хатм қилиш тўғрисида нима деб ўйлашини сўраганди. У эса:

“– Яхши бўлади.” деганидан кейин шундай давом этди:

“– Фақат мен, ўн беш ёки йигирма<sup>31</sup> кунда бир хатм қилишни ёқтираман. Нимага деб сўрасанг, шундай қилсам Қуръон устида яхшироқ ўйланиб маънолари устида кўпроқ тушунчага эга бўла оламан.” (Муватто, Қуръон, 4)

**Ҳазрати Усмон** розиаллоҳу анҳу Қуръоннинг жаъм қилинишини, яъни икки муқова орасига тўпланишини тугатиши билан инсонларни шахсий қўлланишлари учун Қуръон нусхаларини ёзишга ташвиқ этди.<sup>32</sup> Зеро аввалари инсонлар Қуръоннинг ҳаммасини ёза олмаганлар, фақат

30 *Муватто*, Қуръон, 11; Каттоний, *Таротиб*, II, 191.

31 Ибни Абдилбар, *Истизкар*, II, 477.

32 Ибни Шабба, *Тарихул-Мадина*, 1002-бет.



баъзи сура ва оятларни қайд қилган бўлиши мумкин эди. Ваҳийнинг нозил бўлиши тугаганида бутун оятлар ва суралар кучли бир хайъат томонидан икки мукова орасига олингандан кейин, эндиликда инсонлар роҳатлик билан Қуръони Каримни бир бутун ҳолида истинсоҳ қила олишарди, яъни ўзлари учун нусха олиши мумкин бўларди.

**Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ**, Ҳазрати Усмон розиаллоҳу анҳу даврида кўпайтирилган нусхаларидан Мадина Мусҳафининг Масжиди Набавияда муҳофаза қилингани ва ҳар тонгда жамоатга ўқилганини хабар қилгандир.<sup>33</sup>

Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ва халифалари, Исломи дунёсининг турли марказларига жуда кўп олим саҳобаларни Қуръони Каримни ва суннатларни ўргатиш учун юборгандилар.<sup>34</sup> Мисол учун **Мусъаб Ибн Умайр** розиаллоҳу анҳу Мадинага муаллим қилиб юборилганида, инсонларга Исломи тушунтирар ва ҳар фурсатда Қуръон уқир эди.<sup>35</sup>

Шомга юборилган **Абуд-Дорда** розиаллоҳу анҳу у ерда жуда узоқ вақт яшади ва жуда машхур

33 Ибни Шабба, *Тарихул-Мадина*, 7-бет; Ибни Кутайба, *Таъвилу Мушкилил Қуръан*, 51-бет.

34 Даримий, *Сунан*, I, 135; Ибни Саъд, VI, 3.

35 Ибни Хишам, II, 43-46; Абу Нуайм, *Делаилун-Нубувва*, I, 307; Хайсамий, VI, 41; Захабий, *Сийер*, I, 182.



бир илм халқаси ташкил қилди. Талабаларининг сони 1600тадан ортиқ эди. Уларни ўн гуруҳга бўлиб ҳар бирига етиштирган ўқитувчиларидан бирини тайинлади ва ўсишларини навбат билан назорат қилди. Бу асосий савияни ўтганлар, тўғридан тўғри бу муборак саҳобадан дарс олиш шарафига муяссар бўлардилар.

Шундай қилиб олдинги савиядаги талабалар, ҳам Абуд-Дорда розиаллоҳу анҳу билан ишлаш ҳамда қуйи савиядаги талабаларга ўқитувчилик қилиш имтиёзига соҳиб бўлишарди.<sup>36</sup> Бу услуб, бошқа саҳобалар томонидан бошқа жойларда ҳам татбиқ қилинди.<sup>37</sup>

**Ҳазрати Умар** розиаллоҳу анҳу, Язид ибн Абдуллоҳни марказдан узоқда яшаган бадавийларга Қуръонни ўргатиш учун юборди ва бадавий қабилаларга бориб таҳсил даражаларини синаш учун **Абу Суфён**ни назоратчи қилиб тайинларди. Айниқса Мадинада болаларга Қуръонни ўргатиш учун уч саҳобани вазифалантириб ҳар бирига ойига 15 дирҳам маош тайинлади ва ўрганганларга ҳам ҳаммасига осонидан бошлаб беш оятдан ўргатилишини буюрди.<sup>38</sup>

36 Заҳабий, Сийару Аламин Нубула, II, 344-346.

37 Белазурий, Ансаб, I, 110; Ҳаким, I, 220.

38 Проф. Док. М. М. ал-Азамий, *Қуръон Тарихи*, 127-бет

**Ибни Аббос** розиаллоҳу анҳу юксак савияда Қуръон таълими берарди. Қаерга борса олдига инсонлар тўпланишарди. Басрага борганида ҳам тик туриб инсонларга хитоб қилган, уларга Бақара Сура-сини ўқиб мавзуларини изоҳлаб бергандир.<sup>39</sup>

Бир сафар **Ҳазрати Али** розиаллоҳу анҳу Қуфа Масжидидан товушларнинг юксалганини эшитгач нима бўлганини сўради. Унга:

“– Баъзи кишилар Қуръон ўқияптилар ва ўрганияптилар.” дейишди.

Ҳазрати Али розиаллоҳу анҳу:

“– Улар қанчалар бахтли! Улар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам наздида инсонларнинг энг суюқлилари эди!” деди. (Хайсамий, VII, 162)

Тобеин наслининг кучли муфассирларидан Мужоҳид (вафоти 103 хижрий), ҳадис, фикҳ ва қироат олими бўлган **Ибни Аби Лейланинг** (вафоти 83 хижрий) фақатгина Қуръони Каримдан ташкил топган ва инсонларнинг ўқимоқ учун бир жойга тўплаган бир кутубхона қурганини хабар бермоқдадир.<sup>40</sup>

**Абу Абдурахмон ас-Сулемий**, Ҳазрати Усмоннинг халифалик даврида қироат ўқитувчилигини

39 Ҳаким, II, 300/3083.

40 Ибни Саъд, IV, 253; Ибни Аби Довуд, Масоҳиф, 151-бет



бошлаган ва бу вазифасини узоқ йиллар давом эттиргандир. Қуфада имомлик ва Қуръон муаллимлиги қилган масжидни назарда тутиб шундай дер экан:

“ – Шу мансабда бўлишимнинг ёлғиз сабаби, Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламнинг:

*«Сизнинг энг ҳайрлигингиз, Қуръонни ўрганган ва ўргатганингиздир!»* ҳадиси шарифидаги хушxabарга муяссар бўлиш орзусидир.”(Бухорий, Фадаилул-Қуръон, 21; Тирмизий, Фадаилул-Қуръон, 15/2907)

Саодат асри жамияти, Қуръони Карим билан биргаликда ҳадиси шарифларни ўрганиш учун ҳам жуда кўп ғайрат кўрсатганлар. Бунинг фақатгина бир мисолини берайлик:

**Урва ибн Зубайр** розиаллоху анхума шундай дейди:

“Бир куни холам **Ҳазрати Оиша** розиаллоху анха менга:

« – Эй жиян! Эшитдим ки, **Абдуллох ибн Амр** розиаллоху анхума ҳажга кетаётиб бизга учрар экан. У билан учраш ва ундан бир нарсалар сўра! Зеро у, Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламдан кўп илм нақл қилгандир. » деди.



Шунда мен Абдуллоҳ розиаллоҳу анҳу билан учрашиб Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган нарсаларга доир ундан кўп нарса сўрадим...” (Муслим, Илм, 14)

Абдуллоҳ ибн Амр розиаллоҳу анҳума Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам замонида ҳам ҳадиси шарифлар ёзарди. Шу сабабли бир муддатдан кейин муаззам бир ҳадис хазинасига эга бўлганди.<sup>41</sup>

Айниқса, саҳобаи киромнинг фақатгина ёшлари эмас, катталари ҳам ёшларининг улуғ бўлишларига қарамай илм ўрганиш учун буюк бир ғайрат кўрсатадилар.<sup>42</sup>

### **Қуръони Каримнинг Баракати Билан Шифо Топишарди**

Қуръони Карим, саҳобаи киромнинг ҳаётига шундай кирган эдики, улар ҳар хусусда Аллоҳнинг каломига мурожаат қилардилар. Касалликлар қаршисида шифо талаб қилганларида, буни Қуръон билан бажарардилар.

**Абу Саид** розиаллоҳу анҳу шундай тушунтиради:

41 Бухорий, Илм, 39

42 Бухорий, Илм, 15



“Биз, Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг юборган бир аскарий сафарда эдик. Бир жойда тунадик. Ёнимизга бир хизматчи келиб:

«– Қавмимизнинг хўжайинини захарли бир илон чакди. Унга хизмат қиладиган одамлар ҳам шу онда ёнимизда эмас. Сизларнинг ичингизда даволаш мақсадида Қуръон ўқишни ва дуо қилишни биладиган бор ми?» деди.

Шунда биздан, дам солиш хусусида маҳоратини билмаганимиз бир киши ўрндан туриб у билан бирга кетди ва касалга Қуръон ўқий ва дуо қила бошлади. Ҳалиги одам соғайди. Қуръон ўқиган ва дуо қилган дўстимизга ўттизга қўй бердилар. У эса бизга уларнинг сутидан ичирди. Унга:

«– Сен дам солишни билармидинг?» деб сўрадик.

«– Йўқ, мен фақат Фотиҳа Сурасини ўқиб дам солдим» деди. Биз унга:

«– Расулulloҳдан сўрамасдан бу қўйларга тегма!» дедик.

Мадинага келганимизда вазиятни Жаноби Пайғамбаримизга тушунтирдик. Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам:

«– *Фотиҳа Сурасини дам соладиган сура эканлигини сенга ким айтди? Берган қўйларини*



*ўз орангизда бўлиштиринг, менга ҳам бир ҳисса ажратинг!»* буюрди.” (Муслим, Салом, 66,65; Бухорий, Федаилул Қуръон, 9; Ижара, 16; Тиб, 33,39)

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам; “Менга ҳам бир ҳисса ажратинг!” сўзини, саҳобаларининг кўнглини хурсанд қилмоқ ва даволагани учун олинган молнинг ҳалол бўлганини очиқча баён қилмоқ, яъни амалларини тасдиқлаш мақсади билан айтгандир. (Айний, Умдатул-Қорий, XXI, 271-272)

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам бошқа бир ҳадиси шарифларида:

“– *Фотиҳа Сурасида ҳар дардга шифо борадир!*” буюргандилар. (Даримий, Федаилул Қуръон, 12)

**Илақа ибн Сахар** розиаллоҳу анҳу Жаноби Пайғамбаримиз саллalloҳу алайҳи васалламнинг ёнига келиб мусулмон бўлганди. Кейин Пайғамбаримизнинг ёнидан орқага қайтаётганидан бир қавмга учраган эди. У қавмдан бир киши, ақл касаллигига чалинган, уни йўғон темирлар билан каттиқ боғлагандилар. Касалнинг оиласи, бу муборақ саҳоба ёнига келишиб:

“– Бизга тушунтиришларича, шу сизнинг дўстингиз (Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам, Аллоҳдан бир қанча) яхшиликлар олиб келган. Сизнинг ёнингизда бу касални даволай оладиган бир шифо борми?” деб сўрадилар.



Илақа розиаллоҳу анҳу сўзларининг давомида шундай тушунтиради:

Шунда мен ҳам у ақл касаллигига учраган кишига Фатихатул-Китобни (Фотиҳа Сурасини) ўқидим. Буни ўқиганим учун ва даволаганим учун юзта кўй бердилар. Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга бориб вазиятни тушунтирдим (ва кўйларнинг менга ҳалол бўлиб бўлмаганини сўрадим).

“– (Қуръондан) бошқа бир нарса ўқидингми?” деб сўради.

“– Йўқ.” дедим. Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“– Уларни ол! Умримга қасам ичаманки, ботил бир нарсалар ўқиб уфлаб эвазига ҳақ олиб еган кимса, (бунинг гуноҳини тортади.) Сен эса ҳақ бўлган бир даволаш эвазига олган ҳақни ебсан!” буюрди. (Абу Довуд, Тиб, 19/3896; Сехр, 37/3420; Ахмад, V, 211)

## Сахарларда Истиғфор Айтардилар

Жаноби Аллоҳ шундай буюради:

“ Улар кечанинг оз бир қисмида ухлар эдилар ва сахар вақтларида (қилган саҳву-



хатолари учун Парвардигордан) мағфират сўрар эдилар.” (Ваз-зариёт, 17-18)

Саодат асри жамияти, кечалари туриб намоз ўқишни, саҳарларда саловот айтишни, зикр ва дуо қилишни ва Қуръон ўқишни иссиқ ётоқларидан кўра афзал билишардилар. У саодатли жамиятда саҳар ва тонг вақтларини **“Истиғфор ва дуо вақти”** деб билишар ва унга кўра диккатли ҳаракат қилишардилар.<sup>43</sup>Хатто кечаси қоронғуда уйлари-нинг яқинидан ўтганлар, ари ғуввилагандай зикр ва Қуръон садолари эшитардилар.

**Қадий Байдавий** – раҳматуллоҳу алайҳ – бу вазиятни шундай ифода қилмоқдадир:

“Уммат учун беш вақт намоз фарз бўлиб, кеча намози суннат ҳолига келганида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, саҳобаларнинг аҳволини кўриш мақсадида кеча вақти хужраи саодатларидан ташқарига чиқиб саҳобаларнинг уйлари орасида айланар ва у уйларни Қуръон кироати, зикр ва тасбеҳ товушлари билан ари ҳайдаганлари каби ғувуллаган бир ҳолатда кўрганди.” (Анварут-Танзил, IV, 111)

Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай буюргандилар:

43 Хайсамий, VII, 47; Мубарекфурий, *Тухфатул-Ахвазий*, II, 473-474; Ибни Ҳажар, *Талхисул-Ҳабир*, IV, 206.



“Мен, юмишоқ қалбли Ашарий қабиласининг кечаси (уйларига) кирар экан ўқиган Қуръон товушларини жуда яхши танийман. (Сафар чоғида) кундузи қаерда тунаганликларини кўрмасам ҳам, кечаси улардан юксалган Қуръон товушидан жойларини дарҳол таниб оламан...” (Бухорий, Мағозий, 38)

Ҳазрати Ойша розиаллоху анҳа шундай дейди:

Ҳазрати Пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам хонамда таҳажжуд намозига турди. Масжидда намоз ўқиган **Аббад ибн Абдуллохнинг** товушини эшитди:

“– Эй Ойша, бу Аббаднинг товушимми?” буюрди. Мен эса:

“– Ҳа!” дедим. Шунда:

“– Аллоҳим, Аббадга марҳамат қил!” деб дуо қилди. (Бухорий, Шаҳодат, 11)

Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам саккиз ёки тўққиз кеча, хуфтон намозини кечанинг учдан биригача кечиктириб ўқиганди. Шунда Ҳазрати Абу Бакр розиаллоху анҳу:

“ – Ё Расулуллох хуфтон намозини бироз эртароқ ўқитсангиз кеча ибодатига уйғонишимиз осонроқ бўлади!” деди.

Аллох Расули бундан кейин хуфтон намозини эртароқ ўқитди. (Ахмад, V,47)



Ҳазрати Умар розиаллоху анху кечаси таҳажжуд намозига уйғонганида шундай дуо қиларди:

“Ё Парвардигоро, турган жойимни кўряпсан, эҳтиёжимни биласан! Аллоҳим мени хузурингдан эҳтиёжи кўрилган, турли хил кўрқув ва хатарлардан қутулган, Сеннинг амрларингга дарҳол ижобат қилган, дуоси қабул қилинган, ҳатолари кечирилган ва ўзига марҳамат қилганинг бир қулинг қилиб орқага қайтар.”

Намози тугаганида эса:

“Аллоҳим, дунёда боқий қолган бирон нарса кўра олмаяпман. У ерда мустақим бир ҳолат ҳам йўқ. Аллоҳим, мени дунёда илми билан гапирган, ҳикмати билан жим турган қулларингдан айла! Аллоҳим, менга ошиқча дунёлик берма, адашмайин, молимни озайтириб қийин ҳолатга солмагинки ибодат ва вазифаларимни унатмайин. Шубҳасиз, оз бўлиб кифоя қиладиган мол, кўп бўлиб (ибодат, зикр ва масъулиятлардан) ғофил қилган молдан яхшироқдир.” (Ибни Аби Шайба, *Мусаннаф*, VII, 82)

Ҳазрати Ойша онамиздан:

“ – Расулulloҳ саллoллоҳу алайҳи васаллам инсонлардан энг кўп кимни севарди?” деб сўрашдилар.

“ – Фотимани!” деди.



“– Ё эркактарданчи?” дейилди.

“– Унинг эрини!” деди ва кейин жуда муҳим бир нуқтага аҳамият бериб шундай давом этди:

“– Шуни биламанки у кўп рўза тутган ва кўп кеча намози ўқиган бир кишидир.” (Тирмизий, Манакиб, 60/3874)

Ҳаёти давомида таҳажжудга жуда аҳамият берган **Амир ибн Рабия** кеча намози ўқиятганда вафот этганди. Инсонлар қутулиши имконсиз бўлган бир фитнага дучор бўлишганида, Амирга тушида:

“– Уйғон, Аллоҳдан солиҳ қулларини сақлаган фитнадан сени ҳам сақлашини сўра!” дейишди.

У ҳам дарҳол уйғонди ва намоз ўқиди. Намоздан кейин касал бўлди ва ўзи ҳеч ташқарига чиқмасдан уйдан жанозаси чиқди. (Хайсамий, IX, 301; Ибни Аби Шайба, *Мусаннаф*, VI, 362/32044)

Тобеиндан **Амир ибн Абдулкайс**, ўлими яқинлашганида йиғлай бошлади:

“– Нега йиғлаяпсан?” деб сўрадилар. У эса шу жавобни берди:

“– На ўлимдан кўрқганимдан, на дунёга хирс қўйганимдан йиғлаяпман. Лекин иссиқ кунларда рўза тутишдан ва кечалари ибодат учун



уйғонишдан, таҳажжуддан маҳрум қоламан деб йиғлаябман.” (Захабий, *Сийер*, IV, 19)

Кўнгил инсонларининг, ибодатларининг жуда ҳам фазилатли бўлгани, истиффор ва дуоларининг қабул қилингани, гуноҳларининг ўчирилгани ва баданларининг саломатлик топгани саҳар вақтлари учун шундай деганлари нақл қилинмоқдадир:

“Кечаларни ибодат билан ўтказмоқ Аллоҳ Таолонинг:

**«Эй мулку давлат Эгаси бўлган Аллоҳим, Сен Ўзинг истаган кишингга мулк ато қилурсан...»** (Ол-и Имрон, 26) оятида ишорат қилгани ҳақиқий мулк ва салтанатдир.” (Хадимий, *Мажмуа-тир-Ресаил (Рисалатул-Васиййа ван-Насиха)*, 194-бет)

### **Ибодатларида Титрардилар**

Саодат асри жамияти ибодатларини буюк бир диққат билан бажарардилар, фақат ҳеч қачон ўзларини бу хусусда етарли кўрмас эдилар. Улар доимо “Байнал хавфи вар Ражаи: Кўркув ва умид ўртасида” яшардилар.

**Ҳазрати Ойша** розиаллоху анха дерки:

**“Парвардигорларига қайтгувчи эканликларидан диллари кўрқиб турган ҳолда (камбағал-бечораларга) садақалар берадиган**



**кишилар; Ана ўшаларгина (барчадан) ўзгувчи бўлган ҳолларида яхшиликлар қилишга шошарлар.”** (Мўминлар, 60-61) оятлари нозил бўлгунча Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васалламга:

“– Оятда зикр қилинганлар, зино, ўғрилиқ ва ароқ каби харомларни ишлаганларми?” деб сўрагандим. У эса:

*“– Йўқ эй Сиддиқнинг қизи! Оятда тушинтирилганлар, намоз қилиб, рўза тутиб ва садақа бериб туриб, қилган бу ибодатларини қабул қилинмаслигидан қўрққан кишилардир. Мана яхшилик ишларида мусобақалашган ва олдинда борганлар шулардир.”* буюрди. (Тирмизий, Тафсир, 23/3175; Ибни Мажжа, Зухд, 20)

Мусулмон учун барча ибодатларини талабчанлик, дуруст ҳолда бажариш билан биргаликда, яна ҳам бу хусусда Аллоҳнинг марҳаматига сиғинишдан бошқа бир чора йўқдир. Чунки дуоларимиз каби амалларимиз ҳам Аллоҳ наздида қабул бўлишга муҳтождир.

Нақл қилишларига кўра **Ҳазрати Али** розиаллоҳу анҳу намоз вақти келганида титрар ва ранги оҳак каби бўларди.

“– Сизга нима бўляпти, бу ҳолингиз нима эй Мўминлар Амири?” деб сўраганларга:

“– Аллоҳнинг бизларга лутф қилган омонатининг вақти келди. У омонатни осмонларга,



ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса бу омонатни ўз зиммасига олди.<sup>44</sup> Ўз зиммамга олган бу омонатни адо қилиб қилолмаслигимни (бажариб бажара олмаслигимни) билолмайман!” дер эди. (Серраж, Лумаъ, 139-бет)

### **Яхшилик ва Фазилат Хусусида Мусобақалашардилар**

Саодат асри жамияти, ҳайрли ва солиҳ амаллар хусусида гўё бир бири билан мусобақалашардилар. Абдурахмон ибн Абу Бакр розиаллоҳу анҳу шундай тушунтиради:

**Расулуллоҳ** саллоллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозини ўқиб бўлганидан кейин саҳобаларига бурилиб:

“– *Ичингизда бугун рўза тутган борми?*” буюрди.

**Ҳазрати Умар** розиаллоҳу анҳу:

“– Ё Расулуллоҳ! Кеча кечқурун рўза тутишни ўйламадим, шунинг учун бугун рўза тутган эмасман.” деди.

**Ҳазрати Абу Бакр** розиаллоҳу анҳу:

---

44 Ахзаб, 72



“– Кеча кечқурун рўза тутишни ўйладим ва бомдодга рўза тутган ҳолатда чиқдим.” деди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“– *Ичингизда бугун касал зиёрат қилган борми?*” буюрди.

Ҳазрати Умар розиаллоҳу анху:

“– Ё Расулуллоҳ! Бомдод намозини ҳозир ўқидик ва ҳали жойимиздан жилмадик-ку, қандай қилиб касал зиёрат қила оламиз?” деди.

Ҳазрати Абу Бакр розиаллоҳу анху:

“– Укам Абдурахмон ибн Авфни роҳатсиз эканлигини эшитдим. Масжидга келаётиб уни зиёрат қилдим, шифо тиладим ва у ердан масжидга келдим.” деди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“– *Ичингизда бугун камбағални тўйдирган борми?*” буюрди.

“– Ё Расулуллоҳ! Бомдод намозини ҳозир ўқидик ва ҳали жойимиздан жилмадик?!” деди.

Ҳазрати Абу Бакр розиаллоҳу анху эса:

“ – Масжидга кирганимда, эҳтиёжини арз қилган бирини кўрдим. Ўғлим Абдурахмоннинг кўлида бир парча арпа нони бор эди. Дарров уни олиб камбағалга бердим.” Деди.



Шунда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“ – Сизга жаннатга кирганингизни билан хушхабар қиламан!” буюрди.

Ҳазрати Умар розиаллоҳу анҳу қайғу билан нафас олди ва:

“– Оҳ жаннат!” деди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Умарни хурсанд қиладиган баъзи нарсалар айтгандан кейин:

“– Аллоҳ, Умарга марҳамат қилсин, Аллоҳ, Умарга марҳамат қилсин! Қачон бир яхшилик қилишни хоҳласа Абу Бакр муҳаққақ ундан ўтиб кетади.” буюрди. (Хайсамий, III, 163-164. Абу Довуд, Закоат, 36/1670; Хақим, I, 571/1501 )

Бу воқеа бизга, ҳар бир онимизни Аллоҳ ризоси учун қадрлаши кераклигини ва ниятимиз қандай шаклда бўлса, унга кўра намоён бўлишини огоҳлантирмоқдадир.

Ояти каримада шундай буюрилади:

“ Бас, (эй Муҳаммад алайҳис-салом), қачон Сиз (кишиларни Ҳақ Йўлига даъват қилишдан ва бошқа дунёвий хожатлардан-ишлардан) фориғ бўлсангиз (ўрнингиздан) тулинг! Ва Ёлғиз Парвардигорингизга юзингизни буринг!” (Шарҳ, 7-8)





## **Пайғамбаримизнинг Суннатларини Изма - Из Таъқиб Қилардилар**

**Фузайл ибн Ийаз** – раҳматуллоҳу алайҳ – шундай дейди:

“Шояд бир амал ихлос билан бажарилса аммо шартлари жойига қўйилмаса, тўғри бир шаклда бажарилмаса, қабул қилинмайди. Тўғри бўлиб, фақат ихлосли бўлмаса яна қабул қилинмайди. Ҳам ихлос билан ҳамда зоҳирий шартлар бажарилгунгача қабул қилинмайди. Ихлос, у ишнинг фақат ёлғиз Аллоҳ таоло учун бажарилиши, тўғри бўлиши эса пайғамбаримиз суннатларига мувофиқ бўлишидир.<sup>45</sup>

Зеро Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга итоат, Аллоҳга итоат этмоқдир. Ояти қари-мада шундай буюрилади:

**“Кимки Пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди...”** (Нисо, 80)

Бу ҳақиқатни тушунган Саодат асри инсони бутун ҳол, ҳатти-ҳаракат ва амалларини Пайғамбаримиз суннатларига мос бажариш хусусида буюк бир талабчанлик кўрсатишардилар.

Чунончи **Жабир** розиаллоҳу анҳу ўзидан маълумот олгани келган ёшларга шундай деганди:

---

45 Ибни Қаййим ал-Жавзийе, Аламул-Муваққин, Байрут, 1996, II, 159.



**“Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам орамизда эди. Унга Қуръон нозил бўларди, маъносини жуда яхши биларди. У Қуръонга қандай амал қилса, биз ҳам унга тобеъ бўлиб шундай амал қилардик.”** (Муслим, Ҳаж, 147)

Умайя ибн Абдуллоҳ, **Абдуллоҳ ибн Умар** Хазратларига:

“– Тинчликда ва кўркув пайтида намознинг қандай ўқилишини Қуръондан топа оламиз, аммо сафар намозини топа олмаяпмиз.” дейишганди.

**Абдуллоҳ ибн Умар** розиаллоҳу анхума унга:

“– Биз ҳеч нарсани билмаганимизда Аллоҳ Таоло бизга, Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни юборди. Биз Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни нимани қандай қилаётганини кўрган бўлсак айнан у каби қиламиз!” деди. (Ибни Мажжа, Иқама, 73; Ахмад, II, 65, 94; IV, 78)

Зеро ояти каримада шундай буюради:

**“Эй мўминлар, сизлар Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари олдида (яъни, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарининг изнисиз бирон сўз ёки ишга) қадам босманглар! Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.”** (Хужурот, 1)



Тобеиннинг буюк олимларидан **Саид ибн Мусайяб** Хазратлари аср намозидан кейин ортиқча икки ракаат намоз ўқиятган бирини кўрди. (Макрух вақтида нафил намоз ўқиган бу зотнинг қилган ишини ёқтирмади.) Намоз ўқиган киши унга:

“– Эй Абу Муҳаммад! Аллоҳ Таоло, намоз ўқиганим учун менга азоб берадимми?!” деб қилган ишини ҳимоя қилмоқчи бўлди. Саид ибн Мусайяб Хазратлари эса:

“– Йўқ! Жаноби Аллоҳ сенга намоз ўқиганинг учун эмас, лекин Пайғамбаримиз суннатларига зид иш қилганинг учун азоб беради!” буюрди. (Даримий, Муқаддима, 39/442)

**Ҳазрати Али** розиаллоху анху Жаноби Пайғамбаримизнинг Суннатига садоқатда бир чўққи эди. Бир куни ундан:

“– Инсон ҳажда қурбонлик қиламан деб олиб борган туясини минса бўладими?” деб сўрашди.

“– Бунинг зиёни йўқ. Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам йўлда пиёда кетаётган кишиларга дуч келганида олдиларидаги қурбонлик туяларини ва ўзларининг туяларини минишларини буюрганди. Сиз **Жаноби Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад Мустафо** саллоллоху алайҳи васалламнинг Суннатидан ҳам фазилатли бўлган ва ундан яхшироқ бошқа ҳеч бир нарсага тобеъ



**бўлолмайсиз, ундан яхшироқ бир нарсанинг орқасидан боролмайсиз!”** (Ахмад, I, 121)

Унинг шу сўзлари қанчалар ибратлидир:

**“ Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўрнидан турганини кўрдик, биз ҳам ўрнимиздан турдик; ўтирганини кўрдик, биз ҳам ўтирдик.”** (Ахмад, I, 83)

**“ Ҳазрати Пайғамбаримизнинг изидан юришдан ташқари бутун йўллар инсонлар учун ёпиқдир.”** (Бурсавий, Рухул- Баён, (Нисо, 28))

Ҳазрати Али розиаллоҳу анҳу бир куни таҳорат олиб махсининг устига масҳ тортгандан кейин шундай деганди:

**“– Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бундай қилганини кўрмаганимда эди, махсиларнинг тагига масҳ тортишнинг яхшироқ бўлганини ўйлаган бўлардим.”** (Ахмад, I, 145, 95, 124)

**Абдуллоҳ ибн Аби Авфа** розиаллоҳу анҳума, кизининг жаноза намозида тўрт марта такбир қилганди. Тўртинчи такбирдан кейин, икки такбир ўртасида турганчалик туриб қизининг гуноҳларини кечирилишини тилади ва унга дуо қилди.

Жамоатдагилар унинг бешинчи марта такбир қилади деб ўйлашганди. Кейин ўнг ва чап томони- га салом берди. Намоздан кейин:



“– Бу нима қилганинг?” деб сўрадилар. У эса:

“– Жаноби Расулуллоҳдан кўрган нарсамга ҳеч нарса қўшмадим. У, шундай қиларди.” деб жавоб берди. (Ҳаким, I, 360; Ибни Мажжа, Жанаиз, 24)

Бир сафар **Абу Мусо ал-Ашаърий** розиаллоҳу анҳу касал бўлиб қолган ва боши аёли кучоғида экан ҳушидан кетганди. Шунда аёли бақириб баланд овоз билан йиғлашни бошлади. Фақат Абу Мусо розиаллоҳу анҳу, аёлини бу ҳаракатидан тақиқлайдиган ҳолатда эмасди. Ҳушига келгач:

“– Расулуллоҳнинг ёқтирмасдан узоқ турган нарсадан мен ҳам ёқтирмасдан узоқ тураман. Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам дод-фарёд солган, сочини юлган ва усти бошини йиртган аёллардан узоқ эди.” деб аёлини огоҳлантирди. (Бухорий, Жанаиз, 37,38; Муслим, Иймон, 167; Насай, Жанаиз, 17)

Ўлим билан курашаётганда ҳам Аллоҳ Расулининг буйруқларига тиришқоқлик билан итоат ғайратини кўрсатмоқ қанчалар муаззам бир иймон хусусиятидир.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қайсидир бир сафардан келганида аввало масжидга учрарди. У ерда икки ракаат намоз ўқиб, ундан



кейин уйига қайтарди. **Ибни Умар** розиаллоху анхума ҳам ҳаёти давомида шундай қилди.<sup>46</sup>

Ибни Умар розиаллоху анхума ҳаж ва умрани тугатгандан кейин Зулхулайфадаги Батхада туясини тўхтатиб дам олди. Чунки у ерда Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам ҳам шундай қилганди.<sup>47</sup>

Ибни Умар розиаллоху анхума Мухассабада<sup>48</sup> пешин, аср, шом ва хуфтон намозларининг ҳар бирини ўз вақтида ўқитиб бироз ухларди. Кейин эса Расулulloҳнинг ҳам шундай қилганини айтди.<sup>49</sup>

Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам қурбонликни (Макка билан Мадина орасида бир жой бўлган) Қудайддан сотиб оларди. Ибни Умар ҳам шундай қилди.<sup>50</sup>

Қисқаси унга, қилган бир ҳаракати сабабли, “Нима учун бундай қилябсан?” деб сўралганида жавоб доимо бир хил эди:

**“Жаноби Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васалламни бундай қилганини кўрдим.”**<sup>51</sup>

46 Абу Довуд, Жиход, 166/2781, 2782.

47 Бухорий, Ҳаж, 38, 29, 148, 149; Муслим, Ҳаж, 226; *Муватто*, Ҳаж, 6.

48 Мухассаба, Мино ва Макка ўртасида, Минога яқинроқ бир ер.

49 Бухорий, Ҳаж, 149; Муслим, Ҳаж, 337; *Муватто*, Ҳаж, 207.

50 Тирмизий, Ҳаж, 68/ 907.

51 Бухорий, Вудуъ 30, Ҳаж, 16, 38, 149; Муслим, Ҳаж, 25, 245, 521, Алфаз 21; Тирмизий, Ҳаж, 39/864; Абу Довуд, Хотам 5/4227, 4228; Насай, Ҳаж 174; Ибни Мажажа, Ҳаж 43; *Муватто*, Ҳаж, 31.



Абу Рофий шундай тушунтиради:

“**Абу Хурайра** розиаллоҳу анҳу билан хуфтон намозини ўқидим, «Изас-самауъншаққот» сурасини ўқиди ва сажда қилди. Мен унга:

“– Эй Абу Хурайра, бу қандай сажда?” деганимда:

“– **Мен Жаноби Пайғамбаримизнинг орқасида бу сурада сажда қилдим. Мен бу саждани ўлгунимча давом эттираман.**” деди. (Муслим, Масажид, 110; Ахмад, II, 229)

Абу Харун ал-Абдий розиаллоҳу анҳу шундай деган:

Биз ёшлар **Абу Саиддан** баъзи нарсалар ўргана олишлик учун унинг ёнига борардик. У бизни кўриши билан шундай дерди:

“Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга васият ва омонат қилган кишилар, марҳамат, хуш келибсиз! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай буюрди:

*«Инсонлар сизларга эргашидилар. Дунёнинг тўрт томонидан сизларга инсонлар келишиб динни яхшилаб ўрганмоқ ва динда чуқурлашмоқ истайдилар. Сизларнинг ёнингизга келганларида уларга аҳамият беринглар ва бу илм излаганларга яхшилик билан, меҳмондўстлик билан ва гўзаллик билан*



муомала қилинг!»” (Термизий, Илм, 4/2650; Ибни Мажжа, Мукаддима, 17, 22; Даримий, Мукаддима, 26; Хаким, I, 164/298)

**Гифорлик бир аёл,** Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга кийимининг устидаги қонни қандай тозалаши кераклигини сўраганди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам унга:

*“– Бир сув идиши олинг, ичига туз солинг, кейин устингиза теккан қонни ўша билан ювинг!”* тавсия қилганди. У саҳоба аёл, хаёти бўйича буюк бир мамнуниятлик билан бу тавсияни татбиқ қилиб, сувига туз солмасдан кийимларини ювмаган эди. Ўлганида ҳам жанозаси ювиладиган сувга туз солинишини васият қилган. (Абу Довуд, Тахорат, 122/313)

Демак Саодат асри инсони, Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир ҳолат, ҳаракат ва тавсиясини шундайин буюк бир садоқат, аҳамият ва сезгирлик билан таъкиб қилишни ўзлари учун энг буюк завқ, лаззат ва хурсандчилик ҳолига келтиришгандилар.



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَشْرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ  
مَرْضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَؤُوفٌ بِالْعِبَادِ

*“Одамлар орасида Аллоҳ ризолигини истаб ўз жонини сотадиган (яъни, Аллоҳ учун жонини фидо қиладиган) зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига Ғамхўр-Меҳрибондир.” (Бақара 207)*



САОДАТ АСРИ ЖАМИЯТИДА

АХЛОҚИЙ  
КОМИЛЛИК



## Саодат асри жамиятида ахлоқий комиллик

Инсоният тарихида фазилат, адолат, ғамхўрлик ва гўзал ахлоқ жиҳатидан энг мустасно давр, шак-шубҳасиз ки Саодат асридир. Чунки у муборак давр бутун оламларнинг яратилиш сабаби бўлган Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам яшаган даврдир. У давр Унинг ҳол, хатти-ҳаракати, файз ва руҳонияти билан шаклланган бир даврди. Яна у давр, чуқур бир тафаккур иқлимида Аллоҳ ва Расулини севинч ва жўшқинлик билан яқиндан таниш даври эди.

Баланд бир тоғни фараз қилайлик. Унга узоқдан қараганимизда фақат маълум ёки номаълум бир чекка чизиклари билинган кўриниш ҳолатида кўринади. Фақат ёнига яқинлашганимиз сари, ичидаги дарахтлар, мевалар, қушлар, дарёлар тиниқлашиб кўрина бошлайди. Инсон, бу мухташам гўзалликларни қанчалар яқиндан кўра олса, у нисбатда ҳайронлиги ҳам ортади.

Айнан шу каби Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни ҳам ҳақиқий маънода таний олиш, фақатгина сатрлардан ўқиш би-



лан мумкин эмас. У фақат қалбдаги муҳаббат нисбатида танилиб тушунарли бўла олади ва у муҳаббат нисбатида Унга яқинлашилади. Унга муҳаббат билан яқинлашган саҳобай киром ҳаттоки Унинг энг кичик истагига ҳам доимо:

**“Онам, отам, жоним, мол-мулким, ҳамма нарсам сенга фидо бўлсин”** ифодасини қўлланардилар.

Бизларнинг эса, Унга бўлган муҳаббатимизнинг белгиси шон-шараф соҳиби Жаноби Пайғамбаримизнинг бир хадиси-шарифида *“Сизга иккита омонат қолдирыбман”* деб ифода қилган; *“Қуръон ва Суннат”*<sup>52</sup> га бўлган муҳаббатимиздир. Қуръон ва Суннатни, ҳаётимизнинг ҳар саҳифасига жойлаштириб уларни бизга кўрсатган нурли йўлда Аллоҳнинг ризоси ва Жаноби Пайғамбаримизнинг севгисини қозонишга ҳаракат қилишимиз лозим. Қуръон ва Суннатни чин дилдан яшаб Исломининг гўзал ахлоқи билан хулқланиш ва бу нарсаларни жамиятга ҳам энг гўзал шаклда ёйиш ғайратида бўлишимиз лозим.

### **Камтаринликда Ноёб Эдилар**

Саҳобай киром, Ислом ахлоқи билан юксалганича, камтаринликда ҳам эришиб бўлмас

52 Ибни Хишам, IV, 276; *Муватто*, Қадар, 3.

бир чўкки ҳолига келгандилар. Ушбу ҳодиса бунинг яққол мисолидир:

**Салмон Форсий** розиаллоху анху Мадаин ҳокими эди. Шомдан Тейма ўғиллари Қабиласига мансуб бир киши келганди. Ёнида бир юк анжир ҳам олиб келганди. Салмон разиаллоху анхунинг устида бир кийим ва хирқа бор эди. Шомлик, Ҳазрати Салмонни таний олмади. Уни бу ҳолда кўриб:

“– Кел шуни таши!” деди.

Ҳазрати Салмон разиаллоху анху борди ва юкни елкасига олди. Халқ уни кўргач таниб қолди. Шомлик инсонга:

“– Юкингни ташиган бу зот ҳокимдир!” дедилар.

Шомлик дарҳол:

“– Кечирасиз, мен сизни таний олмабман!” деса ҳам Салмон разиаллоху анху:

“– Ҳечқиси йўқ, юкни уйингизга олиб бориб бергунча белимдан туширмайман!” жавобини берди. (Ибни Саъд, IV, 88)

Жаноби Аллоҳ Салмони Форсий Ҳазратлари каби камтаринлик аҳли қулларини ояти каримада шундай мақтамоқдадир:



**“Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда тавозуъ билан юрадиган...”** (Фурқон, 63)

### **Марҳаматда Мисли Дарё Эдилар**

Марҳамат, Саодат асри инсонининг энг очик сифатларидан бири эди. Шу ҳодиса, уларнинг каттасию кичиги ҳам марҳаматда ҳамда сахийликда қандай савияга эришганларини кўрсатган гўзал бир ўрнақдир:

**Ҳазрати Хасан** розиаллоҳу анҳу бир Мадина боғларига учраганди. У ерда занжи бир қулни кўрди. Қул қўлидаги нондан бир бурдани ўзи ер, бир бурдани итига берарди. Шундай қилиб нонни ити билан бўлишганди.

Ҳазрати Хасан разиаллоҳу анҳу:

“– Йигит, сен кимсан?” деб сўради.

Қул:

“– Абан ибн Усмоннинг хизматчисиман.” деди.

Ҳазрати Хасан разиаллоҳу анҳу:

“– Хўп бу боғ кимники?” деб сўраганида, қул:

“– Абан ибн Усмонники.” деб жавоб берди.

Ҳазрати Хасан разиаллоҳу анҳу:



“– Асло бу ердан жилмай тур, бироздан кейин сенинг ёнинга қайтаман!” деб у ердан чиқди ва боғ эгасини ёнига кетди. Боғни ҳам қулни ҳам сотиб олди. Кейин қулнинг ёнига келиб:

“– Йигит! Сени сотиб олдим.” деди.

Қул дархол ўрнидан туриб, хурмат ва мамнуният билан:

“– Итоат; Аллоҳга, Расулига ва сизгадир!” деди.

Бу садоқатли сўзлар, Ҳазрати Хасанни яна да тўйгулантирди. Хасан розиаллоху анҳу унга:

“– Сен Аллоҳ учун озодсан! Бу боғни сенга эҳсон қиламан!” деди.

Қул эса:

“– Жаноб! Мен эса бу боғчани, мени ўзи учун озод қилганинг Аллоҳга эҳсон қиламан!” деди. (Ибни Манзур, *Мухтасару Тарихи Димашиқ*, VII, 25)

Қисқаси, кўринишда бир қул, ҳақиқатда эса маърифат султони бу зот, кўрган марҳамат ва сахийликга жавобан фазилат устига фазилат кўрсатди.

Тобеиннаслининг етуколимларидан **Абдуллох ибн Муборак** ҳазратлари ҳам (хижрий 181-вафоти), бадавлат бир ҳадис олими эди. Дўстлари билан биргаликда ҳажга сафарга чиқишганди. Йўл четида бир кичкина уйда яшаган икки қиз болани



кўрди. Ҳеч кими бўлмаган бу қиз болалар, очлик сабабли уй яқинларидаги ўлик бир қушнинг гўштини олиб ейишни истадилар. Бу аҳволни кўрган Абдуллоҳ ибн Муборак Хазратлари сафарини давом эттиришдан воз кечди. Ёнида бўлган минг динорининг Марвага қайтиш учун ажратиб бўлгач, пулнинг қолганини қиз болаларга берди.

Дўстларининг:

“– Нега бундай қилдинг?” деб сўраганида шундай деди:

“– Бу қилган ишимиз, бу йилги ҳажга боришимиздан кўра савоблироқдир!”<sup>53</sup>

**Рабий ибн Хайсам** хазратлари, бир куни намоз ўқиётганида, кўз ўнгига йигирма минг дирхам қийматдаги отини ўғирлашган эди. Фақат у, ўғрининг орқасидан қувишдан кўра ҳузур билан ўқиётган намозини давом эттиришни афзал кўрди. Унинг бу катта йўқотишини эшитган дўстлари уни овуtgани келдилар.

Хазрат, дўстларига:

“– У одам, отимни ўғирлаётганида ўзини кўрдим. Аммо мен у вақтда муҳимроқ ва жуда яхши

---

53 М. Саид Хаџибўғли, “Илк Суфийларнинг Ҳадис/Суннат Тунчалари Ҳақида” *Исломият*, 2- жилд, 3-сон; Июль-Сентябрь, 13-бет.





кўрган бир ишим билан машғул эдим. Шунинг учун бу ўғрини қувламадим.” деди.

Шунда дўстлари, ўғрини қарғашга бошладилар. Ҳазрат уларни жимлатиб:

“– Жимланинг, менга ҳеч ким зулм қилгани йўқ! У одам ўз нафсига зулм қилди. Бечорани ўзига қилган зулми етмаганидай, биз ҳам унга зулм қилмайлик!” деди. (Бабанзада Ахмад Наим. Ислом Ахлокининг Асослари, 85,86- бет)

Саодат асри жамияти, ҳайвонларга ва ўсимликларга марҳаматда ҳам юксак мартабада эдилар. Чунончи Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам қўйни соғаетган бир шахсга дуч келганди. Унга:

“–Эй фалончи! Ҳайвонни соғганингда боласига ҳам сут қолдир!” буюрди. (Хайсамий, VIII,196)

Саҳобадан **Абуд-Дарда** разиаллоҳу анҳу эса туяларига жуда ортиқча юк юклаган инсонларга дуч келганди. Туя юкнинг оғирлигидан ўрнидан тура олмасди. Абуд Дарда розиаллоҳу анҳу дарров туянинг устидаги ортиқча юкларни ташлаб туяни ўрнидан турғизганидан кейин эгаларига шундай деди:

“–Агар Аллоҳ Таоло, ҳайвонларга қилганингиз азиятларни кечирса, сизга буюк мағфират қилган бўлади. Мен Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шундай буюрганини эшитдим:



*«Аллоҳ Таоло бу тилсиз ҳайвонларга яхши муомала қилишингизни буюради! Маҳсулдор бир тупроқдан ўтсангиз ҳайвонларга бироз ўтлашига рухсат беринг! Қурғоқ бир жойдан ўтсангиз у ердан тезроқ ўтинг, чунки бундай жойларда ошиқча чалғиб ҳайвонларга қийинчилик ва зарар берманглар!»* ( Ибни Ҳажар, ал- Маталибул Алия, II,226/1978)

### **Аллоҳ Учун Кечирешдан Рохатланардилар**

Инсон бошқаларни кўп кечирishi керак ки Аллоҳ уни кечирсин. Чунончи барчамизнинг, хоҳ Аллоҳга, хоҳ инсонларга нисбатан ишлаган, кечирилиши кутилган жуда кўп хатоларимиз бордир.

**Ҳазрати Абу Бакр** разиаллоҳу анҳу, Мистох исмли бир фақирга ҳамиша ёрдам қиларди. Қизи Ҳазрати Ойшани нишонга олган “Ифк Ҳодисаси”да унинг ҳам бу тухматчилар орасида жой олганини кўргач, қайтиб унга ва оиласига яхшилик қилмасликга доир қасам ичди. Шунда шу ояти карима нозил бўлди:

**“Сизлардан фазилат ва мол-давлат эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмасликка қасам ичмасин, балки (уларни) афв қилиб, кечирсинлар! Аллоҳ сизларни мағфират қилишини**



**истамайсизларми? Аллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибондир.”** (Нур, 22)

Ояти карима нозил бўлганидан кейин Абу Бакр разиоллоҳу анҳу:

“– Албатта Аллоҳнинг мени кечиришини хохлайман.!” деди. Орқасидан ичган қасамининг кафоратини бериб, яна хайрли ишини қилишни давом эттирди. (Бухорий, Меғозий, 34; Муслим, Тавба, 56; Таберий, Тафсир, II,546)

**Ҳазрати Али** розиаллоҳу анҳу Мисрга ҳоким қилиб тайинланган Малик ибн Хорисга бир буйруқнома ёзганди: У ерда ёзилган куйидаги ифода-лар, Саодат асри жамиятининг кечириш тушунчасининг қанчалар гўзал бир шаклда акс эттирмоқдадир:

**“Инсонларга жониворлар подасига боққандай боқма! Уларга нисбатан қалбингда севги, марҳамат ва яхшилик туйғуларини уйғонтир! Чунки истисносиз бутун инсонлар ё динда биродаринг ёки яратилишда шеригингдир. Инсонлар хато қилиши мумкин, бошларига турли мусибат тушиши мумкин. Йиқилганни қўлидан тут, сени Аллоҳ кечиришини хоҳласанг, сен ҳам инсонларни кечир, уларни яхши кўр ва эҳсон қил! Асло Аллоҳнинг иродасига қарши чиқма. Бировни**



**кечирганингга асло пушаймон бўлма! Берган жазоинг сабабли ҳам севинма!”<sup>54</sup>**

Исом ибн Мусталик ўзини дахшатга солган бир кечириш ва марҳамат мисолини шундай тушунтиради:

“Мадинага келдим, Ҳазрати Алининг ўғли **Ҳазрати Хасанни** кўрдим. Ҳазрати Хасан розиаллоху анхунинг гўзал кўриниши, комиллиги ва сабри мени ҳайратга солди, унинг бу аҳволини жуда ёқтирдим. Фақат унинг бу ҳолати, аввалари отаси Ҳазрати Алига нисбатан гина сақлаганим сабабли ичимдаги ҳасадни кучайтирди. Отасининг исмини зикр қилмасдан:

«– Сен Абу Толибнинг ўғли (набираси) мисан?» деб сўрадим.

«– Ҳа!» деганида, уни ва отасини охиригича ёмон сўзлар айтиб сўкдим, жуда кўп ҳақорат қилдим. Хасан розиаллоху анху менга шавқат ва марҳамат билан қаради, кейин:

«– Аузу биллаҳи минашшайтонир рожийм. Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.» деганидан кейин, шу ояти карималарни ўқиди:

54 Мухийиддин Сайдий Челеби, *Бухарийда Бошқариш Асослари*, Ҳазрати Доц. Мехмет Эрдоган, Стамбул 2000, 47-бет



«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **афв-марҳаматли бўлинг, яхшиликга буюринг ва жоҳиллардан юз ўгинг! Агар Сизни шайтон томонидан бўлган васваса йўлдан урмоқчи бўлса, Аллоҳдан паноҳ сўранг! Албатта У Эшитгувчи, Билгувчидир. Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирон васваса ушласа, (Аллоҳни) эслайдилар-да, бас, (Тўғри Йўлни) кўра бошлайдилар.» (Аъроф, 199-201)**

Кейин Ҳазрати Хасан менга шундай деди:

«– Эҳтиёткор бўлишни афзал кўр! Мен учун ҳам ўзинг учун ҳам Аллоҳдан мағфират сўра! Чунки сен, биздан ёрдам сўрасанг биз сенга ёрдам берамиз; сени меҳмон қилиб ҳурмат қилишимизни хоҳласанг, буюк бир мамнуният билан ҳурмат қиламиз; тўғри йўлни кўрсатишимизни хоҳласанг, биз сенга йўлни кўрсатамиз, тўғрини кўрсатишга гайрат қиламиз.»

Ҳазрати Хасан розиаллоҳу анҳу, ҳаддан ташқари тўлиб-тошиб қилган бу ишларимдан пушаймон бўлганимни юзимдан сезиб қолгач, менга:

**«Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилғай. У Зот раҳм қилгувчиларнинг Раҳмлироғидир.»** (Юсуф, 92) ояти каримасини ўқиди. (Ҳазрати Алига қарши чиққан Муовия тарафдори эканлигимни тушунди):



« –Сен Шом аҳлиданмисан?» деб сўради.  
Мен:

«– Ҳа.» дедим. Шунда менга ибратлар билан тўла бир шеър ўқиди. Бу шеър Шом аҳлидан аввалари ҳам бундай муомалаларга дуч келганини тушунтирарди.

Ҳазрати Хасан розиаллоху анху менга бўлган яқинлик туйғусини орттириб :

«Хуш келдинг, хузур олиб келдинг. Аллоҳнинг саломи сенга бўлсин! Аллоҳ сенга омонлик берсин, куч-қувват берсин, ёрдам қилсин. Ҳеч уялма, нимага эҳтиёжинг бор бўлса айт! Эсингга келганини айт. Иншаоллоҳ бизни, ўйлаганингдан кўра яхшироқ (ҳолатда кўрасан) деб топасан!» деди.”

Шомдан келган бу хорижий, у аснода ҳис қилган туйғуларини шундай таърифлайди:

“Бу гўзал ахлоқ олдида, ер юзи бутун кенглигига қарамай менга торайиб кетди. « Кошки ер ёрилса-ю ичига кирсам!» деб орзу қилдим. Кейин унинг кўзидан йўқолиб узоқлашиб кетдим. Бундан кейин мен учун дунёда Ҳазрати Али ва Ҳазрати Хасанлардан кўра севимлироқ бошқа ҳеч ким йўқ эди.” (Куртубий, *Тафсири*, [Аъроф, 201])

Инсон доимо яхшиликга бўйин эгади. Зеро ояти-каримада шундай буюрилади:



**“Яхшилик билан ёмонлик Тенг бўлмас. Сиз ҳар қандай ёмонликни энг гўзал сўзлар билан дафъ қилинг! (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ-содик дўст каби бўлиб қолур.”** (Фуссилат, 34)

Бу ибратли ҳодиса гўзал ахлоқнинг баракотли натижасини қанчалар гўзал ифода қилмоқдадир. Демакки, кечириб кўнгил қозонмоқ ва Ислом ахлоқини кўрсата олмақ, инсонларга жуда катта таъсир кўрсатмоқдадир.

**Маймун ибн Михран** Тобеин наслининг ибодат ва итоатга берилган олимларидан эди. Бир куни Маймуннинг меҳмонлари бор эди. Дастурхонда ўтришганида хизматчининг оёғи бир нарсага тегиб кетди ва иссиқ овқат Маймуннинг устига тўкилди. Жони оғриган Маймун, у онда жуда ғазабланди. Бу мушкул вазиятда кўрқувга берилган хизматчи:

“– Жаноб, сиз Аллоҳ Таолонинг **«Улар ғазабларини ичларига ютадилар.»**<sup>55</sup> буйруғини бажаринг!” деди.

Маймун:

“– Бажардим.” деди ва тинчланди. Орқасидан хизматчи оятнинг давомини ўқиб:

---

55 Ол-и – Имрон, 134



**«Инсонларни афв этадилар.»** Буйруғини ҳам бажаринг!” деди.

Маймун:

“– Сени афв этдим!” деди. Бу сафар хизматчи оятнинг, **«Аллоҳ инфоқ-эхсон, яхшилик қилгувчиларни севади.»** қисмини ўқиди.

Шунда Маймун:

“– Мен ҳам сенга эхсон, яхшилик қиламан. Аллоҳ ризоси учун бўшсан!” деб уни озод қилди. (Қуртубий, IV, 207, [Ол-и – Имрон, 134]) <sup>56</sup>

### **Жаноби Пайғамбаримизнинг Ал-Амин “Ишонарли” Ва Ас-Содиқ “Тўғри Сўзли” Сифатларидан Насиб Олишганди**

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Макка Фатҳидан кейин Хунайнда қўлга киритилган ўлжалардан қалбни Исломга ўргатишни хоҳлаган кимсаларга кўп кўп берганида, Ансорнинг ёшлари бу вазиятдан роҳатсизланиб:

“– Тўғриси, бу жуда ҳайратланарли! Қиличларимиздан ҳанузгача (Қурайшнинг) қонлари оқаябди, бунга нисбатан ўлжаларимиз

<sup>56</sup> Бошқа бир ривоятда, ғазабини ютган бу зотнинг Жафар-и Содиқ Хазратлари бўлгани накл қилинмоқдадир.





уларга берилябди!” дегандилар. Бу сўзлар Жаноби Пайғамбаримизга етиб борганда Ансорни тўплади:

“–Сизлардан менга етиб келган сўз нима?” буюрди.

Ансори карим жуда уялдилар. Бошларини ерга егишиб:

“–Ҳа, айнан сизга етиб боргани каби бўлди.” дедилар. **Чунки улар ёлғон гапирмасдилар.** (Муслим, Закот, 134)

Ҳазрати Анас розиаллоху анху ҳам шундай дейди:

“Аллоҳга қасамки сизга айтганларимизнинг ҳаммасини, тўғридан-тўғри Аллоҳ Расулидан эшитган эмасмиз, (Биз Расулуллоҳнинг хадиси шарифларини бири-биримиздан ҳам ўрганардик). **Фақат биз бир-биримизга ҳеч ёлғон гапирмасдик.**” (Хайсамий, I, 153)

Мусулмонларнинг бу гўзал ахлоқига ҳаттоки душманлари ҳам ҳавас билан қарашар ва уларга ишонардилар. Ухуд Жанги охирида душманларнинг етакчиси Абу Суфюн узоқдан:

“–Эй Умар! Сенга Аллоҳ номига онт берайман, биз Муҳаммадни ўлдирдикми?” деб қизиқиб сўради. Ҳазрати Умар розиаллоху анху:



“– Аллоҳга қасам ки йўқ! Ўлдирмадингиз! Хозир у сенинг гапларингни эшитмоқда!” деди.

Абу Суфюн:

**“– Сен мен учун Муҳаммадни ўлдирганини айтган ўзимизнинг одамимиз Ибни Камиадан кўра тўғри сўзли ва яхшироқдирсан!”** деди. (Ибни Хишом, III, 45; Вақидий, I, 296-297; Ахмад, I, 288; Хайсамий, IV, 111)

Бу ерда мукамал бир манзара кўрилмоқдадир. Бир мушрик, ўз сафларида уришаётган бир мушрикга эмас, балким қиличи қиличга дуч келган бир мусулмоннинг шахсиятига ишонгандир. Зеро инсон, шахсият ва феъл-атворга мухлисдир ва шахсиятли, феъл-атворли кишиларга ишонади.

Яман халқи, Жаноби Пайғамбаримизнинг ёнига келиб:

“–Биз билан биргаликда бирини юборингки бизларга Суннатларни ва Исломни ўргатсин!”, деб илтимос қилгандилар. Аллоҳ Расули саллоллоху алайҳи васаллам **Абу Убайда ибн Жаррохнинг** кўлидан ушлаб:

«– *Бу, шу умматнинг ишонарли кишисидир!*» буюрди ва Яманликлар билан биргаликда уни юборди.” (Муслим, Фадаилус-Саҳоба, 54; Ахмад, III, 146)

Бу ҳодиса ҳам, тўғри ва ишонарли бир шахсиятга эга бўлишни, инсонни Пайғамбар илтифоти-



га сазовор қилган маънавий хусусият эканлигини очик-ойдин кўрсатмоқдадир.

### **Сахийлик Ва Ғамхўрлик Баракотли Раҳмат Шамоллари Каби Эди**

Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам тарбиясида улғайган саҳобаи киром, Унинг сахийлиги ва ғамхўрлигидан ҳам буюк бир насиб олишгандилар.

**Жобир** розиаллоху анху:

“Мухожирлар ва Ансордан имконияти бўла туриб жамғармаси бўлмаган бир дона кишини ҳам билмайман.” дегандир. (Ибни Кудам, ал-Муғний, V, 598)

Ибни Хазм эса шундай дейди:

“Абдуллоҳ ибн Умар, Ҳазрати Фотима ва бошқа саҳобалар розиаллоху анхум Мадинада бир қанча вақф қолдиргандилар. Бу хусус, қуёшдан ҳам очикроқ ва машхурроқ бир масаладир, буни билмаган йўқдир.” (М.Абдух Яманий, Фотиматуз- Захро, Байрут 1996, 330-бет)

Буюк Ислом қўмондони **Холид ибн Волид** розиаллоху анху ҳам зирхларини, ҳаттоки бутун харб ашёларини ҳам Аллоҳ йўлида (жиход учун) вақф қилганди. (Бухорий, Закот,49,33; Жиход, 89; Муслим, Закот, 11)



Убайдуллоҳ ибн Аббос розиаллоху анҳума бир сафарга чикқанди. Ёнида озод қилган хизматчиси ҳам бор эди. Йўлда бир бадавийнинг уйини кўрдилар. Убайдуллоҳ розиаллоху анҳума хизматчисига:

“– Шу уйга борсак қандай бўлади? У ерда меҳмон бўлиб, тунни у ерда ўтказамиз.” деди.

Бордилар. Убайдуллоҳ Хазратлари жуда гўзал, шахсиятли ва сабр соҳиби бўлган бир киши эди. Бадавий уни рўбарўсида кўргач жуда хурсанд бўлди ва ҳайронлик билан аёлига:

“– Бугун бизникига жуда шарафли бир киши меҳмон бўлиб келди!” деб чақирди.

Бадавий уларни яхшилаб кутиб олди ва аёлининг ёнига борди, ораларида шу суҳбат ўтди:

“– Меҳмонлар учун кечки овқат борми?”

“– Йўқ фақатгина, сути сабабли кичик қизимизнинг ҳаёт манбаи бўлган шу қўй бор.”

“– У қўйни сўйишимиз керак!”

“– Қизингни ўлдирасанми?”

“– Ҳагтоки қизимиз ўлса ҳам қўйни сўйишимиз керак!”

Кейин бадавий қўйни ва пичоқни олиб шу **кинояли** сўзлашни бошлади:



*“Эй қўшилларим, қизимни уйғотманглар!  
Агар уни уйғотиб юборсангиз хайқириқлари билан  
йиглайди ва қўлимдаги пичоқни тортиб олади.”*

Кейин қўйни сўйди. Ундан овқат пишириб  
Убайдуллоҳ ва хизматчисига икром қилди. Убайдуллоҳ  
розиаллоху анхума бадавийнинг аёли билан бўлган  
сўхбатини эшитганди. Эрталаб хизматчисига:

“– Ёнингда пул борми?” деб сўради. У эса:

“– Йўл ҳаражатларидан бошқа қолган беш юз  
динор бор.” деди.

Убайдуллоҳ розаллоху анхума:

“– Уни бадавийга бер!” деди.

Хизматчи:

“– Субҳаналлоҳ! Унга беш юз динор берасиз-  
ми?! Холбуки у сиз учун беш дирҳамлик бир қўй  
сўйди!” деганида шу жавобни берди:

“– Хайф сенга! Аллоҳга қасам ки у биздан  
кўра сахийроқдир! Биз унга эга бўлган мулкимиз-  
нинг бир қисмини бердик. У эса бизга мулкининг  
хаммасини сарфлади, бизни ўзининг ва қизининг  
ширин жонидан афзал кўрди, буюк икромлик  
қилди.

Бу ҳодиса Муовиянинг қулоғига етганида  
шундай деганди:



“– Убайдуллоҳга офарин! У, кимнинг ўғли эканлигини ва қандай уйда улғайганини кўрсатибди.” (Ибнул-Асир, Усдул-Ғоба, Байрут 1417, III, 543; Ибни Асакир, Тариху Димашк, XXXVII, 483-484)

Убайдуллоҳ розиаллоху анхума, Жаноби Пайғамбаримизнинг амакиси Ҳазрати Аббоснинг ўғлидир.

Шу ҳодиса ҳам диққатни ўзига тортади:

Аллоҳ Расулининг аёли **Ҳазрати Ойша** розиаллоху анха, бир куни рўза тутган эди, бир фақир келиб ундан егани бирон нарса сўради. Ҳазрати Ойшанинг уйида бир дона нондан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Хизматчисига:

“– Нонни унга бер!” деди.

Хизматчиси:

“– Шомда ифторлик қилгани бошқа бирон нарса йўқ!” деди.

Ҳазрати Ойша розиаллоху анха:

“– Сен нонни унга бер!” деди.

Хизматчи, ҳодисанинг давомини шундай сўзлайди:

Ҳазрати Ойшанинг буйруғига кўра нонни унга бердим. Шом бўлганида биров бизга бир парча кўй гўшти юборди. Ҳазрати Ойша розиаллоху анха мени чақирди ва:



“– Ол е, бу сенинг нонингдан кўра лаззатлидир!” деди. (Муваатто, Садака, 5)

**Ибни Умар Ҳазратларининг**, дастурхонида бир етим бўлмасдан овқат ейилмагани, ҳар дастурхон ёйилганида албатта бир етим бўлгани ривоят қилинади. (Бухорий, ал-Адабул-Муфрад, № 136; Абу Нуайм, Хилъа, I, 299)

**Саҳоба ва тобеин даврларида яшаган Ҳасани Басрий ҳазратлари** ҳам шундай дегандир:

“Мусулмонларнинг шундай даврида бўлган эдим ки бир киши эрталаб:

«**Эй уйимдаги халқим, огоҳ бўлинг етимингизга, атрофингиздаги фақирларга ва кўшниларингизга диққат қилинг, уларга яхши қаранг!**» дерди. Бугун эса хайрлиларингиз орангиздан тездан олинди ва сиз ҳар кун тўхтамасдан ахлоқан заифлашябсизлар...” (Бухорий, ал-Адабул-Муфрад, № 139)

## **Исроф Қилишдан Бош Тортардилар**

**Акил ибн Аби Толиб** розиаллоҳу анҳу, Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг:

*«Таҳорат учун бир мудд, гусл учун эса бир саъ сув етарлидир»* <sup>57</sup> буюрганини ривоят қилганди.

57 Бир саъ 4 муддир, яъни 3.328 кгдир.



У ерда бўлган бир зот:

“–Бунча сув бизга етмайди.” деди. Шунда Акил розиаллоҳу анҳу, Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни назарда тутиб шундай жавоб берди:

“–Бунча сув, сендан ҳайрлироқ ва сочи сеникидан кўпроқ бўлган зотга етарди.” (Ибни Можжа, Тахорат,1)

Ҳазрати Абу Бакр озод қилган ва Ҳазрати Ойша онамининг сут биродари бўлган Касир ибн Убайд шундай сўзлайди:

“Мўминларнинг онаси Ҳазрати Ойшанинг ёнига бордим. Менга:

«–Ташқарида бироз кутиб тур кийимимни тикиб олайин!» деди. Мен эса:

«– Эй Мўминларнинг Онаси! Шояд чиқиб сизнинг бу қилганингизни инсонларга хабар берадиган бўлсам, сизни бахил дейдилар.” дедим. Бу сўзимга қарши

“– Сен ишингга қара! Эскини киймаганининг янгиси бўлмайди!” жавобини берди. (Бухорий, ал-Адабул-Муфрад, № 471; Ибни Саъд, III, 50)







*“Қудратимга қасам бўлсинки сизлар учун  
Расулulloҳда усваи ҳасана (энг мукаммал  
бир ўрнак) бордир... (Ахзаб, 21)*

САОДАТ АСРИ ЖАМИЯТИДА

ИЖТИМОИЙ  
ҲАЁТ



## Саодат асри жамиятида ижтимоий ҳаёт

### Исломий Таълимга Аҳамият Берардилар

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўқиш-ёзишни ёйилиши учун ғайрат қилар, бунинг учун ҳар фурсатни кадрларди. Мисол учун Бадр Жангида қўлга олинган асирларнинг ўқиш-ёзишни билганларига, озод қилинишларининг фидяси қилиб, ўн мусулмон фарзандига ўқиш-ёзишни ўргатишларини шарт қўйишгандилар. Хоҳ бу асирлар, хоҳ бошқа мусулмон муаллимлар томонидан ўқиш ва ёзиш ўргатилган бу мактабларга **“Куттаб”** номи бериларди.<sup>58</sup>

У даврда болаларга ўқиш-ёзиш ва диний билимларни ўргатадиган жуда кўп куттаб очилди.<sup>59</sup>

Саҳобаи киром уйларини ҳам мактаб ҳолатига келтиргандилар. Масжиди Набавиядаги Суффанинг

58 М.Ҳамидуллоҳ, *Ислоҳ Пайгамбари*, I, 141

59 А.Шелебий, *Тарихут-Тарбиятил-Исломия*, Қохира 1960, 38,39-бетлар



таълим-тарбия фаолиятлари учун етарсиз бўлиб қолмасин деб Мадинада баъзи уйларда “**Дарул-Қурра**” дейилган мактаблар очилганди. Ривоятга кўра **Махрама ибн Навфал**нинг уйининг бир қисми ёки ҳаммаси Қуръон ўргатишга ажратилганди. Бу

Дарул-Қуррага, Абдуллоҳ ибн Умми Мактум розиаллоху анху меҳмон бўлган ва у ерда дарс ўқитгандир.<sup>60</sup>

Расулуллоҳ саллоллохуалайҳи васаллам, Хавазин асирларидан бирини Ҳазрати Али розиаллоху анҳага бериб:

“—*Унга Қуръондан бир нарсалар ўргат!*” буюргандир. (Ибнул-Асир, *Усдул Ғоба*, VII, 105; Ибни Ҳажар, *ал-Исоба*, IV, 292)

### Тижоратда Ҳаққониятли Эдилар

Саҳобаи киромдан Жарир ибн Абдуллоҳ розиаллоху анху бозордан бир от сотиб олганди. Ёқтирган бир от учун сотувчи беш юз дирҳам таклиф қилди. Жарир розиаллоху анху, бу отга олти юз дирҳам бера олиши мумкинлигини, ҳатто саккиз юз дирҳамгача нархни кўтара олишини айтди. Чунки отнинг нархи юксак бўлиб, сотувчи буни билмас эди. Сотувчи:

---

60 Каттоний, *Таротиб*, I, 56; Ибни Абдилбарр, *ал-Истиаб*, I, 247; Макризий, *ал-Маваиз вал—Итибар би Зикрил – Хитати вал-Асар*, II, 362, Миср, 1270 х.



“– Отни, беш юз дирҳамга олишинг мумкин экан, нима учун саккиз юз дирҳамгача нархни кўтардинг?” деб сўраганида, шу муҳташам жавобни берди:

**“– Биз савдо-сотикда хийла ишлатмаслигимиз хусусида Аллоҳнинг Расулига сўз бердик.”**<sup>61</sup> Саодат асрида Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва халифалар, тижорий бозорни назорат қилиб туришган, ноҳақ фойда топиш йўлларини тўхтатгандилар. Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам бозорда имтиёзли бир синфнинг шаклланишига моне бўлиш учун тижоратчиларни бозорларда собит бир ер қозониб муҳим нуқталарни ишғол қилишларини тақиқланган, тақиққа бош эгмасдан бозорда чодир қурган бир сотувчининг чодирини буздиргандилар.<sup>62</sup>

### **Биродарликда Тилларга Достон Бўлдилар**

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дин биродарларидан бирисини уч кун кўрмаса, уни сўрарди. Узоқда эса унинг учун дуо қилар, уйда эса зиёрат қилар, касал эса шифо тилагани борарди.<sup>63</sup>

Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин Маккадан ҳижрат қилган Муҳожирлар

61 Ибни Хишом, ал-Мухалла, Миср 1389, IX, 454-бет.

62 Семхудий, Вафо, Миср 1327, I, 540.

63 Хайсамий, II, 295.

билан Мадиналик Ансор орасида бир “**Биродарлик Аҳди**” тузилди. Муҳожирлар, динлари учун ишларини, уйларини, мол-мулкларини душманларга ташлаб Мадинага хижрат этгандилар. Бу буюк фидокорлик, Ансорнинг буюк сахийлиги билан кутиб олинди. Ҳар бир Муҳожир оилани, Мадиналик бир оила ёнига олди. Шундай қилиб ораларида биродарлик аҳдини рўёбга чиқарган саҳобалар биргаликда ишлайдиган ва қўлга киририлган фойдани бўлишадиган бўлдилар.

Ҳатто **Ансори Киром**, ортиқча бўлган ерларини Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга тақдим этишиб, Муҳожирлар ўртасида тақсимланишини хоҳладилар. Ансорга, бу ҳам камлик қилгандай:

“– Ё Расулуллоҳ! Хурмо боғчаларини ҳам Муҳожир биродарларимиз билан ўртамизда бўлиштиринг!” дедилар. Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам буни қабул қилмагач Ансор, Муҳожирларга:

“– Ундай бўлса, сиз етиштириш ва суғориш ишини зиммангизга олингиз, кейин ҳосилни тенг бўлишайлик!” дедилар. Жаноби Пайғамбаримиз буни муносиб кўргач, ҳар икки томон:

“– Эшитдик ва итоат қилдик!” дейишиб бу таклифни қабул қилдилар. (Бухорий, Экин экиш, деҳқончилик, 5)



**Ансори Киром** хурмоларни тўплаганларида хосилни иккига ажратиб, бир тарафга кўп, иккинчи тарафга эса оз хурмо кўярдилар. Кейинчалик оз бўлган тарафнинг тагига хурмо шоҳларини кўйишиб у тарафни кўп кўрсатиб Муҳожирларга:

“– Қайси бирини танласангиз олингиз!” дедилар. Улар ҳам кўп кўринган йиғин Ансор биродарларимизга қолсин дейишиб, оз кўринган йиғинни олишар ва шундай қилиб хурмонинг кўпи Муҳожирларга тегарди. Ансор эса бу йўл билан оз бўлган қисмнинг ўзларига қолишини таъминлаган бўлардилар...” (Хайсамий, X, 40)

Бир куни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Баҳрайн ерларини саҳобаларига тақсим қилаётганида аввал **Ансорни** чақирганди. Ансор розиаллоҳу анҳум буюк фидокорлик кўрсатиб ва ўз ҳақларидан воз кечишиб:

“– Ё Расулуллоҳ! Муҳожир биродарларимизга бунинг мислидан ортиқча бўлмагунингизча бизга ҳеч нарса бермангиз!” дедилар. Шунда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“– *Эй Ансор! Моддомики (мўмин биродарингизни ўзингиздан афзал билиб) олишни хохламайсиз; ундай бўлса Кавсар Ҳовузида менга қовушгунингизгача (дунёнинг мутаасибликларига) сабр қилингиз! Чунки мендан кейин, яқинда сиздан*



*бошқаларни афзал кўрадиган замон келади.” буюрди. (Бухорий, Манакибул Ансор, 8)*

Аслида Ансор кўрсатган бу гўзал ахлоқ, сахийликнинг бир юқори даражаси, яъни сахийлик қилиб тарқатиш фазилати эди. Улар биродарларини ўзларидан афзал кўрар, ўзлари муҳтож бўла туриб, аввал бошқаларни ўйлашардилар. Жаноби Аллоҳ уларнинг бу ҳолини мақтаб шундай буюради:

**“Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашган ва иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) эса ўзлари(нинг ёнлари)га хижрат қилиб келган кишиларни суярлар ва дилларида уларга (муҳожирларга) берилган нарса-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймаслар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир.**

Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: “Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон гина қўймагин. Парвардигоро, албатта Сен Меҳрибон ва Раҳмлидирсан.” (Ҳашр, 9-10)





Саодат Асрида фақатгина Ансор эмас, бутун мусулмонлар айнан шундай ахлокли эдилар. Жаноби Аллоҳ уларни ҳам мақтагандир.<sup>64</sup>

Жаноби Пайғамбаримиз олиб келган бу биродарлик ҳуқуқи, тинч вазиятда бўлгани каби сафар пайтида ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиқадиган бўлса биродарларидан бирини кўшинга олар: бошқасини эса, ҳар икки оиланинг ҳам эҳтиёжларини қондириш ва шаҳарни мудофаа қилиш учун Мадинада қолдирар эди.<sup>65</sup>

**Ҳазрати Алининг** у даврдаги биродарлик тушунчасини акс эттирган шу сўзи жуда ибратлидир:

“Икки неъмат борки мен уларнинг қайси бирини кўпроқ севинтирганини била олмайман: **Биринчиси**, бир кимсанинг эҳтиёжини қондира олишимни умид қилиб ёнимга келиши ва бутун самимияти билан мендан ёрдам сўрашидир. **Иккинчиси** эса, Аллоҳ Таолонинг, у кимсанинг орзусини менинг воситам билан амалга ошириши, ёки осонлаштиришидир. **Бир мусулмоннинг ҳожатини чиқаришни, дунёга тенг олтин ва кумушга эга бўлишдан кўра афзал деб биламан.**” (Али ал-Муттақи, VI, 598/17049) **Анас ибн Молик** розиаллоҳу

---

64 Инсон, 8-11

65 М.Али Қапар, Ҳазрати Мухаммаднинг Мушрикларга Муносабати, Стамбул 1987, 145-бет



анху биродарлик руҳини қувватлантириш учун авлодларига шундай тавсия қилган:

“Болаларим, бирибирингизга сийлаб совға қилинглар, чунки бу, орангиздаги муҳаббатни оширадиган қувватли омилдир.” (Бухорий, ал-Адабул-Муфрад, № 595)

**Абдуллоҳ ибн Аббос** розиаллоху анҳума, бир куни Пайғамбаримизнинг масжидида эътикофда экан бир кимса ёнига келиб салом берди ва ўтирди. Ибн Аббос розиаллоху анҳума:

“– Биродар, сиз қайғули ва ғамгин кўринасиз.” деди ва суҳбати шундай давом этди:

“– Ҳа эй Расулуллоҳнинг амакисининг ўғли, қайғулиман! Фалон кишининг менда ҳаққи бор. Фақат шу қабрнинг соҳиби (Аллоҳ Расули саллоллоху алайҳи васаллам) ҳақи учун айтаманки, қарзимни тўлай олмаябман.”

“– Сиз учун у билан гаплашайми?”

“– Хоҳласангиз гаплашинг.”

Ибни Аббос розиаллоху анҳума оёқ кийимини кийиб масжиддан чиқди. Киши унга:

“–Эътикофда эканлигингизни унутдингизми, нима учун масжиддан чиқдингиз?” деди. Ибни Аббос розиаллоху анҳума:



“– Йўқ, мен шу қабрда ётган ва ханузгача орамиздан яқинда ажраган муҳтарам зотдан эшитдим, (бу пайтда кўзларидан ёшлар оқарди) шундай буюрди:

*“– Ҳар ким, дин биродарининг бир эҳтиёжини чиқариш учун гайрат қилиб ва у ишни бажарса, бу ўзи учун ўн йил эътикофда бўлишдан кўра ҳайрлидир. Ҳолбуки Аллоҳ ризоси учун бир куни эътикофга кирса, Жаноби Аллоҳ у кимса билан жаҳаннам ўртасида уч ҳандақ (зовур) яратади ки, ҳар бир ҳандақнинг ораси, шарқ билан ғарб ораси каби узоқдир.”* (Байҳакий, Шуаб, III, 424-425. Шунингдек қаранг. Ҳайсамий, VIII, 192)

Ибн Умар розияллоху анху у даврдаги биродарлик ҳақида шундай айтадилар:

“Бошимизда шундай замонлар бўлдики, бир одамнинг бир динори ёки дирҳами бўлса, ўшанга унинг мусулмон биродаридан кўра ҳақлироқ одам йўқ эди. Бугунги кунга келиб эса, динор ва дирҳам биримизга мусулмон биродаримиздан афзалроқ бўлиб қолди.

Ҳолбуки, Набий саллаллоху алайҳи васалламнинг:

Қиёмат куни кўпчилик қўшнисининг бўйнига осилиб олиб:



«—Эй Роббим! Бу кўшним менинг юзимга эшигини ёпган эди. У менга яхшилик, эҳсон қилмади ва мендан ёрдамини аяди деб даъво қиладилар», деганларини эшитганман», деди.” (Бухорий, ал-Адабул-Муфрад, №111; Ҳайсамий, X, 285)

### **Жамиятда Олийжаноблик, Назокат Ва Мулойимлик Ҳукм Сурарди**

Саодат Асри Жамияти олийжаноблик, назокат ва мулойимлик жамияти эди. Улар фақатгина инсонларгагина эмас, ҳаттоки ҳайвонлар ва ўсимликларга ҳам мулойимлик билан муомала қилишар, ҳеч бир нарсани хафа қилмасдилар.

Хусусан Ҳаж пайтида бунинг таълимини кўришар эдилар. Оппоқ эҳромлар ичида фаришта-ларнинг латофатидан ҳисса олардилар. Аёл-эркак мўминлар тавоф, саъй қилаётганларида, Арафотда туришганида, илоҳий амрларга кўра лоқайдликдан, яъни хурматсиз (бепарво) ҳоллардан сақланишар, доимо оёқларининг учларига қараб юришар, фиску фасоддан узок туришардилар.

Шунингдек ихромли экан ов қилинмас, овчига ов кўрсатилмас, бир ўт , ҳаттоки қасддан қилиб бир қил ҳам юлинмасди, ҳаттоки маълум бир вақтларда баъзи ҳалолларнинг тақиқланиши сабабли, шубҳали ва ҳаромлардан қанчалар узок



туриш кераклигини бир бошқа талқинини кўнгилларда ҳис этишардилар. Парвардигордан бошқа маҳлуқотларга шафқат, марҳамат, назокат ва айниқса ранжитмаслик ва ранжимаслик талабчанлигилар тушунчасида эдилар. Шундай қилса, қалблари юмшар, назокат ва мулойимлик олийлашар эди. Исломнинг кулар юзини намоён қиладиган даражага эришардилар.

Ҳатто Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳайвонларнинг ҳам парвариши ва тозалиги хусусида тавсиялар қилиб, хусусан қўй ва эчкиларнинг устидаги кир ва чангларни тозаланишини хохлаган эди.<sup>66</sup>

Савода ибн Раби розиаллоҳу анҳу шу муҳташам мулойимлик ва марҳамат мисолини нақл қилади:

“Жаноби Пайғамбаримизнинг ҳузури-олийларига чиқиб бир нарсалар сўрадим. Менга бир нечта (3 билан 10 ўртасида) туя берилишини айтди. Кейин эса шуни тавсия қилди:

*«– Уйингга қайтганингда уйингдагиларга айт, ҳайвонларга яхши қарасинлар, емларини яхшилаб берсинлар! Уларга тирноқларини олишларини айтки ҳайвонларни соғаётганда елимларини*

---

66 Хайсамий IV, 66-67



*инжитип яраламасинлар!»* (Ахмад, III, 484; Ҳайсамий, V, 168,259, VII,196)

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи Мунавварани ва атрофини ҳаром ҳудуди деб эълон қилган ва шундай буюрган:

*“Аллоҳ Расулнинг қўриқхонаси ичида бўлган дарахтларга калтак урилмайди ва улар кесилмайди. Фақат зарурат бўлса ҳайвонларнинг ейиши учун енгил ва юмшоқ шаклда барглари силкаланиши мумкин бўлади.”* (Абу Довуд, Ҳаж, 95-96/2039)

Абу Дувшум ал-Жуханий отасидан, у ҳам отасидан шундай нақл қилади:

“Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳайвонларини тўйдирмоқчи бўлиб қўлидаги калтак билан дарахтнинг шохларига уриб баргларини тўкишга ҳаракат қилган бир бадавийни кўрганди. Ёнидагиларга:

*«–У бадавийни ёнимга олиб келинг фақат юмшоқ бўлинглар, қўрқитиб юборманглар!»* деганлар.

Бадавий ёнига келганида:

*«–Эй бадавий! Юмшоқ бир шаклда ва мулойимлик билан қоқиб баргларни тўк, уриб синдириб эмас!»* буюрди.



Бадавийнинг бошини устидаги барглари ханузгача кўраётгандайман.” (Ибнул-Асир, *Усдул Ғоба*, Байрут 1417, VI, 378)

Умматини ҳар фурсатда ва ҳар нарсага нисбатан назокат, мулойимлик, латофат ва марҳаматга даъват қилган Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам **ўсимлик** учун эса шундай буюргандир:

*“Ерда ўсайган ҳеч бир ўсимлик йўқки уни назоратчи бир фаришта қанотлари билан сақламасин. Бу ҳолат ўсимликни ҳасад қилинишигача давом этади. Ким бу ўсимликни босиб эса, унга лаънат айтади.”* (Али ал-Муттаки, Канз, III, 905/9122)

## **Иффат Ва Ҳаё Соҳиблари Эдилар**

Саодат Асри Жамиятида эркак билан аёллар ўртасида ҳаё, иффат, поклик ва назокат ҳукмдор сурарди. Зеро Жаноби Аллоҳ шундай буюради:

**“ (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), мўминларга айт, кўзларини номаҳрам аёлларга тикишдан тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир). Албатта Аллоҳ уларнинг қилаётган ишларидан Хабардордир.**

**Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Ҳамда**



**кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни, устларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини номахрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар! Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар... Яна яширган зеб-зийнатларини билинмаси учун оёқларини (Ерга) урмасинлар! Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинлар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар.”** (Нур, 30-31)

Ҳазрати **Ойша** розиаллоҳу анҳанинг билдиришича бу ояти карима нозил бўлганида ҳоним саҳобалар уйларига боришни кутмасдан дарров ўша ернинг ўзидаёқ кийимларининг ортиқча қисмларини кесиб бошларини ва ёқаларини буйруққа мувофиқ шаклда тўсгандилар. (Бухорий, Тафсир, 24/12; Абу Довуд, Либос, 31-33/4102)

Сафийя бинти Шайбадан ривоят қилинишича, юқоридаги ояти карималар нозил бўлганида, эркаклар уйларига қайтишиб аёлларига, қизларига, опа-сингилларига ва бутун қариндошларига бу оятларни ўқидилар. Шунда бутун аёллар, энг қимматли кийимларини ҳам фидо қилишиб бу нарсалардан рўмол ва бошдан оёқ яхшилаб ўрандилар. Шундай қилиб Аллоҳ Таолонинг нозил қилинган ҳукмларини дарҳол тасдиқ этганликларини ва уларга кўнгиладан ишонганликларини кўрсатдилар. Бомдод намозида





Аллоҳ Расулининг орқасида бошдан оёқ ўранган сафга турдилар. (Ибни Касир, Тафсир, {Нур, 31})

Саодат Асри жамияти эркак ва аёлларни аралашиб кетишидан сақланиш хусусида ҳам жуда диққатли ва ҳассос эди. Яъни бегона эркак ва аёллар, ўлчов ва меъёрни бузадиган даражада бирга бўлишмасди ва аралашиб кетмасдилар. Ижтимоий ҳаётда аёл билан эркакнинг ўртасида доимо бир масофа бўлар ва бир-бирилари билан муносабатлари маълум бир ўлчов ва тартибда бўларди. Зеро Ислом, асос қилиб ёмонликларни тақиқлаганидай, илк тадбир ўлароқ ёмонликга сабаб бўладиган ва уни ҳаракатлантирдиган вазият ва ишларни ҳам тақиқлар, шундай қилиб инсонлар билан ёмонликлар ўртасига узун бир масофа қўйиб нотўғри йўлларни яхшилаб тўсиб қўярди.

Ислом беш вақт намозни жамоат билан ўқишга ва Жума намозига юқори катта берган холда эркак ва аёл аралашиб кетишини олдини олиш учун аёлларни булардан истисно қилган ва улар учун уйда намоз ўқишни масжидда намоз ўқишдан кўра фазилатли эканлигини билдиргандир.

Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“Аёлларнинг энг хайрли масжидлари уйлари-нинг бурчагидир.” буюргандир. (Аҳмад, VI, 297)



Фақат Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам жомеъга келмоқчи бўлган аёлларга ҳам монe бўлмаган ва бу хусусда уларга рухсат берганлар. Бироқ жомеъга намоз ўқигани келган аёлларни ҳам, эркаклар билан аралашиб эмас, уларнинг орқасида алоҳида бир сафда туришларини буюргандир.

Намоздан кейин эркаклар билан аёллар бир-бирилари билан аралашиб кетмаслиги учун Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир оз кутар, аёллар уйларига тарқайдан кейингина ўрнидан турар, қолган эркаклар ҳам Уни таъқиб қилардилар. Айниқса бомдод намози, ҳаво бутунлай оқармасдан ўқилар, аёллар намозда салом берар бермас дарров кийимларига ўранишиб уйларига кетишар, ҳеч ким уларни танимаганидан баъзан улар бири-бирларини ҳам таний олмасдилар.<sup>67</sup>

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Масжиди Набавийнинг бир эшиги ҳақида:

*“Бу эшикни аёлларга ажратсак!”* буюрган ва эркак саҳобалар кейинчалик у эшикни ишлатишмаганлар. (Абу Довуд, Намоз, 53/571)

Аёллар ҳайит намозаларига ҳам келардилар, фақат намозгоҳда уларни жойи алоҳида эди. Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам эркакларнинг хутбасини битиргач, аёлларнинг олдиларига

67 Бухорий, Азон, 162-166 қаранг



бориб уларга ҳам насихат қиларди. (Бухорий, Икки хайит ҳақида китоб,7,8)

Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир куни жомъдан чиқиб келаётганида, эркаклар билан аёлларни бир-бирларига аралашганини кўргач, аёлларга қараб:

“ – *Четга чиқинглар! Йўлнинг ўртасида юрманглар, йўлнинг четидан юринглар!*” буюрганди. Шундан кейин аёллар деворга яқин юришни бошладилар, гўё кийимлари деворга илашиб қоларди. (Абу Довуд, Адаб, 167-168/5272)

Ҳазрати Оиша розиаллоҳу анҳа, Амавийлар даврида эркакларнинг аёллар билан аралашганини кўргач шундай дегандир:

“Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг бундай қилганини кўрганида эди, худди Исроил ўғилларини жомъедан маън қилганидай, уларни ҳам жомъедан ман қиларди.” (Бухорий, Азон, 163)

## Юзларидан Табассум Аримасди

Бир киши **Суфён ибн Уяйна** Ҳазратларига (вафоти 198-ҳижрий):

“– Ҳазил айбмидир?” деб сўраганида у шундай жавоб берган:



“ – Нега айб, билакс суннатдир. Чунки Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

*«– Мен ҳазил қиламан, фақат доимо чин сўзлайман!»* буюргандир.” (Нувайрий, Нихаятул-Араб фи Фунунил-Адаб, Қохира тарихсиз, IV, 2)

Яъни ҳазиллашмоқ, латифа айтмоқ суннатдир, фақат кўнгил ранжитмасдан, билакс кўнгилни кўтариш керакдир.

**Ибни Қаййим ал-Жавзия** (вафоти 751-ҳижрий):

“ –Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳазиллашар ва ҳазилларида фақатгина чин сўзларди. Киноя қилиб гаплашар, бу сўзларида ҳам фақат ҳақиқатни гапирарди” дегандир. (Ибни Қаййим ал-Жавзия, Задул-Маад, I, 58)

Жаноби Пайғамбаримизнинг саҳобалари хаяжонли, ҳаракатчан ва кувноқ инсонлар эди. Қаерда қандай ҳаракат қилишни жуда яхши билардилар. Вақти келганида кинояли (иборалар билан) гаплашишар ва ҳазил қилардилар. Вақти келганида эса жиддийлашардилар. Ўртача даражада ҳаёт кечиришар, ҳаддан ошишдан эҳтиёт бўлишарди.

Бакр ибн Абдуллоҳ шундай дейди:

“Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари бир-бирларига қовун пўчоғини отиб, ҳазиллашишарди. Бироқ ҳақ гап



келганда улар ҳақиқий эр кишига айланар эди”.  
(Бухорий, ал-Адабул Муфрад, 266)

Абу Салама ибн Абдурраҳмон ҳам саҳобаларнинг ҳолатини шундай тасвирлайди:

“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ўз қобиғига ўралган ва дангаса-беҳол ҳам эмас эдилар. Мажлисларда шеър ўқишардилар, жоҳилият пайтидаги ишларини эслашарди. Бироқ, қачонки улардан Аллоҳнинг йўлида иш талаб қилинса, кўз қорачиклари мажунунники каби айланиб қолар эди (яъни у ишни жуда жиддийликка олиб , ишга маҳкам боғланардилар)”. (Бухорий, ал-Адабул Муфрад, 555)

Собит ибн Убайд розияллоҳу анҳу ҳам шундай дейди:

“Мен **Зайд ибн Собит**га ўхшаган одамларнинг ичида ўтирганимда энг салобатли ва уйида энг хушқакчак одамни кўрмаганман”. (Бухорий, ал-Адабул Муфрад, 286)

**Ҳазрати Али** разиоллоҳу анҳу жуда тез ва қисқа намоз ўқиган бир бадавийнинг намоздан кейин ўқиган дуосида:

“ – Ё Парвардигоро, мени жаннатда хурилар билан уйлантир!” деганини эшитгач:



“ – Вой сени, жуда оз тўлаб, эвазига кўп нарса сўраябсан!” деб латифа қилди. (Нувайрий, Ниҳайетул Араб, IV, 3)

**Абу Бакр ас-Сақафий**нинг билдиришича саҳобалар бироз Қуръон бироз шеър ҳам ўқирдилар. (Каттоний, ат-Таротиб, II, 236)

**Ибни Аббос** розиаллоҳу анху талабалари билан бирга ўтирганида уларга бир муддат ҳадиси шариф нақл қилар, кейин эса:

“ – Иштаҳамизни очинглар! Яъни латифа айтинглар, шеър ўқинглар, албатта руҳ ҳам, баданларнинг чарчаши каби чарчайди.” дерди ва Арабларнинг муҳим масалаларини тушунтиришга бошларди. Кейин эса яна дарсга қайтар ва бунга эҳтиёж сезилганда шу шаклда такрорларди. (Каттоний, ат-Таротиб, II, 237)

Абу Дардо розиаллоҳу анху бир сўз айтганида албатта табассум қиларди. Бир куни аёли унга:

“– Инсонларни устингиздан арзланишидан кўрқаман!” деди. У эса:

“ – Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир сўз айтганида албатта табассум қилар эди.” деб жавоб берди. (Ахмад, V, 198,199)

Тобеиндан **Абдуллоҳ ибн Муҳаммад** жуда қувноқ ва ҳазилкаш феъл-атфорга соҳиб эди. Ҳаттоки ўлим тўшагида ётган аммаси Ҳазрати



Ойшага ҳам ҳазил қилганди. Ҳазрати Ойша розиаллоху анҳа касал бўлиб ётганида, Абдуллох уни зиёрат қилган ва :

“– Онажоним! Сизга қурбон бўлайин, ўзингизни қандай ҳис қилябсиз?” деб сўраганди. Ҳазрати Ойша розиаллоху анҳа:

“– Аллохга қасам ки бу ўлим дардидир.” деганида Абдуллох:

“– Ундай бўлса муҳим бир нарса эмас!” деб ҳазил қилди. Унинг хаттоки шундай вазиятта ҳам ҳазил қилганини кўрган Ҳазрати Ойша розиаллоху анҳа:

“– Сен ҳеч қачон бу феъл-атворингдан воз кеча олмайсан!” деди. (Ибни Саъд, VIII, 76)







## ХУЛОСА

Жаноби Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам бутун инсониятга, ҳатто коинотдаги барча маҳлуқотларга раҳмат бўлди. Оламларнинг Фаҳри Абадийси Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллоллоху алайҳи васалламнинг олий ташрифи билан, оламнинг қорайган уфқлари нурга ғарқ бўлди. Инсоният кутаётган янги бир саодат тонги кўринди. Қалблар нурланди, сезгирлик билан фикрлаш очилди, ҳаётнинг тоза бўлмаган оқишлари тўхта-тилди. У буюк пайғамбарнинг файз ва баракати билан олам абадий бир баҳорга қовушди. Инсониятни ҳақиқий шараф ва обрўсига, хайр-яхшилик-га, ҳаққа, адолатга ва бирликга эриштирди. Ҳаёт ва мангуликнинг сирини У ўргатди.

У буюк Пайғамбар уммий бир жамиятда улғайди. Лекин олиб келгани Муқаддас Китоб билан дунё кутубхоналарига нур манбаи бўлди. Кўн-гилларни ҳикмат, сир ва илоҳий сирларга оид илм билан тўлдирди. У Муборак Китобнинг келиши билан минбарлар, меҳроблар, курсилар, Ҳақнинг ҳақиқат дарсларини ўқита бошлади.



Яна У Раҳмат Пайғамбари, бизга тенгсиз кинот китобининг саҳифаларини очди. Махфий ва номаълум тилларнинг зикр ва тасбеҳларига таржимон бўлди. Инсонлик обрўсини йўқотган ва ҳайвоний бир ҳаётга чўкган кўплаб жамиятларни ҳақиқий инсоний иззат, шараф ва обрўсига қовуштириб, кўнгиллардаги муҳаббат саройининг султони бўлди.

Жаноби Аллоҳ, Ислом билан мақсад қилган “Комил инсон” намунасини Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шахсида кўрсатган. Уни бутун бир инсоният учун ўрнак шахсият қилгандир. Аллоҳ рози бўлган феъл-атвор ва хатти-ҳаракатлардан иборат бўлган гўзал ахлоқ, Аллоҳ Расулининг муборак тил ва амалиётлари билан инсониятга таблиғ қилингандир.

Чунончи Жаноби Пайғамбаримизнинг ахлоқини сўраганларга Ҳазрати Ойша розиаллоҳу анҳа:

“Унинг ахлоқи Қуръондир.” буюрган. (Муслим, Мусафирун 139)

Аллоҳ Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам тирик бир Қуръон моҳиятидаги умри давомида, ҳар ҳол ва ҳаракатлари билан пок қалби шарифига нозил қилинган Қуръони Каримнинг феълий тафсири бўлган. Жаноби Аллоҳ Унинг ахлоқини олийлаштириш мақсадида:



**“Эй Муҳаммад алайҳиссалом), албатта Сен учун (кофирларнинг бундай озорларига сабр-тоқат қилганинги сабабли) битмас-туганмас ажр мукофот бордир. Албатта Сен улуг Ҳулқдасан”** (Қалам, 3-4) буюрган.

Инсониятнинг энг буюк ахлоқ обидаси, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламдир. Унинг энг яхши эргашувчилари эса саҳобаи киром ва Ҳақ дўстларидир. Уларнинг изидан юришнинг қадрини идрок этиб яшаган мўминлар эса, инсоний шараф ва обрўсига ярашадиган бир гўзал ахлоқга соҳиб бўлганлар.

Саҳобаи киром кўнгилларини Аллоҳ Расулининг муҳаббати билан тўлдириб, Унга ҳар хусусда итоат қилиб Унинг ахлоқи билан ахлоқланганлари учун Жаноби Аллоҳнинг мақтовларига эга бўлдилар. Чунончи ояти каримада буюрилади:

**“Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар – Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк саодатдир.”**  
(Тавба, 100)

Биз, энди саҳоба бўлиш имконига эга эмасмиз. Фақат ояти каримада буюрилганидай **“улар-**



га гўзаллик билан тобеъ бўлган” мўминлардан бўлиб, Аллоҳ Таолонинг розилигига муяссар бўлиш имкон ва эҳтимомимиз, хаётимиз давомидир боқийдир.

Саҳобаи киромдан кейинги асрларда ҳам Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқини энг гўзал акс эттирганлар, Аллоҳ дўстларидирки, Жаноби Аллоҳ уларни бизга намуна қилиб кўрсатмоқдадир. Улар: “ **Огоҳ бўлингизки, албатта Аллоҳнинг дўстларига (Охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар.**” (Юнус, 62) ояти каримасида буюрилганидек Аллоҳ наздида жуда олий бир мавқега соҳибдилар. Шубҳасиз ки бу илохий кафилликдан насиб ола билишлик учун у Ҳақ дўстларининг изидан бориш зарурдир.

Саҳобаи киром ва Ҳақ дўстлари, Аллоҳ Расулининг муборак шахсиятидан муносиб тарзда ҳисса олишиб Унда фонийлашганлари учун, хаётлари давомида кўрсатган бутун хатти-харакат гўзалликлари, асосан У Мавжудот Нурининг гўзал ахлоқидан акс этган фазилат намуналари ҳукмидадир. Зеро қаерда бир гўзаллик бор эса, Ундан бир акс-садодир. Ҳаттоки оламда бир гўл ҳам Унинг нуридан бўлмасдан очилмайди. У ки, у сабабли бормиз... У, сўлимаган, аксинча кунлар ўтиши билан тозалик ва таровати яна ҳам ортган,



бошидан охиригача бутунлай нурдан иборат бир гунчайи илоҳийдир.

Уммати Муҳаммад бўлиб биз ҳам саҳобаи киром ва уларнинг таълим-тарбиясида улғайган тобеин каби Аллоҳ Расулининг муҳаббати билан тўлиб, Унинг буюк ахлоқини ўрганишга талабгор бўлмоқ мажбуриятидамиз. Орадан ўтган асрларга қарамай уларнинг ҳеч қачон эскирмайдиган, сўлмайдиган гўзалликларни яшаб яшатиш ғайратида бўлишимиз керак. Зеро Жаноби Фахри Коинот Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақиқий уммати бўлиш шараф бахтиёрлигига муносиб бўлишнинг бадали шудир.

Жаноби Аллоҳга шукурлар бўлсинки биз ожиз кулларини бепул, яъни бир бадал тўламасдан Жаноби Ҳабиби Акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг уммати бўлиш билан шарафлантирди. Бу илоҳий лутфнинг ҳақиқатига эришиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатига ва **“биродарларим”** илтифотига лойиқ бўла олишнинг йўли, Унинг Суннатларига маҳкам боғланмоқ ва Унинг ахлоқи билан ахлоқланмоқдир.

Аслида, бир яратилиш мўъжизаси бўлган Жаноби Фахри Коинот саллоллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал ахлоқини, инсоний истеъдод ва тоқат билан бутунлай тушуна олиш ва инсон қаломининг чекланган имконлари билан муносиб



тарзда ифода эта олиш мумкин эмасдир. Чунки бу оламдан олинган изланишлар, Уни изох ва идрок қилишда кифоя қилмайди. Бир стаканга бир уммонни сиғдирмоқ мумкун бўлмагани каби, Жаноби Пайғамбаримиз Фахри Коинот саллоллоху алайҳи васалламни тўлиқлигича идрок эта олиш мумкун эмасдир. Уни ва Саодат Асрини тушунтириш мақсадида тилга олганларимиз эса, ожиз идрокимизга Унинг тенгсиз гўзалликларидан акс этган бир парча туридан насиблардир.

**Ё Парвадигоро! Расули Акрамнинг олий ахлоқ ва руҳониятидан қалбларимизга хиссалар насиб қил! “Онам, отам, жоним Сенга фидо бўлсин ё Расулulloҳ!” деган муборак қалбларнинг кўнгилдан хис қилишлари кўнгилларимизни шарафлантир!...**

**Омин!...**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>Саодат асри жамияти</b> .....	9
Жоҳилият Эътиқодлари Инсонни Тубанлаштирар Эди.....	11
Ибодатлар ва Муомалалар, Дунёвий Манфаатларга Қурбон Қилинганди.....	16
Тарк Қилинмаган Ахлоқий Хусусиятлар ҳам, Асл ҳолатидан Узоқлаштирилганди .....	17
Пайғамбаримизнинг Буюк Мўъжизаси: Саодат Асри Инсони.....	23
Обид Инсонлар Улғайди .....	25
Саҳоба, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан Нима Олганди? .....	27
Ислом Тонгдаги Қуёш Чикиши Каби Тезда Ёйилди .....	28
Туйғулар Чуқурлашди .....	30



Ақл ва Қалб Фаолияти Ҳамоҳанг Эди.....	32
Тафаккур Чексизлашди.....	35
Таблиғ Ҳаётларининг Энг Завқли Амали Бўлди...35	
Қуръони Каримга Маҳкам Боғландилар .....	38
Саҳобаи Киромларни Қуръони Каримга Йўналтирган Омиллар Нималар Эди?.....	41
Бутун Инсоният Уларга Ҳайрон Бўлди.....	42
Ислом Ахлоқи, Назарий Эмас Амалийдир.....	43

**САОДАТ АСРИ ЖАМИЯТИДА  
ИЙМОН ҲАЯЖОНИ.....** 49

Ислом Доирасига Кира Олишлик Учун Шошилдилар.....	50
Иймонлари Учун Жонларини Беришдан Тортинмадилар.....	52
Иймонларини Муҳофаза Қилиш Учун Ҳижрат Ва Жиход Қилдилар.....	58

**САОДАТ АСРИ ЖАМИЯТИДА  
ИБОДАТ ЖЎШҚИНЛИГИ.....** 67

Ҳамиша Таҳоратли Бўлишга Диққат Этардилар.....	67
Намоз Кўзларининг Нури Эди.....	71






Жамоатдан Орқада Қолишмасдилар.....	76
Закотни Кўнгил Шодлиги Билан Берардилар.....	79
Инфоқ-Эҳсон Ва Садақа, Хаётларининг Энг Муҳим Нуктаси Эди .....	85
Рўзанинг Тенгсиз Ибодат Эканлигини Идрок Қилгандилар.....	91
Ҳаж Ва Умра Орзулари Эди.....	95
Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф Таҳсилига Аҳамият Берардилар.....	100
Қуръони Каримнинг Барокоти Билан Шифо Топишарди.....	110
Саҳарларда Истиғфор Айтардилар.....	113
Ибодатларида Титрардилар.....	118
Яхшилик ва Фазилат Хусусида Мусобақалашардилар.....	120
Пайғамбаримизнинг Суннатларини Изма Из Таъкиб Қилардилар.....	122
<b>САОДАТ АСРИ ЖАМИЯТИДА АХЛОҚИЙ КОМИЛЛИК.....</b>	<b>133</b>
Камтаринликда Чўққи Эди .....	134
Марҳаматда Мисли Дарё Эдилар.....	136



Аллоҳ Учун Кечирешдан Роҳатланардилар.....	140
Жаноби Пайғамбаримизнинг Ал-Амин “Ишонар- ли” Ва Ас-Содиқ “Тўғри Сўзли” Сифатларидан Насиб Олишганди.....	146
Сахийлик Ва Ғамхўрлик Баракотли Раҳмат Ша- моллари Каби Эди.....	148
Исроф Қилишдан Бош Тортардилар.....	153
<b>САОДАТ АСРИ ЖАМИЯТИДА</b>	
<b>ИЖТИМОЙ ҲАЁТ.....</b>	<b>157</b>
Исломий Таълимга Аҳамият Берардилар.....	157
Тижоратда Ҳаққониятли Эдилар.....	158
Биродарликда Тилларга Достон Бўлдилар.....	159
Жамиятда Олийжаноблик, Назокат ва Мулойим- лик Ҳукм Суларди.....	166
Иффат ва Ҳаё соҳиблари эдилар.....	169
Юзларидан Табассум Аримасди.....	173
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>179</b>
<b>МУНДАРИЖА.....</b>	<b>185</b>





Ушбу асарда оламларга раҳмат ўлароқ юборилган пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаламнинг ҳаётлари ва у зот (с.а.в) шахсиятларининг баъзи қирралари ёритилади.



Туркиялик олим Усмон Нурий Тўпбошнинг қўлингиздаги китобида Ислом маърифатининг буюк намояндаларидан Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг “Маснавий”лари таҳлили асосида ҳаётимизнинг маънавий қирралари ёритилади.



Ушбу китоб Саодат Асри Жамиятининг исломий яшаш тарзи, иймон мустаҳкамлиги, ибодатга бўлган эътибори, бизларга ибрат бўлган гўзал ахлоқи ҳақида маълумот беради.



Бу китоб сизларга тўғри таҳорат қилишни ва намоз ўқишни ўргатади. Шунингдек бу китобда қисқа иймон асосларини топасиз. Болалар ва ёши катталарга тавсия қилинади.

